

674
O'ZBEKISTON

TARIXI

1/2013

HISTORY OF UZBEKISTAN



R-617

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI



Alisher Navoiy *Илмий журнал*
nomidagi
O'zbekiston MK
МУНДАРИЖА

O'ZBEKISTON TARIXI



1

2013

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta
chiqadi.

С. Азизов. Алишер Навоий асарларида юлдузлар тавсифи	3
С. Давлатова. Мустамлакачилик даврида Туркистонда хунармандчилик: анъана ва ривожланиш муаммолари	12
Д. Алимова, Н. Мустафаева. Совет даврида Ўзбекистонда маданий-тарихий меросга муносабат: интилишлар ва муаммолар	23 ✓
Х. Бўриева. II жаҳон уруши ва урушдан кейинги даврда Тошкент топонимиясининг хусусиятлари (Маъмурий бўлинмалар ва хўжалик соҳаси)	37

Тарихшунослик

Т. Норқобилов. Сурхон воҳасида деҳқончилик маданиятининг вужудга келишини даврлаштириш тўғрисидаги илмий қарашлар эволюцияси	47
Н. Абдуллажанова, П.Г. Булгаковнинг Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга қўшган ҳиссаси	57
В. Хан. Корейшунослик диаспорологиясида тарихшунослик тадқиқотларини классификациялаш принциплари ва ҳолати	65

313
№. 47

Этнология масалалари

Р. Саттаров. Этнологияда шаҳар шаманизми концепциясини ўрганилишига доир	78
М. Тен. Ўзбекистон корейслари моддий маданиятининг ўзгариши масаласига доир	84

Фикр ҳақида фикр

Б. Бабаджанов. Яна Дукчи Эшон ҳақида. М. Тоиров мақоласи муносабати билан	92 ✓
А. Эркинов. Илмий ҳақиқат ҳамма нарсадан устун	103

Илмий ҳаёт

Н. Мустафаева. Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарининг 2012 йилда бўлиб ўтган йиғилишлари тўғрисида	107
---	-----

СОДЕРЖАНИЕ

С. Азизов. Описание звезд в произведениях Алишера Навои	3
С. Давлатова. Ремесленничество в Туркестане в колониальный период: традиции и проблемы развития	12
Д. Алимова, Н. Мустафаева. Историко-культурное наследие Узбекистана в советский период: подходы и идеологическая борьба	23
Х. Буриева. Особенности топонимии Ташкента в годы второй мировой войны и послевоенный период	37
<i>Историография</i>	
Т. Норқобилов. Эволюция научных взглядов на периодизацию возникновения земледельческой культуры в Сурханском оазисе	47
Н. Абдуллажанова. Вклад П. Г. Булгакова в изучение жизни и деятельности Абу Райхана Беруни	57
В. Хан. О принципах классификации и состоянии историографических исследований в корееведческой диаспорологии	65
<i>Вопросы этнологии</i>	
Р. Саттаров. К концепции изучения городского шаманизма в этнологии	78
М. Тен. К вопросу об изменении материальной культуры корейцев Узбекистана	84
<i>Мнение о мнении</i>	
Б. Бабаджанов. Снова о Дукчи Ишане. По поводу статьи М. Тоирова	92
А. Эркинов. Научная объективность превыше всего	103
<i>Научная жизнь</i>	
Н. Мустафаева. О заседаниях Республиканского научного семинара им. Я Гулямова «История узбекского народа и его государственности» в 2012 году	107

Тахрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош муҳаррир)
Равшан Абдуллаев
Баҳром Абдуҳалимов
Мируэрт Абусейтова
(Қозоғистон)
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсодиқ Исоқов
Сурайё Каримова
(бош муҳаррир ўринбосари)
Нодира Мустафаева
Зоя Орифхонова
Мирзоҳид Раҳимов
Эдвард Ргвеладзе
Ильза Сиргаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Темур Ширинов
Нозим Ҳабибуллаев
Назокат Қосимова
Шоира Асадова
(масъул котиб)
Т. Гез (муқова дизайнери)

Манзилимиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Тел.: 262-38-73

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 12.06.2013.
Босишга рухсат этилди 02.07.2013.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}.
Таймс гарнитура. Офсет босма.
Офсет қоғози. Ҳисоб-нашриёт т. 7,75.
Шартли босма т. 8,7.
350 нусха. Бюртма № 19.
Келишилган нарҳда.

Оригинал макет «ILM ZIYO» МЧЖ
нашриёт уйида тайёрланди.
Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.
«PAPER MAX» ХК
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.

С. АЗИЗОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ЮЛДУЗЛАР ТАВСИФИ

Фанда табиат ҳақидаги маълумотлар ўрта асрларгача уйғун ҳолда мавжуд бўлган. XVII асрга келиб фанда дифференциация натижасида икки йўналиш — табиий ва гуманитар фанлар йўналишлари юзага келди¹ ва гуманитар фанлар аста-секин табиий фан тадқиқотчилари эътиборидан четда қола бошлади. Бунинг сабабини бир муаммога икки хил ёндашиш оқибатидан, деб изоҳлаш мумкин. Чунки табиий фанлар тадқиқотчиларининг услубиятида муаммо исбот йўли билан тадқиқ қилинар, гуманитар йўналишларда эса, муаммони мунозара ва мушоҳада қилиш билан чекланилар эди. Бундай ажралиш рўй беришига қарамай, гуманитар адабиётларда табиий фанлар ютуқлари акс этиши давом этди.

Айни вақтда жамият тарихининг турли босқичларида шаклланган фалакий дунёқарашларга илмий нуқтаи назардан баҳо беришда гуманитар ёзма манбалардаги фалакиётга оид маълумотларни тадқиқ этиш ҳам муҳим ҳисобланади. Шунга қарамасдан, фанда ёзма гуманитар манбалардаги фалакиёт мавзуси етарлича ўрганилмаган.

Агар тарихга чуқурроқ назар ташласак, фалакиёт билан боғлиқ тасаввурлар жуда қадимдан бошланганлигини кўраимиз. Чунончи гуманитар ёзма манбалар мисолида қадимги юнон ёдгорликларидан Гомернинг (мил. ав. IX–VII асрлар) «Илиада» ва «Одиссея», Гесиоднинг (тахм. мил. ав. VIII–VII асрлар) «Заҳмат ва кунлар», Клеострата Тенедоснинг (мил. ав. VI–V асрлар) «Астрология», Арат Солининг (мил. ав. IV–III асрлар) «Феномен»², Тит Лукреций Карнинг (мил. ав. I аср) «Табиат»³, Марк Манилийнинг (I аср) «Астрология»⁴, Цезарь Германикнинг (I аср) «Само ҳодисалари»⁵ асарларида фалакиёт мавзусига дахлдор маълумотлар акс этган.

¹ Большая советская энциклопедия. Третье издание. Москва, 1977. Т. 27. 337-бет.

² Дашевский Г. Небесные явления по Арату. Историко-астрономические исследования. Выпуск XX. Москва, 1988. 336–372-бетлар.

³ Тит Лукреций Кар. О природе вещей // Античная литература. Рим. Антология. Москва, 1988. 166–199-бетлар.

⁴ Manilius M. Les astrologiques tn la science sacree du ciel (Astronomicon) / Illustré d, une suite complete des gravures du @Livre des fables astronomiques@ de C. J. Hyginus, selon l edition de 1578[Introd/ Et notes de R. Aleau. Paris, 1970).

⁵ Дашевский Г. Небесные явления по Арату. 346–363-бетлар.

Фалакиёт мавзуси ўрта асрлар мусулмон Шарқи гуманитар ёзма меросида ҳам акс этган ва унинг ўзига хос томонлари бор. Масалан, назмий асарларда фалакиёт мавзуси икки хил услуб — бирор-бир фалакий мавзунинг назмда ёритилиши ва бошқа фан соҳаларида ёзилган назмий асарларда фалакиётга оид маълумотлар қайд этилиши услубларида кузатилади. Биз ўз тадқиқотимизда кўпроқ иккинчи услубга эътибор қаратдик. Маълумки, фалакиётга оид турли маълумотлар Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Низомий Ганжавий, Жалололдин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил каби шоирларнинг назмий меросларида учрайди.

Умуман олганда, насрий асарларда фалакиёт мавзуси ҳозирча жуда кам ўрганилган дейиш мумкин.

Алишер Навоий асарларида осмон жисмларидан Қуёш, Меркурий, Венера, Ер ва унинг йўлдоши Ой, Марс, Юпитер, Сатурн, метеорлар, кометалар, Сомон йўли, юлдузлар тўдаси, юлдуз туркумлари, буржлар ва алоҳида юлдузлар ҳақида маълумотлар бор. Қуйида Алишер Навоий асарларида юлдузлар ҳақида келтирилган маълумотлар хусусида сўз боради.

Юлдузлар. Алишер Навоий асарларида юлдузлар билан боғлиқ маълумотлар анчагина ва кўпгина ҳолларда, улар турли сўз ва иборалар воситасида ифодаланган. Бу сўзларнинг аксарияти арабча, қисман форсча ва туркий тилларда бўлиб, Алишер Навоий фойдаланган астрономияга оид илмий адабиёт таъсири билан боғлиқ дейиш мумкин. Бир гуруҳ юлдузлар аниқ номлар билан ифодаланган: *Қутб юлдузи*⁶ — осмон сферасида Шимолий қутб ёнидаги кўзгалмас юлдуз; *Яман Шеъриси* — *Сириус* (Катта Ит юлдуз туркумининг альфа⁷ юлдузи); *Шом Шеъриси* — *Процион* (Кичик Ит юлдуз туркумининг альфа юлдузи); *Симок*⁸ — *Арктур* (Хўкизбоқар юлдуз туркумининг альфа юлдузи); *Симоки ромих*⁹ — *Найзадор Симок*; *Суҳо*¹⁰ — Хулқар тўпидаги энг хира

⁶ Алишер Навоий. Ситтаи зарурия. Тошкент, 2008. 22-бет.

⁷ Фалакиёт илмида юлдуз туркумларидаги юлдузлар ёрқинликларига кўра латин алифбосидаги ҳарфлар кетма-кетлигида ифодаланadi. Масалан, энг ёрқин юлдуз — альфа, ундан хирароғи — бета ва ҳоказо.

⁸ Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова. Тошкент, 1972. 560-бет.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (насрий баёни билан). Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 337-бет; Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (насрий баёни билан). Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 456-бет. Алишер Навоий. Сабаъи сайёр. Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 168-бет.

юлдуз; *Сухайл*¹¹ — *Канопус* (Киль юлдуз туркумининг альфа юлдузи); *Насрайн*¹² — каргас — гриф (ўлаксахўр қуш) шаклидаги икки ёруғ юлдуз. Илми нужумда улар Насри Тоир ва Насри Воқий деб номланган¹³. *Насри Тоир* — учар бургут (қийғир¹⁴ шаклида тасаввур этиладиган бир юлдузнинг номи, уқоб деб ҳам юритилади)¹⁵. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида каргас қуши «Ус» (каргас деб аталувчи қуш, бургут)¹⁶ номли юлдуз туркуми деб қайд қилинган¹⁷. Осмон сферасида қушлар номи билан аталган Оққуш ва Бургут юлдуз туркумлари нисбатан бир-бирига яқин жойлашган. Уларнинг тун осмонидаги кўриниши учаётган катта қушларни эслатади. Тадқиқот жараёнида *Насрайн* (*Насри Тоир*, *Насри Воқий*) ана шу юлдуз туркумлари билан боғлиқ, деган фикрга келинди.

Яна бир гуруҳ сўз ва иборалар юлдузлар билан бир қаторда, уларнинг ҳолатини ҳам ифодалаб келади: *ахтар чечаклари* — чарақлаган юлдузлар; *кавкабистон* — юлдузлар чарақлаб турган тиниқ осмон, юлдузлар макони; *ахтар* — юлдуз; *нажм* — юлдуз; *нужум* — юлдузлар; *ситора* — юлдуз; *анжуми улувви рифъат* — энг баланд юлдузлар; *нажми соқиб* — ёруғ юлдуз; *собитот* — турғун юлдузлар; *тийра анжум* — хира юлдуз; *савобит* — адашган юлдуз, сайёра, *анжум кўзи* — юлдузларнинг нурли кўриниши; *анжум тирноғи* — юлдуз қирралари; *дури анжум* — юлдуз дурдоналари. Ушбу астрономик сўз ва ибораларда тун осмонидаги юлдузлар ва улар ҳосил қилган турли кўринма шакллар тасвирланган.

Юлдузлар тўдаси. Алишер Навоий дostonларида айрим юлдузлар тўдалари ҳам назм этилган. Умуман олганда, фалакиёт илмида юлдузлар тўдаси деганда, самода маълум бир жойдаги юлдузларнинг шарсимон ёки тартибсиз тўплари назарда тутилади. Улар турли номлар билан аталган. Масалан, Алишер Навоий «Садди Искандарий» дostonининг «Искандарнинг Ҳиндистонда бўлиши»га бағишланган қирқ учинчи бобида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

¹¹ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 132-бет.

¹² Алишер Навоий. Ситтаи зарурия. 22-бет.

¹³ Ўша жойда.

¹⁴ *Қийғир* — тумшуги калта ва қайрилган, асосан, унча йирик бўлмаган қуш, қирғий.

¹⁵ Навоий асарлари луғати. 453-бет.

¹⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент, 1967. 306-бет.

¹⁷ Ўтмиш манбаларида бир юлдуз туркуми, шу туркумни энг ёруғ юлдуз номи билан аталиш ҳоллари учрайди.

*Узум хўшаси бирла аҳли расад
Синехр узра Парвин кўруб беадад*¹⁸.

Маъмуни: Мунажжимлар осмонда узум бошига ўхшаш саноқсиз Парвинлар борлигини кўрдилар¹⁹.

Бу байтда фалакиёт илмида жуда қадимдан мавжуд тушунча — осмон жисмларини ердаги нарсаларга ўхшатиш қисман ифода этилган. Масалан, Алишер Навоий осмондаги Парвин юлдуз тўдасини ердаги узум боши билан қиёслаган.

«Хазойин ул-маоний» асарида «Парвин» ҳақида яна қуйидагилар ёзилган:

*Юзунг васфин деб ўткан тун дури ашким тўкар эрдим,
Тутуб тоғ кейнин ой кирди, қаро туфроққа Парвин ҳам*²⁰.

Фалакиёт илмидан маълумки, ернинг ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа қараб айланиши натижасида тун осмонида кечаси билан юлдузли манзара ўзгариб туради. Кеч кириши билан кўринмаган юлдузлар уфқнинг шарқ томонида пайдо бўлиб кўрина бошлайди, оқшомдан бошлаб тун осмонида кўринаётган юлдузлар аста уфқнинг ғарб тарафида кузатувчи назаридан яширинади. Мана шу жараён, байтнинг иккинчи сатрида «Ой билан Парвин»нинг уфқ ортига ботиши ўхшатиш билан тасвирланган.

«Наводир ун-ниҳоя» асарида ушбу ҳолат:

*Титрагуч гавҳарлари эркин бошингда ё магар,
Ой бошинда ҳайъати Парвин мусавварму экин?*²¹

дея ифодаланган.

Агарда мутгасил равишда тун осмони кузатиб борилса, унда ҳаракатланаётган ёритқичларнинг тун давомида бир-бирига нисбатан турли мутаносибликларда жойланишлари кузатилади. Маълумки, юлдузлар осмон гумбазида қўзғалмай туради. Ой эса илдамлама ҳаракатланади. Ойнинг бундай ҳаракатида, маълум вақтларда, шундай ҳолат содир бўладики, жумладан, бунда «Ой тепасида Парвин» жойлашган бўлиб кўринади.

¹⁸ Алишер Навоий. Садди Искандарий (насрий баёни билан). Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 275-бет.

¹⁹ О. Бўриев таржимаси.

²⁰ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Девони Фоний. Тошкент, 2002. 4-жилд. 312-бет.

²¹ Ўша асар. 418-бет.

Юқорида Алишер Навоий назмида тилга олинган форсийдаги Парвин туркий тилда Ҳулкар деб аталади. Унинг илмий астрономик адабиётдаги номи Плеядадир. Қадимги юнон афсоналарида Плеяда²² ҳақидаги илк маълумотлар Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея», Гесиоднинг «Заҳмат ва кунлар»²³ асарларида учрайди²⁴.

Ўрта асрларда Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарида Ҳулкар юлдузлар тўдаси «Сурайё» номи билан қайд этилган ва у Савр юлдуз туркумидаги алоҳида олтита юлдуздан ташкил топганлиги ёзилган²⁵.

Алишер Навоий Ҳулкар юлдуз тўдасига оид маълумотлар билан адабиётлар орқали таниш бўлган ва ўзи ҳам кузатиб назмда қайд қилган.

Юлдуз туркумлари. Фалакшунослар бир қанча юлдузларни маълум шаклларга бирлаштириб турли номлар билан атаганлар ва уларга нисбатан юлдуз туркумлари иборасини қўллаганлар. Алишер Навоий асарларида юлдуз туркумлари ҳақида уч хил маълумот бор:

1) ўн икки буржни ташкил этган юлдуз туркумлари. Улар шоир асарларида қуйидаги номлар билан учрайди: Ҳамал (Кўчқор), Савр (Ассор), Жавзо (Икки пайкар), Саратон (Ҳарчанг), Асад (Арслон), Хўша, Мезон, Чаён, Ёй (Қавсайн), Жадий (Ўчқу), Далв (Қовға), Ҳут. Бу юлдуз туркумлари мусулмон Шарқи астрономик манбаларида бурж юлдуз туркумлари, қадимги юнон фалакиёт илмида зодиак (ҳайвонлар ҳалқаси) атамалари билан қайд қилинган;

2) «Етти кавкаб» юлдуз туркуми. Шоирнинг «Бадоеъ ул-бидоя» асарида «Банот ун-наъш» («Катта Айиқ») ²⁶ номи билан қайд қилинган. Бу юлдуз туркуми ҳақида «Авесто» Яшт китоби «Фарвардин алқови» (Фарвардин яшт) бобининг олтмиш биринчи қисмида қуйидаги маълумот бор:

«Улар осмонда Ҳафтаирин²⁷ га юлдузларин тартибини қўриқлар»²⁸.

²² Ҳулкар юлдуз тўдаси юнон тилида «Плеас» деб аталиб, кўп, анча, бир талай маъноларини билдиради (Н. Николов, В. Харлампиев. Звездочеты древности. Москва. 1991. 192-бет.) — қадимги юнон афсоналаридаги Атлант (Атлас)нинг хотини Плейонанинг қизлари Алкион, Келено, Электра, Тайгет, Майю, Стеропу ва Меропу исмларини билдиради (Ю. А. Карпенко. Названия звездного неба, Москва. 1981. 49-бет).

²³ Гесиод. Эллинские поэты. Москва, 1963. 154-бет.

²⁴ Паннекук А. История астрономии. Москва, 1966. 105-бет.

²⁵ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. V жилд. Тошкент, 1976. 290-бет.

²⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи жилд. «Бадоеъ ул-бидоя». Тошкент, 1987. 18-бет.

²⁷ Ҳафтаирин — Етти қароқчи, Катта Айиқ юлдуз туркуми.

²⁸ Авесто Яшт китоби. Мирсодиқ Исоқов таржимаси. Тошкент, 2001. 92-бет.

Ушбу гаптадаги «Ҳафтаирин» — Етти қароқчи Катта Айиқ юлдуз туркумини англатади.

Банотун-наъш (Катта Айиқ) ва Кичик Айиқ юлдуз туркумлари-га Берунийнинг «Тафҳим» асарида қуйидагича таъриф берилган: «Кичик Айиқнинг ҳамма юлдузлари *Кичик Банот наъш — Тобутнинг кичик қизлари* деб аталади. Катта Айиқнинг еттита юлдузини эса *Катта Банот наъш — Тобутнинг катта қизлари* дейилади. Шимолий қутб юлдузлари билан боғлиқ бўлганидан, уни *Тобут қизларининг қутби* дейишади. *Тобут* — тўрт бурчакка жойлашган тўртта юлдуздир, «қизлари» эса унинг думидаги учта юлдуздир²⁹. Алишер Навоий асарларида бу юлдуз туркумининг «Етти кавкаб» ёки «Банот ун-наъш» деб аталиши унинг Беруний асари билан танишиши натижаси бўлса керак, деган фикрдамиз. Ҳозирда «чўмични» эслатувчи «етти юлдуз» дан иборат бу юлдуз туркуми «Катта Айиқ» номи билан машҳур;

3) «Насри Тойир» (Алтоир — Бургут юлдуз туркумининг альфа юлдузи) юлдуз туркуми. Бу ҳақда «Фарҳод ва Ширин» достонидан ўрин олган қуйидаги байтда ёзилган:

*Очиб ҳиммат қанотини Насри Тойир
Эрур гардун шабистонига сойир*³⁰.

Мазмуни: «Насри Тойир»³¹ ҳиммат қанотини очиб тунги осмонда сайр қилиб юрмоқда³².

Бу байтда тунда юлдузлар оламида кўриниши учаётган қушни эслатувчи юлдуз туркуми ҳақида сўз боради.

Алишер Навоий «Насри Тойир» ҳақида Берунийнинг «Қонуни Масъудий, Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарларидан маълумот олган ва яна уни тун осмонида кузатиб, сўнгра ўз асарида ёзган.

Навоий тасаввури³³. Алишер Навоий юлдузлар осмонини назарий билибгина қолмай, балки амалий равишда ҳам кузатганини унинг

²⁹ Абу Райҳон Беруний. Тафҳим. Тошкент—Урганч—Хива, 2006. 64-бет.

³⁰ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (насрий баёни билан). Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 19-бет.

³¹ Бургут юлдуз туркуми Берунийда «Уқоб», Птолемейда *actos* деб номланган юлдуз туркуми номи таржимаси. Бу «Учаётган Бургут» юлдуз туркумининг альфа юлдузи — «ан-Наср ат-Тоир», кейинчалик Европа астрономиясига Альтаир номи билан кирган. (Карпенко. Названия звездного неба. 64–65-бетлар.)

³² Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. 370-бет.

³³ Куёш, Ой, метеор, комета, «адашган юлдуз — планета», юлдуз туркумлари, буржлар, юлдузлар тўдаси, номли ва номсиз, янги, ўта янги, ўзгарувчан, юлдузсимон юлдузлар даврлар ўтиши билан алоҳида-алоҳида тоифаланган ва уларнинг бир қисми заминий номлар билан аталган.

асарларидаги баъзи ишоралардан билса бўлади. Фалакиёт илми тарихидан маълумки, аждодларимиз самода кузатиладиган жисмларни дастлаб яхлит битта сўз — «ёритқич» деган сўз билан ифодалаганлар. Кейинчалик улар ёритқичларни Қуёш, Ой, сайёралар ва юлдузлар деб ажратганлар. Мил. ав. II асрда яшаган қадимги юнон олими Гиппарх юлдузларни кўринма катталиклари бўйича 6 тоифага³⁴ бўлгани маълум ва мазкур бўлиниш мусулмон Шарқи астрономиясига ҳам ўтган, жумладан, Беруний асарларида ҳам учрайди. Алишер Навоий асарларида эса, юлдузларнинг янгича тоифаланганини кўрамиз. Гап шундаки, Алишер Навоий тун оламида кузатиладиган баъзи юлдузлар учун айрим тушунчаларни ишлатган. Улар гуруҳланганда маълум тоифаларга ажралади ва биз уларни ҳозирги илмий аталишлари билан *янги юлдузлар, ўта янги юлдузлар, ўзгарувчан юлдузлар, юлдузсимон ёритқичлар* деб номладик³⁵ ва Алишер Навоий асарларидаги ҳолатлар билан ўхшашлигини ҳам кўрсатиб ўтдик.

Янги юлдузлар³⁶. Алишер Навоий асарларида анжуми *рахшанда* — «порлоқ», рахшон (порлоқ юлдузлар); кавкаби жалолат (порлоқ юлдуз, улуғ юлдуз); кавкаби рахшанда (порлоқ юлдуз); наййир (порлоқ, нур сочувчи, нурли) каби сўз ва иборалар учрайди. Юлдузлар осмонини муттасил кузатиб борувчилар, баъзида ўзларига таниш бўлган юлдуз туркумида бирданига чарақлаб турган янги юлдузни пайқайдилар. Аслида бу юлдуз мазкур туркумдаги хирароқ юлдуз ёки

³⁴ Фанда осмон сферасидаги барча ёруғ юлдузлар равшанлиги бўйича гуруҳланган. Ҳар бир босқичдаги юлдузлар кейингисига нисбатан 2,5 баробар хира саналган. Жами 6 босқичга ажратилган ва унга юлдуз катталиги деб ном берилган.

³⁵ Ҳозирги вақтда бу маълумотлар илмий асосланди ва янги юлдузлар, ўта янги юлдузлар, ўзгарувчан юлдузлар, юлдузсимон ёритқичлар деб қайд этилди. XIX ва XX асрларда фалакиёт илмида астрофизика йўналишининг кучли ривожланиши юлдузларнинг физик табиатини чуқурроқ ўрганиш имконини берди. Диаграмма (чизма)да горизонтал (абсцисса) ўқ бўйлаб спектрал синфлар (S) ва тик (ордината) ўқ бўйича абсолют катталиклар (M) жойлаштирилса, «Спектр-ёрқинлик диаграммаси» тасвири ҳосил бўлади. Бу тасвирда жойлашган юлдузлар *бош кетма-кетлик* дейилади. Диаграммада физик хусусиятларига кўра юлдузлар алоҳида-алоҳида, ўта гигант, гигант, карлик каби гуруҳларга ажралади. Натижада юлдузларнинг туғилиши, яшаши ва ўлими юлдузларнинг «Спектр-ёрқинлик диаграммаси»да юлдузлар бош кетма-кетлигида жой олган *янги, гигант, ўта гигант, субгигант, субкарлик, оқ карлик, ўзгарувчан ва квазар* юлдузлар мажмуасида ифода этилган юлдузлар эволюциясида ўз аксини топди.

³⁶ Хитой манбаларида мил. ав. 532 йилдан мил. ав. 134 йилгача бўлган даврда чақнаган янги юлдузлар қайд қилинган. (Еремеєва А. И., Цицин Ф. А. История астрономии. Москва, 1989. 40-бет.)

кузатувчига бевосита кўринмайдиган жуда кичик юлдуздор³⁷. Шоир ана шундай ҳодисани назарда тутган бўлиши мумкин ва шундай юлдузларни бошқаларидан фарқлаб, уларни, эндиликда янги юлдуз деб таърифланадиган ўзига хос номлар билан ифода этган.

Ўта янги юлдузлар. Шоир шеъриятида ахтари пуртоб (ўта тобланувчи юлдуз), ахтари жаҳонтоб (жаҳонни ёритувчи юлдуз, порловчи юлдуз), кавкаби жаҳонтоб (жаҳонга тобланувчи юлдуз), найири аъзам (кучли порловчи, нур сочувчи, нурли) иборалари билан юқорида таърифланган янги юлдуздан ҳам ўта даражада ёруғ, яъни ҳатто кундузи ҳам кўринадиган³⁸ юлдузларни қайд қилган.

Замонавий фалакиёт илмида бундай юлдузларни ўта янги юлдуз³⁹ дейилади.

Ўзгарувчан юлдузлар Навоий асарларида тоб (нур, товланиш, иссиқлик, ҳарорат), тобанда (товланувчи, порловчи, ярқировчи, нур ва зиё тарқатувчи), ахтари тобнок (тобланувчи юлдуз) каби сўз ва иборалар билан қайд қилинган. Фалакиёт илмида улар ҳозирда ўзгарувчан юлдузлар⁴⁰ дейилади.

Юлдузсимон ёритқичлар. Шоир асарларида кавкабгун (юлдузга ўхшаган, тиниқ, порлаб турган, чиройли), кавкабойин (юлдуздай, юлдузнамо, юлдузга ўхшаган, чарақлаган, порлоқ), анжумсон (юлдуз каби, юлдузга ўхшаш, атрофини юлдуз ўрагандек), анжум қиёс, суховаш сўзлари билан тун осмонида кузатиладиган баъзи ёритқич манбалари қайд қилинган. Бу манбалар кузатув жараёнида аниқ бир юлдузга ўхшамайди, лекин осмонда ёрқин манба сифатида мавжуд. Илмий тадқиқотлар натижасидагина улар моҳияти аниқ бўлади. Ма-

³⁷ Аслида бу юлдуз шу туркумдаги хирароқ юлдуз ёки кузатувчига бевосита кўринмайдиган жуда кичик юлдуз, чақнаш натижасида гўё янги пайдо бўлган юлдуздек туйилади. Ҳозир фанга 300 та янги юлдуз маълум. Улардан 150 таси бизнинг Галактикада, 100 таси Андромеда туманлигида жойлашган. Янги юлдузнинг ёрқинлиги дастлабки ёрқинлигига нисбатан 7–8 юлдуз катталигига тўғри келади.

³⁸ Бизнинг Галактикада сўнгги минг йилликда 1000, 1054, 1572, 1604, 1667 йиллари ўта янги юлдузлар кузатилган. Бундай юлдузни милoddан аввалги II асрда кузатган Гиппарх юлдузлар зижини тузишга қарор қилган. 1572 йилги ўта янги юлдузни Тихо Браге Кассиопея юлдуз туркумида кузатган. Ҳозир бу жойда Крабовидная туманлиги жойлашган.

³⁹ «Ўта янги юлдуз» атамасини 1934 йили америкалик астрономлар Ф. Цвикки ва В. Бааде таклиф этишган. Бундай юлдуз ёрқинлиги дастлабки ёрқинликка нисбатан -11^m дан -18^m гача ўзгарган.

⁴⁰ Савр юлдуз туркумидаги ёруғлиги мунтазам равишда 2 кун 20 соат 49 дақиқа давомида ўзгарувчи юлдузга араблар «Эль-Гуль» (шайтон кўзи) деб ном берганлар. Европалашган талаффузда «Алголь» деб номланувчи бу ўзгарувчан юлдуз тигиз қўшалоқ юлдуз эканлиги кузатувлар натижасида аниқланди.

салан, ҳозирги замон фалакиёт илмида ана шундай ёритқич манбаларидан бири квазар⁴¹ лар деб аталади.

Алишер Навоий қадимги юнон фалакшунослари асарларининг таржималари, Беруний асарлари билан танишиш жараёнида юлдузларга мансуб маълумотлардан бохабар бўлган, албатта. Шу билан бирга, у ўз кузатувлари асосида ҳам айрим хулосалар қилган. Юқорида санаб ўтилган Навоий тасавуридаги юлдузларнинг турлари шоирона муболаға (ўхшатиш) бўлиши мумкин. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, фалакиёт илмида осмон жисмларининг физик табиати маълум бўла бошлагач, юлдузлар кўринишлари ва тузилишлари жиҳатидан тоифалана бошлади⁴². Бошқача қилиб айтганда, бу тоифалаш Алишер Навоий тасавуридаги ҳолатга ўхшаб кетади.

Алишер Навоий асарларида юлдузлар мавзуси кенг қамраб олинган. Юқорида келтириб ўтилганидек, муаллиф, уларни ўхшатишлар билан номли, номсиз юлдузлар, юлдузлар тўдаси, юлдуз туркумлари ва янги, ўта янги, ўзгарувчан ҳамда юлдузсимон юлдузлар тоифаларига ажратган. Бунда у маҳаллий қадимги манба «Авесто», қадимги юнон манбаларининг араб тилига қилинган таржималари, Беруний, Улугбек асарларидан ва, шунингдек, ўзининг кузатувларидан фойдаланган.

С. АЗИЗОВ

ОПИСАНИЕ ЗВЕЗД В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ АЛИШЕРА НАВОИ

Акцентируется внимание на сведениях о звездах, встречающихся в произведениях Алишера Навои. Отмечается, что при изложении своих мыслей поэт использует данные древнегреческой астрономической науки, а также из произведений Беруни и местных источников. Изложенная здесь классификация звезд подтверждается дальнейшим развитием астрономии.

S. AZIZOV

THE DESCRIPTION OF STARS IN ALISHER NAVAI'S WORKS

In the given article attention is paid on the issues of information about stars met in Alisher Navai's works. Also it is marked that while stating his ideas, the poet uses the data gathered from ancient Greek astronomical science, and also from the works of Beruni and local sources. The stated here classification of stars proves to be true by the further development of astronomy.

⁴¹ *Квазар* — юлдузга ўхшаш.

⁴² Куликоский П. Г. Справочник любителя астрономии. Москва, 1971. 114–200-бетлар.

С. ДАВЛАТОВА

МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ХУНАРМАНДЧИЛИК: АНЪАНА ВА РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон давлати ўз мустақиллигига эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган янги демократик давлат асосларини яратишга киришди. Асрлар давомида равнақ топиб, такомиллашиб келган халқ хунармандчилиги, бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Қолаверса, миллий хунармандчилик кишилиқ жамиятининг тарихи, маданияти ва хўжалигининг ажралмас бир бўлаги сифатида ўзининг қадимий илдизларига эгаллиги боис, илмий жиҳатдан уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш бугуннинг долзарб муаммоларидан биридир. Айниқса, ўзбек миллий хунармандчилигининг Россия империяси давридаги тарихи ҳар бир тарихчида катта қизиқиш уйғотади. Чунки, бу даврда ўзига хос тарихий жараёнлар кечган бўлиб, албатта, хунармандчилик турларига таъсир этмасдан қолмаган. Жумладан, XIX асрнинг биринчи ярмига қадар ўлкада хунармандчиликнинг тўқимачилик (матотўқиш, каштачилик, тикувчилик, дўппидўзлик), кўнчилик, гиламдўзлик, кулолчилик, темирчилик, зардўзлик, заргарлик, қандолатчилик, ширмонпазлик, новвойлик, ёғочга ишлов бериш турлари ривож топган бўлиб, хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ярим натурал усули устун бўлган.

Бу даврда Туркистонда саноат ишлаб чиқариши, асосан, аҳолининг маиший эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи майда хунармандчиликдан иборат эди. Кустар (хонаки) саноати шаҳарларда ва катта қишлоқларда мавжуд бўлиб, кўпчилик ҳудудларда хунармандчилик ҳали деҳқончиликдан тамоман ажралиб чиқмаганди. Шунингдек, хунармандлар деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб, ўзлари учун қўшимча даромад олганликлари боис қишлоқларга ёки алоҳида олинган қишлоққа хизмат кўрсатувчи ўзига хос «саноат» мавжуд бўлган. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бу «саноат» дағал матодан кўйлақлар, турли уй-жой жиҳозлари, эгар-жабдуқ, арқонлар, тўқима саватлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа нарсаларни тайёрлаган. Буни бозор муносабатларига асосланган қишлоқ «индустрия»си деб ҳам аташ мумкин. Бундан кўришиб турибдики, рус мустамлака маъмуриятининг стратегик режала-

ри, биринчидан, Туркистонни аграр хом ашё базасига айлантиришга қаратилган бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқариш борасида кўпроқ фойда олишдан манфаатдор эди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, ишлаб чиқарувчи кучлар ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши, натурал рентанинг пул билан алмашинуви натурал хўжалик тартибларининг емирилишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, феодал ишлаб чиқариш усулининг инқирозини келтириб чиқарди. Ўша даврда мавжуд хонликларнинг иқтисодий тарихида янги давр бошланди, шаҳар ва қишлоқларда ўлканинг турли хил этнослари орасида қизгин иқтисодий алоқалар ривожланиши натижасида бозорлар сони кўпайди ва ташқи савдо кучайди¹. Россия империясининг Туркистондаги савдо сиёсати шуни кўрсатадики, Туркистон ўлкасининг савдо-сотиқ ишларида пахтачилик, ипакчилик ва газлама маҳсулотлари асосий ўрин тутса-да, улар керагича ривожланмади. Россиянинг сиёсати маҳаллий тўқимачилик саноатининг пайдо бўлишига ҳам тўсқинлик қилди. Шунга қарамай, мустамлакачилик шароитида Туркистон бозори умумимперия бозорининг манфаатларига хизмат қилади². Демак, Россия империяси даврида ўзбек анъанавий ҳунармандчилигининг ҳолати ана шундай тус олганини кўриш мумкин.

XIX асрнинг 60–70-йилларида рус тадбиркорлари орасида биринчилар қатори, катта фойда олиш мақсадида, Туркистон ўлкасига мануфактура маҳсулотларини олиб кирганлар омадсизликка учрадилар. Уларнинг маҳсулотлари маҳаллий шароитга мослаштирилмаганлиги туфайли аҳоли уларга қизиқиш билдирмади³. Натижада рус фабрикантилари томонидан маҳаллий аҳолининг ўзига хос хусусиятлари ўрганила бошланди. Россия фабрикаларида юксак сифатли маҳсулотлар билан биргаликда Туркистон бозорларига мўлжаллаб паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Туркистон бозорларида маҳаллий

¹ Масальский В. Туркестанский край. — Сборник «Россия». Полное географическое описание нашего отечества. Т. 19. С-Пб, 1913. 750-бет; Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства // Записки Русского Географического Общества. Кн. 5. С-Пб, 1851.; Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отд. 11. С-Пб, 1911. 8-бет; Заорская В. В., Александр К. А. Промышленные заведения Туркестанского края. Петербург, 1915. 85–87-бетлар.

² Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида // Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-жилд. Тошкент, 2007. 252-бет; ЎзР МДА. И-87 фонд, 1-рўйхат, 26103-иш, 87–170-варақлар.

³ Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. С-Пб, 1876. 207-бет.

матоларнинг арзонлиги туфайли сифатли нарх борасида улар билан рақобатга кириша олмас эдилар, шу туфайли рус тадбиркорлари ўлка-мизга сифати паст бўлса-да, арзон маҳсулотларни олиб кира бошлайдилар. Россия тадбиркорлари маҳаллий шароитларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, ўз маҳсулотларини ҳар томонлама уларга мослаштиришга ҳаракат қилади. Бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳунармандлар томонидан ҳам рус матолари, чинни маҳсулотларининг безаклари ва композициялари ўзлаштирилиб борилади. Шундай қилиб, рус ва маҳаллий маданиятнинг бир-бирига ўзаро таъсири икки томонлама характер касб этади. Бироқ, ижтимоий-тарихий шароит туфайли маҳаллий аҳоли ўзи етиштирган пахтадан шу жойнинг ўзида турли хил газламалар ишлаб чиқариши ҳунармандлар учун фойдали фаолият ҳисобланган. Қолаверса, ўлкага рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай, ички ва ташқи бозордан тобора кўплаб сиқиб чиқарилди. Жумладан, 1885 йилда биргина Тошкентда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 182700 сўмни ташкил этган бўлса, 1890 йилга келиб 49 875 сўмга тушиб қолган. Айниқса, маҳаллий газламалар ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетган. 1885–1895 йилларда Тошкентда 28 та катта-кичик саноат корхоналари юзага келган⁴.

Ваҳоланки, XIX асрнинг 40-йилларида газламалар Туркистон ташқи савдога чиқарадиган маҳсулотларининг 45 фоизини қоплаган⁵.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиёда ипакчилик ва ипак матолар тўқиш ўзининг юқори босқичига кўтарилган⁶. Бу даврда маҳаллий аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган ипак мато ва либослар Россия фабрика моллари билан рақобатлашибгина қолмай, балки Европа бозорларида ҳам машҳур бўлган⁷. Бироқ, XX асрнинг бошларидаги ҳунармандчиликнинг тўқувчилик соҳасидаги инқирози ипакчиликни ҳам четлаб ўтмади. Ипак матоларни ишлаб чиқариш ҳажми камайган бўлса-да, ушбу соҳа инқирозга юз тутгани йўқ. Бу-

⁴ Аминов М. Шаҳри азим — Тошкент. Тошкент, 1983. 24-бет.

⁵ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2000. 135-бет.

⁶ Петровский Н. Ф. О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии // Отчет Министерству финансов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве. Москва, 1873. 83–106-бетлар.

⁷ Пален К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края, проведенный по высочайшему повелению сенатором гофмейстром графом К.К. Паленом. С-Пб, 1909–1910. Ч. 2. 172-бет.

хоро ва Қўқон хонлиги шаҳарларида XIX асрда матолар ва тўқув хом ашёлар улгуржи савдоси билан шуғулланувчи комиссиялар, металл буюмлар билан ҳам улгуржи савдони амалга оширувчи—фузулотфурушлар, пойабзал ва кулолчилик маҳсулотларининг улгуржи савдосини амалга оширувчи вофурушлар шулар жумласидандир⁸.

1870 йилда Тошкентда 2000 та ҳунармандчилик — тикувчилик, кўнчилик устахоналари фаолият юргизган⁹. Таъкидлаш керакки, рус маъмуриятининг иқтисодий сиёсати, аввало, Туркистонни ўз саноати учун арзон хом ашё бозорига айлантириш ҳамда уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида тутиб туришга қаратилган эди. Натижада метрополиядан кўплаб саноат маҳсулотларининг келтирилиши маҳаллий ҳунармандчилик турли тармоқларининг қисқаришига олиб келди. Жумладан, ип йиғириш ва тўқимачилик анча қисқарди. Металл хом ашё ишлаб чиқариш ҳам камайиб кетди. Хонавайрон ҳунармандларнинг сони эса ортиб борди. Бироқ, хўжаликда ишлатиладиган хўжалик қуроллари билан уй-рўзғорда ишлатиладиган ашёлар ишлаб чиқариш камаймади. Биргина Самарқанд вилоятида ҳунармандчилик корхоналари сон жиҳатдан қуйидагича бўлган: 1875 та тегирмон, 951 та ип-газлама ишлаб чиқарадиган кичик корхона, 910 та новвойхона, 1215 та ёғ ишлаб чиқарадиган кичик корхона, 390 та дурадгорлик, 355 та темирчилик устахонаси, 147 та тамаки ишлаб чиқарадиган устахона ишлаб турган¹⁰.

Қўқонда ҳам маҳаллий ишлаб чиқариш ўзига хос тарзда бўлиб, кўнчилик, ип йиғириш, ипакчилик соҳалари муҳим ўрин тутган. 1876 йилда шаҳарда 67 та тери устахонаси, 232 йиғирув устахоналари, 276 та ипак, 428 та савдо ёймаси ва 1 та гишт қуйиш устахонаси бўлган¹¹. Ўлкага рус капитали ва тадбиркорларнинг кириб келиши билан Қўқонда ҳам кўплаб завод-фабрикалар, банклар, савдо фирмалари юзага келади, шаҳарда завод-фабрикаларнинг кўпайиши эса маҳаллий ҳунармандчилик устахоналарининг камайиб кетишига сабаб бўлади. Россия империясининг бу сиёсати натижасиз кўринса-да, қайсидир

⁸ Турсунов Н. Развитие городских и сельских поселений Северного Таджикистана в XVIII — начале XX в. Душанбе: Дониш, 1991. 126-бет.

⁹ Содиқова Н., Буряков Ю. Қадимги ва ҳозирги Тошкент. Тошкент, 1965. 33-бет; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. 105-бет.

¹⁰ Эргашев Ф. Туркистонда ҳунармандчилик ва пиллачилик // Жамият ва бошқарув. 2004. № 3. 13-бет.

¹¹ ЎЗР МДА. И. 276-фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 25—26-варақлар.

маънода даромад манбаи ҳам эди. Бунда уларнинг ишлаб чиқариш талаблари умуман ҳисобга олинмаган эди.

Фарғона вилоятининг яна бир муҳим иқтисодий маркази — Андижон шаҳрида ҳам 1876 йилда жами 2000 га яқин ҳунармандчилик устaxonалари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор¹². Аммо XX аср бошида ўлкага фабрика маҳсулотларининг кириб келиши кенгайиши билан шаҳардаги мато, сопол, тери ва совун тайёрлаш каби ҳунарлар касодга учрайди. Бу кўпроқ майда ҳунармандларга тегишли бўлиб, йирик ҳунармандлар ўз ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш учун иш қуролларини такомиллаштирадilar, натижада ҳунармандчиликнинг тери тайёрлаш ва мато тўқиш соҳалари сақланиб қолади.

Россия империясининг 1897 йил 28 январда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Тошкентда ўпкачилар (ўпка, яъни терининг энг сара навидан аёллар этигини тайёрловчилар, бу тери отники ҳам бўлиши мумкин), учакчилар (тандирчилар), этикчилар, эгарчилар, яъни эгар ясовчилар, эшик ясовчилар, елимчилар, ойнакчилар, бўз тўқувчилар, бўёқчилар, хумдончилар (кулоллар — *С.Д.*), дуррадгорлар, дегрезлар (дикрезлар, металлга ишлов берувчилар — чўян қозон ясовчилар), рихтагарлар (металлга ишлов берувчилар — *С.Д.*), заргарлар, совунгарлар, соатсозлар, саргарошлар, сакиначилар (узук ясовчилар), сувоқчилар, сирчилар (бўёқчилар), шоҳибофлар (ипак мато ишлаб чиқарувчилар), шамгарлар, аробасозлар, паранжидўзлар, қолипчилар (поябзал пошнасини тайёрловчилар), қайиқчилар, қadoқчилар (мих тайёрловчилар), комчилар (туя ўтиргич тайёрловчилар), парчабофлар (мато бўёвчилар), пошначилар, пичоқчилар, пўстакчилар, пўстиндўзлар, тақачилар, тароқчилар, тандирчилар, дўфлар, яъни дўпидўзлар, тунукачилар, тўқимчилар (от тўқимини тайёрловчилар), тегирмончилар, тикувчилар, телпакдўзлар, жувозкашлар, чопондўзлар, чархчилар, чармчилар, читгарлар, чилангарлар ва бошқа бир қанча касб-ҳунар билан шуғулланувчилар рўйхатга олинган¹³. Бундан кўришиб турибдики, биргина Тошкентнинг ўзида мавжуд ҳунар турларининг айримлари бугунги кунда йўқолиб кетган.

1897 йилги бу аҳоли рўйхатига кўра, катта шаҳарлар аҳолисининг кўпчилики қисмини ҳунармандлар ташкил этган. Масалан, На-

¹² Зияева Д. XIX–XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари тadbиркорлик тарихидан // O'zbekiston tarixi. № 3. 2007. 27-бет.

¹³ Диваев А. Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента // Туркестанские ведомости. 1901. № 33. 169-бет.

манганнинг — 64 %, Қўқоннинг — 52 %, Чустнинг — 54 %, Марғилоннинг — 50 %, Андижоннинг — 45 % аҳолиси мустақил касб-хунар эгаси ҳисобланган хўжаликлардан иборат бўлган. Шаҳарларнинг иккинчи катта ижтимоий табақасини савдогарлар ва даллоллар ташкил этган. Таъкидлаш лозимки, Фарғона водийсида хунармандлар, нафақат истеъмол маҳсулотларини харид қилувчилар, балки кўплаб усталарга тери, ёғоч, жун, металл, пахта ва ипакдан турли буюмлар, кийим-кечакларни етказиб берувчи ҳам ҳисобланганлар.

XIX асрнинг 80-йилларида Туркистон темир йўлларининг қурилиши натижасида, рус маҳсулотлари учун маҳаллий бозорларга кенг йўл очилди. Бундай вазият маҳаллий хунармандчилик маҳсулотларининг сотилиш суръатини пасайтирди, кўплаб хунармандчилик устaxonалари касодга учрай бошлади. Рус маҳсулотлари билан рақобатга киришишга мажбур бўлган маҳаллий хунармандлар ўз маҳсулоти нархини пасайтириш мақсадида уларнинг безакларини соддалаштиришга ҳаракат қилдилар. Бундай ҳолат эса бир неча асрлардан бери ривожланиб келаётган хунармандчилик соҳаларининг тараққиётда ортга қайтишини келтириб чиқарди. Устaxonаларнинг маълум қисми йириклашиб, бирлашса, маълум қисми завод-фабрика маҳсулотлари билан рақобат қила олмай, ёпилади. Хунармандчиликнинг айрим турлари тугаб кетади. Бироқ, маҳаллий хунармандлар қисқа фурсатда замонга мослашиб, харидоргир маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириб оладилар. Натижада янги хунар турлари, жумладан, чой қадоқлаш, соат созлаш, рассомлик, ром, мебель тайёрлаш, турли бўёқлар ишлаб чиқариш, дарпардалар тикиш, чилангарлик, ойнасозлик каби хунарлар пайдо бўлиб, кенг тарқалиб ривожлана бошлайди.

XIX асрнинг 80–90-йилларида ўлкада, шунингдек, метрополия, тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган янги пахта навлари иқлимлаштирилди¹⁴. Чунки асрлар давомида етиштирилиб келаётган маҳаллий пахта сифати кўпроқ хунармандчилик саноати талабларига мослашган эди. Ижтимоий муносабатларнинг ана шундай янги-ча шакллари Туркистон вилоятларида анча кенг оммалаша бошлади. Маълумки, ўлкада хунармандчиликнинг тўқимачилик соҳаси ҳам анча кенг тарқалган ва ривожланган эди. Жумладан, Самарқанд олачаси, ип газлама, нимшойидан тўқилган ҳар хил рангдаги йўллар билан нақшланган, ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаб катта бўлган

¹⁴ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. 133-бет.

матолар анча шуҳрат қозонган. Матолар ишлаб чиқариш соф товар характерида бўлганлиги учун ҳам уни йўлга қўйишнинг анча юксак шакллари вужудга келди. Масалан, 30–40 тадан тўқув дастгоҳларига ҳамда ёлланма усталар, шогирдларга эга бўлган йирик тўқувчи-тадбиркорларнинг пайдо бўлиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Шу билан бирга, ип-газлама матоларни уйда тўқийдиган усталар ҳам бор эди. Умуман олганда эса Туркистон вилоятларида XIX асрнинг 90-йилларидаги маълумотларга кўра, соф ҳунармандчилик устахоналари борган сайин қисқариб борган. Хусусан, 1896–1898 йилларда Самарқанд вилоятида ҳунармандчилик устахоналарининг сони 8141 тадан 8031 тагача, ишлаб чиқаришнинг умумий суммаси эса 9363925 рублдан 5815333 рублгача камайган¹⁵. Натижада маҳаллий тўқувчилар бошқа касбларга, яъни кўпроқ пул топишга имкон берувчи соҳаларга, ҳаттоки қора ишчиликка ўтишни афзал кўришган. «Чунки қора ишчининг иш ҳақи 7–10 йил илгаригига нисбатан 2 баравардан кўпроқ ошиши (бир кунда 25 копейкадан 60 копейкагача) вилоятнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчи аҳолиси учун зарар келтирмайдиган нормал ҳолат деб ҳисоблаш мумкин», дейилади 1898 йилдаги ҳисоботда¹⁶. 1888 йили Самарқанд ва Каттакўрғон уездларида 2317 та тўқимачилик дўконлари мавжуд эди¹⁷. Албатта ип-газлама тўқиш устахонаси «дўкон» ва унинг меҳнат асбоблари ҳунармандларнинг шахсий мулки бўлган. Шунга кўра, 1888 йил Самарқанд вилояти бўйича 4057 та ип-газлама тўқиш дўконлари бўлган¹⁸.

XIX асрнинг охирларида Фарғона водийси ипакчиликнинг йирик марказларидан ҳисобланган¹⁹. Масалан, 1896 йилда Марғилон, Қўқон уездларида 600 га яқин ипак тўқув дўконлари мавжуд бўлса, Тошкент уездидан атиги 20 та дўкон бўлган. 1910 йили Фарғона вилоятида 1387 та ипак дўкони бўлиб, унда 3065 ишчи хизмат қилган. Ўтган аср бошларида Самарқанд вилоятида 237 та, Бухорода 46 та, Хивада 40 та, Қаршида 19 та ипак тўқув дўконлари ишлаб турган²⁰.

¹⁵ Эргашев Ф. Туркистонда ҳунармандчилик ва пиллачилик. 14-бет. Обзор Самаркандской области за 1898 г. Самарканд, 1901. 24-бет.

¹⁶ Ўша жойда.

¹⁷ Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887–1888 гг. Самарканд: СОСК. 1890. Вып. У11. 148–207-бетлар.; Список населенных мест Самаркандской области (Составитель М. В. Вирский). Самарканд, 1906. 66-бет.

¹⁸ Ўша манба. 157-бет.

¹⁹ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент, 2003. 198-бет.

²⁰ Ўша жойда.

Қарши бозорида темирчилар, чилангарлар, кулоллар, тикувчилар, телпакфурушлар, саррофларнинг раста, қатор, дўконлари мавжуд бўлган. Қарши бозорларида Хитой чинниси машҳур бўлиб, айрим дўконларда М.Е. Массоннинг ёзишича, XIX аср сўнггида Қаршида шоп, қилич ясайдиган усталар қолмаган эди²¹. Маҳаллий усталар ясаган қиличлар Ҳисори шамширларидан кейин турарди. Аммо пичоқчи усталар маҳсулоти қўлма-қўл эди. Пичоқлар орасида дастаси тилла ва кумушдан ишланганлари ҳам бўлган. Бу даврда терига ишлов бериш соҳасидаги инқирознинг ҳам ташқи, ҳам ички сабаблари бор эди. Ташқи сабаблари маҳаллий бозорларга рус чарм маҳсулотларининг кўп миқдорда олиб кирилиши билан белгиланса, ички сабабларига кўчманчи этносларнинг ўtroқлашиши ва темир йўллар қурилиши натижасида чармдан ясалган йўл анжомларига бўлган ички талабнинг сўнишини келтириш мумкин.

XIX аср охирида янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар натижасида анъанавий ҳунармандчилик ўз-ўзидан капиталлашув жараёни тезлашишига олиб келади.

Тошкентда ҳам маҳаллий ишлаб чиқариш тизими ниҳоятда кенг ва турлича бўлиб, 1912 йилга оид манбаларга кўра 32 турдаги устахоналар борлиги қайд этилади. Бу устахоналар пойабзал, баққоллик, мискарлик, темирчилик, чўян қуйиш, чарм маҳсулотлари, заргарлик, ёғочсозлик, тунукачилик, гиламдўзлик, шойи ва бошқа матолар тўқиш, эгар-жабдуқ, сандиқ, қандолатчилик, кулолчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, умумий ҳисобда жами 500 дан ортиқ бўлган²².

Шундай қилиб, мазкур даврда «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг жорий қилиниши, биринчидан, халқ учун зарур бўлган масалани ҳал қилишга эмас, балки большевикларнинг сиёсий ҳокимиятини сақлаб қолишида ва фуқаролар урушида енгиб чиқишида ёрдам берди. Иккинчидан, большевиклар режимининг ҳимоячилари бўлмиш қизил армия ва ишчилар синфини боқиш учун хизмат қилди. Шунга қарамай, халқ ўз маданий ривожланиш йўлида олға борди. Биргина амалий санъатда, яъни ҳунармандчиликда ўсиш халқнинг кундалик турмуш тарзига сингиб кетганди. Гиламдўзлик, кулолчилик, дурадгорлик, тикувчилик, зардўзлик, мискарлик, заргарлик, пичоқчилик,

²¹ Равшанов П. Қарши тарихи. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 604-бет.

²² Добромыслов А. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. 410-бет.

манзарали ва маиший каштачилик, тамакидон тайёрлаш, кўнчилик, этикдўзлик каби ҳунармандчилик буюмлари халқ усталарининг фаҳри бўлган²³.

Ҳунармандчиликда кенг тарқалган тармоқлардан яна бири ип ва шойи матолар тўқиш эди. Ўрта Осиё шойи газламалари (яъни ипак кановуз, шойи, хонатлас ва ярим шойи газламалар — беқасам, банорас, адрас), нафис абрли қимматбаҳо шойилар кўп миқдорда хорижга чиқарилиши билан бирга, ўзбек матолари шуҳратини ҳам оширган эди. Бироқ, 1917 йилги воқеалар арафасида халқ амалий санъатида салбий тамойиллар пайдо бўлдики, улар XIX асрнинг охиридан бошлабоқ ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Натижада амалий санъат эски қонунлар билан чекланиб, унинг ривожланиши бир текисда бормади²⁴. Бир қатор ҳунармандчилик корхоналари ишлаб чиқаришининг тушкунликка тушиб қолиши Россиядан яна кўплаб фабрика маҳсулотларининг олиб келинишига сабаб бўлди. Ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари, яъни абрли газламалар ишлаб чиқариш, мискарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик ва бошқа турлари ҳам бир қадар сақланиб қолди.

Туркистондаги қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш усули аста-секинлик билан ўз мавқеини Россия фабрика маҳсулотларига бўшатиб бера бошлади. Аммо шу билан бир қаторда, Россиядан турли хил меҳнат қуролиларининг ҳам кириб келиши тикувчилар, заргарлар, ёғочсозларнинг қўл меҳнатини анча енгиллаштирди. Фақатгина XX аср бошларига келиб Туркистонда маҳаллий фаоллар томонидан инқирози кучайиб бораётган ҳунармандчилик соҳаларини сақлаб қолишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилади. Аммо юқоридаги ҳолатларга қарамасдан, 1917 йилгача бўлган даврда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ўлка саноатининг 80—90 % ини ташкил қилган ҳолда ўз яккаҳокимлигини сақлаб қолади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир тарихий даврда ҳунармандчиликнинг қайси соҳаси маҳсулотларига талаб кучли бўлган бўлса, шу соҳа ва у билан боғлиқ йўналишларнинг ривожланишига сабаб бўлган. Бу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, Россия империяси Туркистонни босиб олгунига қадар ҳам ва 1917 йилда ҳам ўлкада 91242 нафар атрофида

²³ Абдуллаев Т. Ремесла Узбекистана XIX—XX вв. Путеводитель. Ташкент, 1976. 7—17-бетлар.

²⁴ Фахретдинова Д. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. Ташкент, 1972. 44-бет.

турли хунар соҳалари билан шуғулланувчи хунармандчилик корхоналари мавжуд бўлиб, улардан 52796 таси шаҳарларда, 28445 таси эса қишлоқларда фаолият кўрсатарди²⁵. Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 31353 та хунармандчилик корхонаси ишлаб чиқариш билан машғул эди. Советларнинг иқтисодий, сиёсий ислохотлари жараёнида ер, йирик ва майда саноат, савдо-сотик ишларининг монополияга олиниши жуда катта муаммоларни келтириб чиқарарди. Бу даврда, асосан, ишлаб чиқариш ишдан чиқиб, натижада озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари танқислиги вужудга келди. Бундан ташқари, маҳаллий хунармандчилик маҳсулотларига талаб ошади, бу эса ўз-ўзидан хунармандлар сонининг ошишига ҳам олиб келади. Жумладан, 1913 йилда Фарғона, Сирдарё вилоятларида тўқимачилик дўконларида 1100 тўқувчи ишлаган бўлса, 1920 йилда уларнинг сони 2280 нафарга етди. Шунингдек, кўплаб саноат корхоналарининг тўхтаб қолиши оқибатида ишсизлар сонининг кескин равишда ошиши уларни ялпи хунармандчилик билан шуғулланишга мажбур қилди.

Ўрганилган даврда хунармандчилик кустар саноати муассасаларининг деярли 89 фоизини ўзида жамлаган бўлиб, Туркистондаги бутун саноат маҳсулоти қийматининг тўртдан бир қисмидан кўпрогини ишлаб чиқарарди²⁶.

Умуман олганда, Туркистонда Октябрь тўнтариши туфайли йирик фабрика ва заводлар фаолиятининг заифлашиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши натижасида аҳолини саноат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлай олмай қолган большевиклар 20-йиллар бошида хунармандчилик соҳаларининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга мажбур бўлган бўлса-да, улар устидан давлат монополиясини сақлаб туришни кучайтирди. Қолаверса, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Россиядан фабрика молларининг кириб келиши хунармандчилик буюмларининг бадий сифатига путур етказди²⁷. Бундан ташқари, Россия империяси даврида ўзбек хунармандчилиги ўзига хос кўринишларга эга бўлиб, маълум турлари таназзулга учраган бўлса-да, ишлаб чиқариш саноати борасида тараққиётга юз тутди, яъни маҳаллий ишлаб чиқариш механизациялашган саноат даражаси кўринишини олди.

²⁵ Қиличев Р. Тоталитар бошқарув даврида халқ хунармандчилиги // Жамият ва бошқарув. 2005. № 2, 84-бет.

²⁶ История народного хозяйства Узбекистана. Ташкент, 1962. Т. 1. 18-бет.

²⁷ Ҳакимов А. Тошкент халқ хунармандчилиги // Мозийдан садо. 2007. № 2. 9-бет.

Ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш керакки, Россия империяси даврида ишлаб чиқариш саноати тўлиқ йўлга қўйилмаган бўлса-да, саноат корхоналарининг пайдо бўлиши бунга пойдевор яратган. Шундай бўлишига қарамасдан, ўзбек миллий хунармандчилиги ўзининг қадимий илдизларининг мустақамлиги боис, бугун янада ривожланиб, турлари кўпайиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек миллий хунармандчилигининг Россия империяси даврида бир маромдаги кечмиши унинг тарихий ривожланишига таъсир этмаган.

С. ДАВЛАТОВА

**РЕМЕСЛЕННИЧЕСТВО В ТУРКЕСТАНЕ В КОЛОНИАЛЬНЫЙ ПЕРИОД:
ТРАДИЦИИ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ**

Статья посвящена состоянию и тенденциям развития узбекского национального ремесленничества в период правления Российской империи в Туркестанском крае. Автор на основе богатого фактологического материала анализирует трансформационные процессы, протекавшие в рамках определенных видов народного ремесленничества.

S. DAVLATOVA

**THE WORKMANSHIP IN TURKESTAN OVER THE COURSE OF TSARIST TIME:
TRADITIONS AND PROBLEMS OF DEVELOPMENT**

This article is devoted to the question of conditions and trends in the development of Uzbeknational craftsmanship during Russian empire rule in Turkestan. The author analyzed transformational processes within some directions of national craftsmanship on the basis of scientific literature.

Д. АЛИМОВА, Н. МУСТАФАЕВА

СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТ: ИНТИЛИШЛАР ВА МУАММОЛАР

Совет ҳокимияти дастлабки йилларда сиёсий мавқеини кучайтириш, халқ хўжалигини тиклаш, муҳолифатни бартараф этиш мақсадида ижтимоий ҳаёт ва маданият соҳасида айрим альтернатив фикрларнинг бўлишига йўл қўйган эди. Аммо 20-йилларнинг охирига келиб тоталитар тузум зўрайган сари маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳасини ўз таъсирига ола бошлади ва бунда коммунистик назарияга асосланган сиёсат олиб борилди. Миллий маданиятни тарғиб қилувчи ҳаракат намояндаларига «миллатчи», «шовинист», «пантуркист» каби айбловлар қўйилди. Зотан Совет давлатида амалга оширилаётган маданий тадбирларнинг барчаси унинг сиёсий мақсадларига бўйсундирилган бўлиши керак эди. Бундай ёндашув тарихий-маданий меросга бўлган муносабатда ҳам яққол ўз аксини топди. Ўтмиш маданиятига нисбатан лоқайдлик, беҳурматлик кайфияти билан суғорилган ғаразли ғоялар илгари сурилди. Бу билан халқнинг миллий руҳини пасайтириш, миллий маданиятидан фақат ҳукмрон мафкурага мос келадиган элементларни сақлаб қолиш совет тузуми маданият йўналишидаги сиёсатининг ўзагини ташкил этган эди. Бу эса халқнинг ўз маданий-маънавий меросидан узоқлашиш, тарихига юзаки муносабатда бўлиш ёки ўтмишини унутиш даражасигача боришига замин яратди.

Шунга қарамасдан маърифатпарвар зиёлилар, фан фидойиларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўлкада тарихий-маданий меросни сақлаш ва ўрганиш ишлари олиб борилди. Бу, айниқса, қатор археологлар, ўлкашунослар жамиятлари, музейлар ва бошқа маърифий ташкилотлар тузилишида намоён бўлди. Масалан, Самарқандда 1919 йилда ўтмиш ёдгорликларини муҳофаза қилиш доимий комиссияси таъсис этилди, бирмунча кейинроқ эса Тошкентда музей ишлари, ўтмиш ёдгорликларини, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишлай бошлади. Тошкентда давлат халқ кутубхонаси таркибидаги шарқ бўлими ходимлари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тилларидаги китобларни ва қадимий Шарқ қўлёзмаларини тўплаш юзасидан катта ишлар олиб бордилар, бу қўлёзмаларнинг кўплари Ўрта Осиёнинг ғоят бой тарихий ўтмишини ўрганишга доир жуда қиммат-

ли маълумотларни ўз ичига олган эди. 1919 йилнинг ўзидаёқ Тошкентда Архив ишлари Марказий бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви) ташкил этилди.

1919 йилда Тошкентда Туркистон халқ музейи очилди. Унинг экспозициялари ва тўпламларига Туркистоннинг ўтмиши ва янги даврини, ўзбек халқининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ҳаёти ва турмушини, урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи экспонатлар кирган эди. Шунингдек, бу даврда, Самарқанд, Фарғона ва Наманганда ўлкашунослик музейлари ҳам ишлаётган эди. Бироқ бу музейларга қўйилган экспонатларда ўша даврдаёқ ўлка халқлари маданиятсиз, саводсиз қилиб кўрсатилган бўлиб, «озодлик», маърифат ва маданият гўё «буюк октябрнинг» неъматига сифатида талқин қилиш бошланган эди.

1919 йилда Тошкентда бадий мусиқа этнографик комиссияси ташкил этилди, унинг ходимлари ўзбек халқининг анъанавий мусиқасини ўрганишга доир бой материални ёзиб олдилар ва қисман эълон қилдилар. Халқ оғзаки ижоди (фольклор) намуналарини тўплаш юзасидан ҳам баъзи ишлар олиб борилди. 1919–1920 йилларда ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг этнографияси бўйича материаллар тўплаш ва ўрганиш юзасидан ҳам ишлар олиб борилди. Бу борада Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси турмушини ўрганиш илмий комиссияси фаолият кўрсата бошлади. Кейинчалик бу комиссия ўлканинг этнографик харитасини тузишга асос солган эди¹.

Туркистон ўлкаси қадимдан маданият ўчоқларидан бири бўлганлиги, унинг ҳудудида бебаҳо тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжудлигини ҳисобга олиб, уларни сақлаш ва ўрганишга эътибор қаратилди. Бу борадиги баъзи ишлар Февраль инқилобига қадар Археологлар жамияти ва баъзи олимларнинг шахсий ташаббуси билан амалга ошириб келинган эди. 1921 йилда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш иши бўйича Туркистон қўмитаси (Турккомстарис) ташкил қилинди ва бу муҳим ишга давлат мақоми берилди. Қўмита, дастлаб ўлкадаги барча тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳисобга олиш, аҳолини ўрганиш ишлари билан шуғулланди ва Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хива, Марв ва Пишпек шаҳарларида ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш бўйича махсус комиссиялар ташкил қилди. Туркистон қўмитаси 1921–1924 йиллар давомида

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000. 150-бет.

Туркистондаги илмий муассасалар ва Петербург, Москва олимлари иштирокида тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш масаласида 19 та илмий экспедиция уюштирди².

Бундай ишлар билан бирга, большевиклар маданий ҳаётни ғоялаштириш ва зиёлиларни ҳукмрон мафкура хизматига жалб этиш учун маданий мерос масаласини назоратдан четда қолдирмадилар. Бироқ совет маданияти назарияси (доктринаси), унинг айрим ғоявий раҳнамолари орзу қилганидек, маданий меросни бутунлай инкор этиш йўли билан борган, деб айтиш нотўғри, албатта. Маданий меросдан фойдалиларини олиб, кераксизларидан воз кечиш ёки уларни замонга мослаштириш ҳақидаги фикрлар ҳам бўлган. Партия раҳбарларидан бири бўлган И.А. Зеленский бу ҳақда шундай ёзади: «Эски маданият икки қисмдан иборат: моддий қисмдан, биз ўзлаштирган ишлаб чиқариш апаратыдан хўжалик ва техник асос (базис)га бевосита йўлдош бўлган аниқ фанлардан; ғоявий қисмдан, ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасидагина эмас, балки ишлаб чиқариш кучлари ва қуроллари тақсимотидан келиб чиққан (қуроллар ва воситаларга хусусий эгалик) ғоявий қисмдан иборат. Маданиятнинг айнан шу қисмини, яъни меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгалик фактидан келиб чиққан қисмини биз улоқтириб ташлашимиз зарур»³. Шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки, мустабид тузум мафкураси томонидан сунъий равишда бўлиб ташланган бундай маданият нафақат қарам халқлар учун, шу билан бирга, рус халқи учун ҳам маънавий зарардан бошқа ҳеч нарса келтирмади.

Бу йилларда маданий меросга бўлган салбий муносабатни К. Нугматов ва Ж. Бойбулатовлар мақолаларида ҳам учратиш мумкин⁴. Улар: «Махтумқули, Зелили, Навоий асарлари бизнинг синфий душманларга ва маҳаллий зиёлиларнинг муайян қатламига унинг бойлиги, чиройли тилини ўрганиш учун эмас, аксинча, ўтмиш ижтимоий муносабатларини мақташ ва тарғибот қилиш имконини бергани учун керак», деб баҳолайдилар. Бу муаллифлар фикрича, XVI–XVII асрда

² Мирзаев М. А. Становление и развитие дела охраны и изучения памятников истории и культуры в Узбекистане (1917–1941) / Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1994. 14–15-бетлар.

³ Зеленский И. В борьбе за культуру // За партию. 1928. № 7. 12–13-бетлар.

⁴ Нугматов К. Участок, требующий к себе внимания // За партию. 1928. № 7. 64–67-бетлар; Байбулатов Дж. Узбекская литература и чагатаизм // За партию. 1928. № 3–4. 99–111-бетлар.

яшаб ижод этган ёзувчилар асарларининг нашр этилиши пухта ўйланган, жамоатчилик фикрини пролетар ғоясига қарши қўйишдаги «совет ҳокимияти душманларининг маълум ижтимоий буюртмаси» эди. К. Нугматов «Махтумқулини чоп эттириш мумкин, лекин ундан давр учун зарарсиз ғояларни олиш, умуман машҳур инсонларнинг меросларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак», деса, Ж. Бойбулатов Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва бошқаларни мавҳум, сафсатавий ғоя, диний идеализм ва мистицизмнинг ёрқин вакиллари сифатида баҳолайди. Айниқса, А. Фитратнинг Яссавий ижодига мурожати кескин қаршилиқка учради. Бу борада икки муаллиф ҳамфикр эдилар. К. Нугматов Фитратни «Яссавийни пролетар ёзувчилари қаторига қўшган»ликда айбласа, Ж. Бойбулатов «Фитрат — мистик», «Фитрат — панисломчи», «Чигатоизм — пантуркизм асосчиси», «Маориф ва ўқитувчи» эса унинг органи» деб ёзади.

О. Ҳошимовнинг мақоласида инқилобга қадар мавжуд бўлган маданий мерос феодал ўтмишнинг кераксиз, эски кўриниши, деб баҳоланди. Муаллиф чигатой адабий тили ва имлосини кескин танқид қилиб, уларни инкор этади ва «Октябрь инқилобидан сўнг пролетариат диктатураси даврида ўзбек меҳнаткаш оммаси тарихда биринчи марта ўз адабий тилини яратиш имконига эга бўлди»⁵, деб уқтиради. Унинг фикрича, бу «янги ўзбек адабий тили» ўзбек меҳнаткашларини пролетар маданиятига эришишига ёрдам бериши лозим эди. 30-йилларнинг охирига келиб, маданий меросга бўлган расмий муносабатга И. Штерн мақоласи яхши мисол бўла олади⁶. Унда ўзбек халқининг маданий меросини, жумладан, Алишер Навоий ижодини инқилобий ва диний-мистик ижод сифатида инкор этишни эндиликда кескин танқид қилинди. Маданий мерос қимматини И. Штерн тан олсада, рус тили ва маданияти халқларнинг йўлбошчисига айланишини таъкидлайди. Муаллиф Октябрь инқилобигача бўлган зиёлиларни инкор этади ва марксизм ғояларини ўзлаштирганларни зиёлилар сирасига киритади. Шундай қилиб маданий меросни инкор этиш ҳамда гўёки янги пролетар маданиятини яратишга интилиш ва умуман, ўтмишнинг қадр-қимматини инкор этиш 20–30-йиллар нашрлари ва адабиётларига хос эди. Натижада маданий мерос мавзуси бу йилларда илмий тадқиқ этилмади.

⁵ Ҳошимов А. О новом узбекском литературном языке и его орфографии. 29–37-бетлар.

⁶ Штерн И. Социалистическая культура узбекского народа. Ташкент, 1938.

Маданий мерос масаласини инкор этиш сиёсати Шарқ халқлари ёзувини лотин графикасига ўтказиш жараёнида ҳам акс этди. СССР МИК ва ХККнинг араб ёзувини лотинлаштириш қарори 1929 йил 7 августда қабул қилинди. Умуман, ўзбек ёзувини лотинлаштириш ғояси 1921 йилда ўзбек тили ва унинг имлосига бағишланган I Туркистон ўлка қурултойида ўртага ташланган, аммо кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган эди. Лекин араб имлосини ўзбек тилига мослаштириш мураккаблиги учун мутахассислар уни енгиллаштириш йўлини изладилар. Кенгаш иштирокчиси Абдурауф Фитрат ўз нутқида араб графикасини босмалашда ва қўллашда бир қатор қийинчиликлар борлигини кўрсатиб ўтди ва уни соддалаштириш зарурлигини таклиф қилди. Аммо кейинчалик А. Фитрат ўз фикрини ўзгартириб, ўзбек ёзувини лотинлаштириш тарафдори бўлган. 1922 йилнинг охирига келиб алфавитни ўзгартириш масаласида мунозаралар янада кучайди. Маориф ва маданият ходимларининг съездида бу масалада жуда кескин тортишувлар бўлди. Асосий маърузачи Ўрта Осиё халқлари тиллари билимдони машҳур олим, профессор Е. Д. Поливанов Ўрта Осиё халқлари учун араб имлосидан воз кечиш оғир эканлигини айтса-да, лекин араб ёзувини алмаштириш ғоясининг ташаббускори бўлиб чиқди⁷. Унинг оппонентлари сифатида Ўзбекистонда таниқли тилшунос олимлардан луғатшунос, 2 жилдлик биринчи ўзбекча-русча луғатнинг муаллифи — Ғози Олим Юнусов, педагог-ўқитувчилар — Қаюм Рамазонов, Абдураҳим Йўлдошев, Пўлатхон Қаюмов, Ашурали Зоҳирий ва бошқалар чиқдилар. Бироқ уларнинг фикрлари инобатга олинмади, келгусида эса, яъни қатағон авж олган йилларда бу шахсларга нисбатан қўйилган айбловларда усталик билан қўлланилди. Динга қарши кураш ҳаракатларининг бориши ҳам бу тадбирга бевосита боғланди.

1926 йил мартда Боку шаҳрида бўлиб ўтган I Умумиттифоқ туркушунослар съездида ҳам бу муаммо қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Албатта, ислоҳот ўтказишдан мақсад, аввало, араб имлосига қараганда анча енгил ўзлаштириладиган лотин имлосини ўрганиш билан саводсизликни мумкин қадар тезроқ тугатиш учун интилиш эканлигини ва совет ҳокимиятининг бу ислоҳотдан фойдаланиб Ўрта Осиё халқларини Шарқ мусулмон мамлакатларидан сунъий равишда ажратиб олиб, улар учун алоҳида янги маданият ва тарих яратишни мақ-

⁷ Поливанов Е. Д. О принципах построения турецкой грамматики // Наука и просвещение. 1922. № 1. 12–13-бетлар.

сад қилиб қўйганлигини сезиш қийин эмас. Иккинчи томондан, ёзувнинг лотинлаштирилиши динга қарши ташвиқотнинг бир шакли эди, большевиклар таъбирига кўра, араб ёзуви диндорларга, уламоларга «хизмат қилар» эди. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан матбуот саҳифаларида босилган мақолаларда араб ёзувининг аҳамияти бутунлай инкор этилди⁸. С. Диманштейннинг мақоласида : «...жуда оз аҳамиятсиз адабий меросга (кўпчилик қисми диний мазмунда) ва кам сонли саводчиларга эга бўлган кўпчилик Шарқ халқлари алифбонинг ўзгаришидан ютиб чиқадилар»⁹, деган мулоҳазаларни билдирган эди. В.В. Бартольд, С. Ф. Ольденбург, А. Н. Самойлович каби таниқли шарқшунос олимлар эса совет Шарқ халқлари алифбосини лотинлаштириш тарафдори эдилар.

Бироқ, ёзув масаласи атрофидаги барча шов-шувлардан тортиб ҳукумат, оддий ташкилотлар, ислоҳотни ташкил этувчилар меҳнати, гоаявий тарғибот ишларининг бари 30-йиллар охирига келиб мутлақо кераксиз бўлиб қолди. Ёзувни лотинлаштириш учун ишлатилган катта маблағлар эса бекор кетди. Чунки бу даврга келиб, ҳеч қандай ташвиқотсиз, буйруқ тарзида ёзувнинг навбатдаги янги ислоҳоти — кирилл алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1940 йил май ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети III сессиясида Т. Н. Қориниёзовнинг маърузаси бўйича ёзувни рус графикасига ўтказиш ҳақида кўрсатма берилди. Қарорда «ўзбек халқи кенг оммасининг ташаббуси, халқнинг хоҳиш-истаги», деб алоҳида таъкидланди. Шунингдек, кирилл алифбосига ўтиш «халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш» воситаси деб талқин қилинди. Янги ислоҳот лотин имлосига ўтишда назарда тутилмаган сиёсий сабабларга ҳам эга эди. Маълумки, 20-йиллар охирида Туркия лотин имлосига ўтган бўлиб, марказий ҳукумат СССР таркибидаги Ўрта Осиё республикаларини «буржуа мамлакати» бўлган Туркия ва бошқа капиталистик дунё мамлакатлари ёзувидан фойдаланишига йўл қўя олмас эди. Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан ўзбек тили хусусиятларини ҳисобга олиб бир неча ислоҳот лойиҳаси ишлаб чиқилди ва улардан турли хил тиллар гуруҳига ки-

⁸ Қамчинбек А. Бутуниттифоқда янги алифбе // Аланга. 1928. № 9. 10–14-бетлар.; Агамали Огли. Рубикон переиден // Культура и письменность Востока. 1928. Кн.3. 3–6-бетлар; Папава М. За новый тюркский алфавит // Просвещение национальностей. 1930. № 9. 68–72-бетлар; Диманштейн С. 10 лет национальной политике партии и Советской власти // Новый Восток. 1927. № 19. XII–XVI-бетлар;

⁹ Диманштейн С. 10 лет национальной политике партии и Советской власти // Новый Восток. 1927. № 19. XVI бет.

рувчи, бир-биридан фарқ этувчи ўзбек ва рус тилларини «яқинлаштирадиган», умумлаштирадиган варианты танлаб олинди. Фикримизча, таниқли ва хизмат кўрсатган олим, профессор Т. Н. Қориниёзовни асосий маърузачи сифатида танлаб олишдан мақсад, имлони ўзгартиришга нисбатан бўлиши мумкин қаршиликнинг таъсирини камайтириш бўлган. Аммо Ўзбекистон зиёлиларининг энг илғор вакиллари бу даврда қатағон этилган бўлиб, қаршилик кўрсатиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Маданий соҳаларни мафкура измига солиш дин масалаларини ҳам четда қолдирмади. Марксизмга асосланган совет мафкурачилари исломнинг юксак илмий-маданий қимматини инкор этиш учун унга нисбатан «социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган» эски, қолоқ, реакцион қарашлар деган устқурмани танлаб олдилар. Марказнинг бу устқурмаси Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган машҳур шарқшунос олим В. В. Бартольднинг исломнинг жаҳон тарихининг бир кўриниши бўлган мусулмон маданияти сифатидаги таърифини эътиборга олмади.

Ўша пайтларда илғор руҳонийларнинг берган маслаҳатлари, уларнинг тинчлик-тотувлик билан таълим ислохотларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари рад этилди. Чунки расмий ҳукумат улардан хавфсираб, бу янги шароитга мослашиб олиш учун уринаётган руҳонийларнинг айёр сиёсатидир, деб баҳолади¹⁰. Партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамоси деган фикр мавжуд эди¹¹. Шунинг учун ҳам динга ва руҳонийларга қарши 30-йилларда очикдан-очик «совуқ уруш» эълон қилинди. Бунинг учун махсус «Курашчан худосизлар» ташкилоти тузилиб, унинг бўлимлари барча корхона ва муассасаларда ташкил этилди. «Курашчан худосизлар» иттифоқи умумий шубҳаланиш вазиятини кучайтиришда катта роль ўйнади. Унинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни хўрлаш ҳолларига қаршилик кўрсатиш каби ишларда ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, руҳонийлар ва динга эътиқод қилувчиларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб боришда салбий роль ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика

¹⁰ Икрамов А. О духовенстве и школе // Избранные труды в 3-х томах. Ташкент, 1972. Т. 1. 280–297-бетлар.

¹¹ Хансуваров И. Мусдуховенство // Коммунистическая мысль. Кн. 5. Ташкент, 1927. 60–102-бетлар.

хукумати томонидан 1931 йилнинг ўзида Фарғона, Бекобод ва Тошкентда бир қатор черковлар, масжидлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди. Тошкентнинг Октябрь тумани аҳолиси комсомол клубларига айлантилган масжидларни халққа қайтаришни талаб қилиб чиқди. Лекин бу чиқишлар тузумга қарши уюштирилган тарғибот деб баҳоланди. «Курашчан худосизлар» иттифоқи ҳисоботига кўра, 1931 йилда беш йиллик режа бажарилган бўлиб, унинг сафига Ўзбекистонда 90 000 киши аъзо бўлган, улардан 60 000 нафари ёшлар эди¹². Лекин, шунга қарамаздан, Ўзбекистон халқлари диний эътиқоддан, диний қадриятлардан мутлақо воз кечмади. Большевикларнинг динга қарши зўравонлиги ва таъқиблари остида бўлса-да, бу эътиқодни имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Бироқ большевистик сиёсий доиралар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Бу дин — партиянинг дини, яъни марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар, воситалар ишга солинди. Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунёқарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъи назар, «халқ душмани» деб эълон қилинди.

50-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан динга қарши кураш янада кучли авж олди. Бунга 1958 йил 28 ноябрда КПСС МКнинг «Муқаддас жойлар» деб номланган ерларга зиёратларни тўхтатиш тўғрисида»ги қарори ва уни 1959 йил 3 январда ЎзССР КП МК бюросида кенг муҳокамаси сабаб бўлди¹³. Асосий мақсад «меҳнаткашлар онгини чалғитишга ва заҳарлашга қаратилган диний зиёратгоҳларга нисбатан муросасизлик — атеистик тарбиянинг муҳим вазифаси» деб белгиланган эди. Шунингдек, 1960 йил 13 январь КПСС МКнинг ва 1960 йил 4 февраль ЎзССР КП МКнинг «Руҳонийлар томонидан қонунчиликнинг бузилишини олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари¹⁴ диний сиёсатда давлат назорати ва атеистик курашни янада кучайтиришда муҳим омил бўлди. Бу қарорни амалга ошириш учун республикадаги барча партия ташвиқот ва тарғибот бўлимлари, оммавий ахборот воситалари, мутасадди ташкилотлар жалб

¹² Макаров К. Отчетный доклад о деятельности республиканской организации «Курашчан худосизлар» за 1930–1931 гг. Ташкент, 1931. 14-бет.

¹³ ЎзР МДА. 2456-ф, 1-рўйхат, 235-иш, 104-варақ.

¹⁴ ЎзР МДА. 2456-ф, 1-рўйхат, 267-иш, 79-варақ.

қилинди. «Муқаддас жойлар»нинг тарихий илдиэларини, моҳиятини очиб ташлаш, илмий-атеистик тарғиботни кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди, атеистик мавзудаги маърузалар, илмий-оммабоп, илмий нашрлар сони ошди. Уларда диндорларга нисбатан «текинхўр», «бекорчи», «эксплуататор нодонлар» иборалари қўлланилиб, уларнинг фаолиятини «фош қилиб ташлаш» мақсад қилинди. Фаолияти тўхта-тилган зиёратгоҳлар дам олиш зоналари, стадион, мактаб, парклар, санаториялар, пионер лагерлари, колхозчиларнинг дала шийпонла-рига айлантирилди. Эндиликда яратилган нашрларда авлиёларни, му-қаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, диний арбобларни, олимларни хотирлаш бидъат деб тарғиб қилинди¹⁵. Муаллифлар диний уламолар-нинг мақбара ва сағаналарини зиёрат қилишни, уларни хотирлашни «зарарли» деб ҳисоблашган, муқаддас жойларни, қадамжоларни «зиёрат қилиш учун келганлар ҳар хил юқумли касалликлар юқтирадилар», деган ташвиқотларни ҳам қўллаганлар.

60-йиллардан то совет ҳукуматининг сўнгги йилларигача Ўзбе-кистонда ислом дини, унинг тарихи, муқаддас китоб Куръон таъри-фига бағишланган ижтимоий фан вакилларининг кўплаб илмий-ом-мабоп рисоалари, асарлари ўзбек ва рус тилларида яратилди, аксари-ят ишлар ўзбек тилига таржима қилинди. Албатта, уларда ислом ди-нининг барча ақидалари «реакцион аҳамиятга эга», деб баҳоланди, К. Маркснинг «дин — халқ учун афъюндир», деган шиори ислом динига ҳам тамомила тааллуқли деб ҳисобланди. Шу билан бирга, яратилган ушбу рисоалар, асосан, ташвиқот-тарғибот ишларига қара-тилган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Ўзбекистон заминига дунёдаги ислом мамлакатларидан хорижий меҳмонларнинг қизиқи-ши катта бўлган ва кўп сонли делегациялар ташрифи кузатилган. Хо-рижий меҳмонларга совға тариқасида тақдим этиш учун «Куръон»

¹⁵ Аҳмаджонов У., Қосимзода А., Йўлдошев Н. Ислом динида авлиёларга ва уларнинг мазорларига сиғиниш. Тошкент, 1959; Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда «Муқаддас» жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. Тошкент, 1963; Петраш Ю. Г. Қадамжолар сири. Тошкент, 1965; Алимұхаммедов А. «Муқаддас» ва «Қадамгоҳ» жойлар ҳамда уларнинг зарарлари (Фарғона область материаллари асосида). Тошкент, 1966; Шарипов Э., Бозоров Э. «Муқаддас» жойлар тўғрисида ҳақиқат. Тошкент, 1976; Давлатбоев Т. Авлиёларга сиғиниш ва уларнинг зарарлари. Тошкент, 1979; Саксонов Т., Ҳошимов М. Хўш нимаси муқаддас? Тошкент, 1985; Саксонов Т. «Муқаддас» жойлар — хурофот ва бидъат ўчоғи. Тошкент, 1986 ва б.

китобини 1955 йилда 3 000, 1958 йилда 4 000 нусхада чоп этишга ЎзССР Министрлар Совети фармойиши билан рухсат берилди¹⁶. Умуман, Қуръон Совет Ўзбекистонда 1955 йилдан 1976 йилгача бўлган даврда 6 маротаба нашр қилинган эди. Ҳеч қандай шарҳсиз, фақат араб тилида битилган бу китоб оддий совет китобхони учун тушунар-сиз ва чоп этилгани номаълум бўлиб қолаверган. 1968 йилдан эътиборан САДУМ нашри бўлган «Совет Шарқи мусулмонлари» журнали дастлаб ўзбек (араб шрифтида, оддий халқ учун тушунарсиз — *муаллифлар*) ва араб тилларида, 1974 йилдан 4 тилда — инглиз, француз, араб ва ўзбек тилларида чоп этиб борилди¹⁷. Журналнинг турли тилларда чиқарилишига сабаб, 1974 йил Ўзбекистонда «Имом ал-Бухорий ва ҳозирги замон» мавзуида анжуман ўтказилиб, унинг 140 киши иштирок этган ишида Осиёдан 25 та, Африка ва Европа мамлакатларидан 57 та вакил ташриф буюрган эди. Мазкур тадбир муносабати билан икки томлик «Саҳиҳ ал-Бухорий» ҳадислар тўплами 2 000 нусхада, 60 босма табоқда чоп этилди¹⁸ ҳамда И. М. Соттиев томонидан тайёрланган «Усмон Қуръони тарихи» китоби нашрдан чиқди¹⁹. 1980 йилнинг сентябрида Тошкентда ўтказилган «XV ҳижрий аср халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик асри бўлиши керак» шиоридаги халқаро конференция муносабати билан Имом ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» китоби қайтадан нашр этилган, шунингдек, Муҳаммад ат-Термизийнинг «Саҳиҳ ат-Термизий» тўплами чоп этилган²⁰. Албатта мазкур нашрлар кенг китобхонлар оммаси учун қатъиян ман этилган ва улар фақатгина хорижий делегатлар, чет эл ваколатхоналари учун тайёрланган эди. Ушбу тадбирлар совет органларининг жаҳон ҳамжамиятига контрпропаганда мақсадида қилинган, оддий совет фуқаролари эса улар ҳақида ҳатто кичик маълумотга ҳам эга бўлмаганлар.

Айни урушдан кейинги йилларда маданий мерос муаммоларини ишлаб чиқиш ва уни ижодий ўзлаштириш ишида янги бир босқич бошланди, дейилса муболаға бўлмайди. Чунки 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидаги Тил ва адабиёт, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ходимлари томонидан Лутфий, Навоий, Муқимий, Фурқат, Огаҳий ва яна бошқа кўплаб ижод-

¹⁶ ЎзР МДА. 2456-ф, 1-рўйхат, 267-иш, 91-варақ.

¹⁷ ЎзР МДА. 2456-ф, 1-рўйхат, 595-иш, 78-варақ.

¹⁸ ЎзР МДА. 2456-ф, 1-рўйхат, 548-иш, 73–74-варақлар.

¹⁹ ЎзР МДА. 2456-ф, 1-рўйхат, 538-иш, 12–13-варақлар.

²⁰ ЎзР МДА. 2456-ф, 1-рўйхат, 613-иш, 1–2-варақлар.

корларнинг асарлари ўрганилди ва кенг оммага тақдим этилди. Бироқ бу ерда Ўзбекистон халқлари тарихи ва ўтмиш маданиятини марксча-ленинча ёритиш²¹ асосий масалалардан бири саналар эди. Айниқса, 1952–1987 йиллар орасида нашр этилган «Ўзбекистон Фанлар академияси шарқ қўлёзмалари тўплами» («Собрание восточных рукописей АН УзССР») номли фехристларнинг 11 жилди маданий мерос масалалари тарихшунослигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Уларда қўлёзма асарларнинг 7 574 дона нусхалари ҳақидаги маълумотлар келтирилиши маданий мероснинг тикланишида муҳим қадамлар эди. Бу қўлёзмалар саҳифаларида ўрта асрлар шарқида кенг ривож топган тарих, адабиёт, тилшунослик, фалсафа, табиий ва аниқ фанлар, Исломи дини тарихи, ҳуқуқшунослиги каби бир қанча соҳалар ёритилган. Фехристлар тизими А. А. Семенов томонидан (I–IV жилдлар) асос солинган бўлиб, уларни тузиш ва таҳрир ишлари кейинчалик Д. Г. Вороновский (V, VI, VIII, X жилдлар), А. Ўринбоев, Л. П. Епифанова, Р. П. Жалиловлар (VII, IX, XI жилдлар) томонидан давом эттирилди²².

60–70-йилларда Ўзбекистонда ўтмиш маданий мероси, хусусан, илм-фан арбоблари асарларига мурожаат кенгайди. Хусусан, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Фарғоний, Мусо Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари йирик олимларнинг асарлари таржима қилинди. Масалан, Т. Н. Қориниёзов «Улуғбекнинг астрономия мактаби» номли йирик тадқиқоти учун давлат мукофотиغا сазовор бўлган эди. Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий тарихини тадқиқ қилишда И. М. Мўминовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Бу йилларда маданий мероснинг социалистик маданият тараққиётидаги ўрни, Ленин ғояларини Шарқ халқлари маданий меросини ўрганишдаги аҳамияти масалаларига бағишланган қатор адабиётлар нашр этилди.

1978 йилда ташкил этилган ЎЗР ФА Қўлёзмалар институти том маънода адабий манбашунослик марказига айланди. Бу институт, асосан, матншунослик, тилшунослик, топонимика йўналишларига²³ катта

²¹ Зоҳидов В. Ўзбекистон халқлари тарихи ва ўтмиш маданиятини марксча-ленинча ёритиш учун. Тошкент, 1949. 30-бет.

²² Ўринбоев А., Маннонов Б., Муниров Қ. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 50 ёшда // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1993. № 8. 52-бет (50–54).

²³ Қаяюмов А. П. Қўлёзмалар институти ва унинг фаолияти // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1993. № 8. 48–50-бетлар.

этибор қаратди ва бу борада бир қатор ютуқларга эришди. Институтда «Адабий мерос» илмий тўплами ва «Адабий манбашунослик» илмий мақолалар тўпламининг нашр этилишини ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, 80-йиллар охирига қадар Ўзбекистон шарқшунослари томонидан катта ҳажмдаги тарих, фалсафа, адабиёт, фикҳ соҳасидаги ўтмиш мероси манбашунослик таҳлилига тортилди. Табиийки, уларни ўрганишда мафкуравий тузум манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиш лозим эди ва мазкур илмий муассасаларда яратилган аксарият ишлар рус тилида амалга оширилди. Чунки «Республикамизда рус тилининг қўлланиш доираси кенгайиб, ўзбек тилининг қўлланиш доираси тобора торайиб борди. Бу эса Ўзбекистонда ўзбек тилининг, она тилининг ривожланишига салбий таъсир этган эди, албатта»²⁴.

Фақат «қайта қуриш» сиёсатидан кейинги йилларда маданий мерос масалаларига бир оз бошқача ёндашувлар шаклланди. Бу борада 1990 йил 24–25 январда бўлиб ўтган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг маданий меросини ўрганиш: натижалар, муаммолар, истиқболлар» мавзусидаги симпозиумни²⁵ ва «Маданий меросни ва тарихий-фалсафий тадқиқот муаммоларини ўрганиш масалаларининг муҳокамаси»га бағишланган «Доира столи» атрофидаги суҳбатларни²⁶ алоҳида таъкидлаш жоиз.

Совет ҳукуматининг халқлар маънавияти бўлган динни сиқиб чиқаришга бўлган ҳаракати баъзи ҳолларда ўз самарасини берди. Ушбу меъёрий тақиқлар халқнинг миллий қадриятларга этибори, диний этиқодини сусайтирди, диний саводсизликка олиб келди.

«Қайта қуриш» йилларида ўзбек зиёлиларининг саъй-ҳаракатлари билан миллий-маданий меросни тиклаш, тарихий-маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ва сақлаш, Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган тарихий-маданий ёдгорликларни қайтариш муҳим масалалардан бирига айланди. Шу маънода, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан Ўзбекистонда «Мерос» дастури амалга оширила бошлади. Бу ҳаракат республика бўйлаб кенг ёйилди. Жумладан, Ўзбекистон тарихи ва

²⁴ Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг ривожланиши ва унинг долзарб муаммолари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1993 № 8. 45–бет (38–50).

²⁵ Каюмова Т. С. Симпозиум «Изучение культурного наследия народов Средней Азии и Казахстана: итоги, проблемы, перспективы» // ОНУ. 1990. № 10. 55–58-бетлар.

²⁶ Маданий меросни ва тарихий-фалсафий тадқиқот муаммоларини ўрганиш масалаларининг муҳокамаси // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1990. № 5. 46–58-бетлар. Давоми: Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1990 йил. № 6. 54–62-бетлар.

маданияти ёдгорликларини сақлаш Тошкент вилояти кенгаши ҳузурда тузилган янги ташкилот — «Бобур жамияти», 1989 йилда биринчи жамоат экспедицияси сифатида ташкил этилган «Бобур йўли» илмий-маърифий уюшмаси²⁷, аини шу пайтларда Фарғонада фаолият кўрсатган «Фарғона маданиятини тиклаш», Тошкент шаҳридаги 254-ўрта мактабда ташкил этилган «Маданий меросга ихлос» марказлари халқимизда, айниқса, ёшларда миллий гуруҳ, фахр-ифтихор, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришда муҳим роль ўйнади²⁸. «Қайта қуриш» йилларида бундай марказ, ташкилот ва уюшмалар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ташкил этилган эди.

«Қайта қуриш» йилларида тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза этиш, айниқса, музейлар фаолиятини яхшилаш муаммоси энг муҳим масалалардан бири сифатида кун тартибига турди. Маълумки, музейлар халқ миллий ўзлигини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, «қайта қуриш» йилларида ҳам илгариги даврда бўлгани каби республика музейлари асосий эътиборни инқилобий-сиёсий, «социализмнинг афзалликларини» тарғиб қилишга қаратди. Агар, 1985 йилда Ўзбекистонда 46 та музей фаолият кўрсатган бўлса, 1989 йилга келиб улар сони 58 тага етди²⁹. Лекин, юқорида қайд этганимиздек, улар, асосан, ҳали ҳукмрон бўлиб турган коммунистик мафқуранинг тарғиботчилари сифатида фаолият кўрсатар эди.

Аммо, шундай шароитда ҳам тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш масаласига бўлган коммунистик муносабат ўзгармади, ёдгорликларни ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишдек муҳим ва мураккаб жараёнга эътиборсизлик билан қаралди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда 9310 та тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳисобга олингани ҳолда, улардан фақат 6466 тасигина (70%) давлат муҳофазасига ўтказилди, холос³⁰.

Яна шуниси таажжубланарлики, миллий маънавиятнинг асоси бўлган ёдгорликларни сақлашга давлат томонидан арзимаган маблағ ажратилар, у ҳам бўлса йилдан-йилга камайиб борарди.

Умуман совет йилларида тарихий обидаларга, тарихий меросга бўлган муносабат жиддий ижтимоий, сиёсий синовларни бошидан

²⁷ Тошкент ҳақиқати. 1990 йил. 19 декабрь.

²⁸ Ёш ленинчи. 1991 йил. 27 апрель.

²⁹ Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар. Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT. 2009. 106-бет.

³⁰ Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2001. 352-бет.

кечирди. 80-йилларда халқнинг миллий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб борган сари республикада тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлашнинг аҳамияти бўйича жараёнлар бошланди. Кишиларнинг тарихий хотирани тиклаш, тарихни билишга интилиши кучайди.

Д. АЛИМОВА, Н. МУСТАФАЕВА

**ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА
В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: ПОДХОДЫ И ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ БОРЬБА**

В статье освещается формирование отношений в советский период к историческим памятникам и культурному наследию Узбекистана в контексте идеологии эпохи. Авторы с позиции современной исторической науки и на основе новых архивных источников и литературы изучаемого периода рассматривают вопросы отношения советских органов к литературному наследию, процессы реформы арабской письменности, отношение к исламской религии и др.

D. ALIMOVA, N. MUSTAFAYEVA

**HISTORICAL AND CULTURAL HERITAGE OF UZBEKISTAN
DURING THE SOVIET PERIOD: APPROACHES
AND IDEOLOGICAL STRUGGLE**

This article elucidates the policy of the Soviet authority in Uzbekistan towards historical monuments and cultural heritage in the context of the epoch's ideology. Based on new approaches as well as various archival sources the authors highlight such issues as Soviet officials' policy towards literary legacy, reforms of Arab script as well as attitude to the Islamic religion in Uzbekistan.

Х. БЎРИЕВА

II ЖАҲОН УРУШИ ВА УРУШДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ТОШКЕНТ ТОПОНИМИЯСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Маъмурий бўлинмалар ва ҳўжалик соҳаси)

Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясини тадқиқ этишда шаҳарнинг ўрганилаётган даврдаги мавқеи, тарихий ривожланиши ва тараққиётидаги ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур, ҳолбуки, ҳар бир тарихий жараён маълум даражада топонимларда акс этади.

Маълумки, XX асрнинг 1918–1990 йилларида Ўзбекистон ҳудуди собиқ Иттифоқ таркибига киритилган ва Тошкент шаҳри республика пойтахти вазифасини бажарган. Ушбу даврда ўлкада кечган тарихий жараёнлар айнан давлат раҳбарияти кўрсатмалари, мамлакатда рўй бераётган воқеалар билан боғлиқ бўлган. Хусусан, 40-йилларнинг биринчи ярмида Совет давлати уруш гирдобига тортилгани маълум. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939–1945) собиқ Иттифоқнинг Европа қисмида жойлашган ҳудудларида уруш ҳаракатлари олиб борилгани сабабли, бу ерда яшовчи аҳолининг маълум қисми ҳамда муҳим иқтисодий объектлар, ижтимоий ва маданий соҳа муассасалари мамлакатнинг жанубий ерларига кўчирилган. Шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам аҳоли билан бирга саноат объектлари эвакуация қилинган. Уларнинг катта қисми республика пойтахтига жойлаштирилган.

Тошкентда 1941–1945 йиллардаги қурилиш ишлари уруш даврининг ўзига хос шароитларида олиб борилган. Собиқ Иттифоқнинг шарқий районларидаги бир қисм саноат корхоналарининг Тошкентга кўчириб келтирилиши натижасида шаҳарда йирик саноат иншоотларини жойлаштиришда ҳар доим ҳам шаҳарни реконструкция қилиш Бош режаси талабларига риоя қилинмаган. Тошкентга эвакуация қилинган аҳолининг келиб ўрнашиши, корхона, ташкилот, муассасаларнинг жойлаштирилиши ҳисобига шаҳар ҳудуди кенгайиб, шаҳарнинг иқтисодий ва маданий ривожланишида янги муаммолар келиб чиқиши сабабли **шаҳар районлари** сонини кўпайтиришга қарор қилинган. 1943 йилда шаҳарнинг мавжуд олтита районига (Киров, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Сталин, Фрунзе) яна 2 та – Централний (Марказий) ва Москва районлари қўшилган.

Эвакуация қилинган объектларнинг Тошкент ҳудудида қурилиши шаҳар қурилишининг 1938 йилда тасдиқланган Бош режасида кўзда тутилмагани табиий, шу сабабдан уруш йилларида барпо қилинган корхоналар мавжуд шаҳарни қуриш режасининг бузилишига олиб келган. Натижада, шаҳарни реконструкция қилишнинг янги режасини тузиш тақозо этилган. 1946 йили мазкур режа қайта кўриб чиқилган ва қуйидагича Қарор қилинган¹: «1. Бош режадаги алоҳида бўлимлар тасдиқлансин, яъни: аҳоли сони 300–900 минг киши бўлиши, шаҳар ҳудудининг районларга бўлиниши, режа тузилиши радиал-ҳалқасимон бўлиб, шаҳар маркази кўрсатилган жойда қурилиши. 2. Шу билан бирга, Бош режа Мособлпроект (1938 й.) томонидан айрим жиҳатларни инobatга олмай тузилгани қайд этилсин, хусусан, ҳудуднинг табиий ва иқлим шароитлари инobatга олинмаган, натижада, кўп қаватли бинолар салмоғи юқори белгиланган, план тузилиши зич ва рельеф билан ҳисоблашилмаган. 3. Кўрсатилган камчиликларни инobatга олган ҳолда, Бош режага тузатишлар киритилсин ва бунда қуйидагиларга асосланилсин: а) камқаватли иморатлар сони кўпайтирилсин; кўпқаватли бинолар, асосан, шаҳар марказида бунёд этилсин; б) шаҳарни сув иншоотлари билан таъминлаш ва ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин, хусусан, Бўзсув каналида Шайхонтохур майдонининг юқорироқ қисмида сув иншооти қурилсин; в) шаҳар режаси кўпроқ сув иншоотлари ҳамда ҳудуд рельефи билан боғлансин, шаҳарнинг асосий йўналишларидан бири сифатида Бўзсув канали олинсин; г) шаҳарнинг асосий магистраллари аниқ ажратиб берилсин; кўча тармоқлари эркин жойлаштирилиб, радиал-ҳалқасимон тизимга қатъий амал қилиш шарт эмас, балки мавжуд асосий кўчалар инobatга олинсин». Шаҳар Бош режасини тузиш ишлари 1954 йили ниҳоясига етказилган ва кейинги қурилиш ишлари айнан шу режага мувофиқ ҳолда 1960 йилгача олиб борилган.

Урушдан кейинги даврда шаҳарни ободонлаштириш, техник таъминлаш ва меъморий жиҳозлаш ишларида туб бурилиш юз берган ва бунда Халқ комиссарлари кенгашининг 06.03.46 даги «Тошкент шаҳри шаҳар хўжалигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар» тўғрисидаги Қарори; ЎзССР Министрлар Совети ва Ўзб КП МК (б)нинг 01.04.46 даги шу масалага доир Қарори ва бошқа меъорий ҳужжатларга асосланиб иш олиб борилган.

¹ Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-36 жамғармаси, 1-рўйхат, 7 а-ийғмажилд, 1–25-варақлар.

Манбаларда қайд этилишича, «уруш йилларида Тошкентга Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидан аҳоли эвакуация қилингани натижасида шаҳар аҳолиси сони ошган ва 870,0 минггача етган. Урушдан кейин резэвакуация амалга оширилиши натижасида шаҳар аҳолиси сони камайган ва 595,0 минг кишига етган. Бироқ урушдан кейинги тинчлик даврида туғилиш даражаси яна кўтарилган ва Статбошқарманинг ҳисобга олмаган контингентлари билан биргаликда аҳоли сони 650,0 мингтани ташкил этган ва пойтахт аҳолиси республика шаҳарлари аҳолисининг 1/2 қисмини ташкил қилиб, бутун республика аҳолисининг 1/10 қисмига тенг бўлган»².

Урушдан кейинги даврда шаҳардаги районлар сони камайтирилган: 1956 йили майда Москва ва Сталин районлари, 1959 йил мартда Марказий районлар тугатилиб, уларнинг ҳудуди бошқа районларга тақсимланган. Жами, 1960 йилда Тошкентда 5 та район бўлиб, улар қуйидагича номланган: Киров, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Фрунзе. Ушбу номларнинг тўрттаси антропотопонимлар гуруҳига мансуб бўлиб, биттаси тарихий воқелик (Петрограддаги 1917 йилги Октябрь инқилоби) билан боғлиқдир.

1963 йилда шаҳар аҳолиси сонининг 1 млн. га етиши ҳамда шаҳардаги қурилишлар кўламининг кенгайиши туфайли Тошкентнинг жануби-ғарбий қисмида яна бир янги туман — Чилонзор райони ташкил қилинган. Тадқиқотчиларда ушбу ном ҳудуднинг табиий шароити билан боғлиқ, деган фикр мавжуд.

Айрим тадқиқотларда шаҳар ҳудуди микрорайонларга бўлинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади. Жумладан, Марказий м/р-н, Шимолий м/р-н, Шимоли-шарқий м/р-н, Жануби-шарқий м/р-н, Жануби-ғарбий м/р-н, Ғарбий м/р-н. Ушбу микрорайонлар шаҳарнинг маъмурий бирликлари ҳисоблангани қайд этилган³.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Тошкентда янги район ва мавзелар билан бир қаторда янги *кўчалар* ҳам барпо қилинган. Архив ҳужжатларида уларнинг аниқ сони ва номлари билан боғлиқ маълумотлар учрамайди. Бироқ айрим манбаларга асосланган ҳолда кўча номлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Масалан, ҳукумат органларига ўтказиладиган сайлов материалларини оладиган бўлсак, уларда сайлов округлари шаҳарда маълум ҳудуд-

² Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-36 жамғармаси, 1-рўйхат, 7 а-йиғмажилд, 1–25-варақлар.

³ Ташкент. Научные труды ТашГУ. Вып. 226. Ташкент, 1964. 165-бет.

лар бўйича ташкил қилингани, ҳар бир округ бир неча кўча ёки маҳаллалардан иборатлигини ҳисобга олсак, сайлов участкалари билан боғлиқ материалларда шаҳар кўчаларининг номлари тўғрисида айрим маълумотларга эга бўламиз. Хусусан, «Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов округларини ташкил қилиш ҳақида» Тошкент шаҳар Ижроия комитетининг 1959 йил 13 январдаги 1-сон Қарорига мувофиқ шу йили Тошкент шаҳрида 442 та сайлов округи ташкил қилинган бўлиб, округлар клуб, муассаса, маҳаллалар қошида ташкил қилинган; уларнинг чегаралари кўчалар бўйлаб ўтган, округлар номи рақамларда берилган. 1959 йилга оид сайлов округлари қайд қилинган манбадан⁴ шаҳардаги жами 545 та кўча номини аниқлаш мумкин. Агар 1936 йилда Тошкент шаҳар картасида 498 та катта ва ўртача узунликдаги кўча номлари кўрсатилганини ҳисобга олсак⁵, 1959 йилда, яъни 33 йил мобайнида шаҳардаги катта ва ўртача узунликдаги кўчалар сони тахминан 50 тага ошган, деб таъкидлаш мумкин. Янги кўчаларга Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган жангчиларнинг номлари, фан ва маданият соҳасида алоҳида хизмат кўрсатган олим, шоир, ёзувчиларнинг номлари берилган ва уларнинг катта қисми европача номлар бўлган (генерал Петров, В.Малясов, Баранов, Ивлиев, А. Толстой, А. Неверов, А. Якубовский, А. Хидоятлов ва б.)⁶.

Шаҳар маъмурияти кўча номларини ўзгартириш, янги кўчаларни номлаш билан бирга, туб аҳолининг турмуш тарзига хос бўлган анъанавий маъмурий бўлинмалар — *маҳаллаларнинг* номларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган ва уларнинг катта қисмини ҳукмрон мафкурага мос равишда ўзгартирган, кўпчилик маҳаллалар бирлаштирилиши натижасида уларнинг сони камайган.

1959 йилга оид сайлов округлари тўғрисидаги ҳужжатда улар маҳаллаларда ҳам ташкил қилингани кўрсатилган ва бу борада 128 та маҳалла номи қайд қилинган⁷. Ушбу даврдаги маҳалла номлари, асосан, шахс исмлари (Владимир, Ворошилов, Киров, Литвинов, Маннон Уйғур, Маяковский, Свердлов, Фрунзе, Фурқат, Шмидт, Шуми-

⁴ Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-10 жамғармаси, 4-рўйхат, 143-йиғмажилд, 665 та варақ.

⁵ План-путеводитель по городу Ташкенту. Ташкент, 1936 г.

⁶ Буряков Ю. Ф. ва б. Тошкент кўчалари. Тошкент: Ўзбекистон, 1972. 17–18-бетлар.

⁷ Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-10 жамғармаси, 444-рўйхат, 143-йиғмажилд, 61–81-варақлар.

лов, Ҳамза, Ҳасанбой) ва даврга хос маданий-маънавий хусусиятлар (Байналмилал, Илғор, Коммунизм, Социализм, Шарқ ҳақиқати, Янги ҳаёт, Қизил кўприк, Қизил товуш, Қизил Юлдуз, Қизил Шарқ) билан боғлиқ бўлган, шунингдек, кам ҳолларда маҳалланинг тарихий номланиши ҳам учраган ва бундай топонимларда касб-ҳунар (Дегрез, Пичоқчилик, Эгарчи, Ўқчи), маҳалла жойлашган ҳудуднинг номланиши (Камолон, Кўкча, Пуштиҳаммом), табиий шарт-шароитлар (Каттабоғ, Чангалзор, Чуқуркўприк) акс этган.

Умуман олганда, мустабид совет даврида маҳалла номлари таркибида вужудга келган янги топонимлар айнан ўша замонда кечган жараёнлар билан боғлиқ бўлган, маҳалланинг бунга қадар мавжуд номланиши ва айнан шундай ном олишига сабаб бўлган омиллар эса инobatга олинмаган, бундай ҳолат маҳалла тарихий номининг унутилишига олиб келган.

Янги район, маҳалла, кўчалар билан бир қаторда, Тошкент шаҳри ҳудудида турли ташкилотлар учун иншоотлар, аҳолининг турар жойлари қурилиши амалга оширилган ва бу жараёнларнинг жадаллашуви унга республика пойтахти мақомининг берилиши билан боғлиқ бўлган.

Уруш йилларида республика пойтахти ва унинг қолган ҳудудларида фаолият юритувчи барча хўжаликлар фронт эҳтиёжлари учун хизмат қилишга мослаштирилиб, аҳолининг турмуш тарзи ҳам шунга мос равишда ўзгартирилган. Тошкентдаги **саноат** корхоналарининг катта қисми ҳарбий қуруллар ишлаб чиқариш, ҳарбий техникани таъмирлаш ишларини амалга оширган бўлса, кўплаб тиббий, ижтимоий ва маърифий муассасалар ярадор аскарларга ёрдам бериб, уларни даволаш, эвакуация қилинган аҳолига бошпана бериш, урушда қатнашаётган аскарлар учун кийим-кечак ва озиқ-овқат захираларини тайёрлаш ишларида фаол қатнашган бўлса, илмий ва маданий муассасалар мамлакатнинг урушда ғалаба қозониши учун зарур бўлган тadbирларни амалга оширган. Ушбу даврда Тошкент Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик саноат маркази саналган. Саноат соҳасида 95 минг киши банд бўлган, улардан 2/3 қисми оғир саноатда фаолият юритиб, ушбу тармоқнинг ялпи маҳсулоти 1 млрд. рублни, асосий ишлаб чиқариш фондлари 800 млн. рублни ташкил қилган. Ишлаб чиқаришда артеллар кўринишидаги корхоналар ҳам бўлган. Шунингдек, маҳаллий саноат ҳамда саноат кооперация турлари ҳам ривожланган. Саноатда етакчи ўринни машинасозлик, енгил ва тўқимачилик саноати эгаллаган.

Архив ҳужжатларида берилган маълумотларга кўра, шаҳар саноатида урушгача бўлган даврга нисбатан анча ўсиш кузатилади. Ундаги банд

ишчилар сони ҳам ортган. 1961–1965 йилларда саноатнинг ўсиш суръати 153,4% га тенг бўлиб, йиллик ўсиш суръати 8,9% ни ташкил қилган⁸.

Таъкидлаш жоизки, мазкур даврда шаҳар ҳудуди **саноат районларига** махсус бўлинган ва улар қуйидагича номланган: 1. Шимолий. 2. Шимоли-шарқий. 3. Шарқий. 4. Оржоникидзе. 5. Вокзалорти. 6. Жанубий. 7. Жануби-ғарбий. Фақат Тошкентнинг Марказий райони саноат районлари қаторига кирмаган.

8 йил давомида саноат районларида қурилишлар олиб борилиб, турли объектлар жойлаштирилган, шу боис урушдан кейинги даврга келиб қуйидагилар аниқ бўлган⁹: «а) Шимолий саноат районида, асосан, янги саноат объектилари учун жой қолмаган, бироқ автомобиль заводи учун йирик ҳудуд ажратилган, шаҳар ортида бу районга яқин ерда Инструментал заводи мавжуд; б) Шимоли-шарқий саноат райони ҳам, асосан, ўзлаштирилган, шунингдек, бу ерда янги — Кабель ва Вторчермет заводлари жойлашган; в) Шарқий саноат райони, асосан, ўзлаштириб бўлинган, Авиа завод ҳарбий аэродром ҳудуди ёнида жойлашган (аэродромни бошқа ерга кўчириш лозим), бу районда ҳам йирик саноат объектилари жойлашувининг иложи йўқ; г) Жанубий саноат районидаги Ш. Руставели кўчасида жойлашган Тўқимачилик комбинатининг Тара цехи Россельмашга берилган ва унинг фаолияти тўқимачилик машинасозлигига мослаштирилган, бу эса яқин ҳудудлардаги аҳоли турар жойларининг санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шарқий темир йўл тармоғининг қурилиши муносабати билан жанубий саноат районини қайта режалаштириш лозим, бунда саноат омборхоналари қурилишига эътибор қаратилиши керак; д) Оржоникидзе саноат райони Бош режада озиқ-овқат саноати учун мўлжалланган, бироқ у шаҳардан узоқроқда бўлгани сабабли ҳозирги даврда саноат объектиларига эга эмас; е) Жануби-ғарбий саноат районининг рельефи паст-баланд бўлгани учун Бош режага мувофиқ санитария жиҳатдан зарарли саноатга ажратилган, гишт заводлари қурилиши учун ер юзаси текисланиши режалаштирилган, бироқ бу ишлар ҳозирча амалга оширилмаган, мазкур ҳудуднинг темир йўли ортидаги Қорасув бўйидаги қисми, ер ости сувлари баландроқ ўрнашгани туфайли ҳали ўзлаштирилмаган».

Уруш йиллари даврида шаҳар саноати кўпроқ Шимоли-шарқий, Шарқий, Вокзалорти, Жанубий саноат районларида ривожланган. Са-

⁸ Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-7 жамғармаси. 3-рўйхат, 23-йиғмажилд, 2-варақ.

⁹ Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-23 жамғармаси. 1-рўйхат, 64-йиғмажилд, 50–67-варақлар.

ноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидан кўчириб келтирилган саноат объектлари ҳам таъсир кўрсатган. Бироқ ушбу қурилишлар шаҳар Бош режаси билан мувофиқ ҳолда олиб борилмагани туфайли уларнинг аксарияти мўлжалга кўра жойлашмаган.

Кейинги ўн беш йил мобайнида ҳам саноат объектлари номлари сони кўпайиши кузатилади. Ушбу ҳолат саноатлаштириш сиёсатининг давом этиши билан боғлиқ. Хусусан, манбаларда 1950 йилларнинг охирида Тошкентда 230 та саноат корхонаси фаолият юритгани тўғрисида маълумотлар учрайди¹⁰ (айрим тадқиқотларда эса уларнинг сони 300 тани ташкил қилиши ва бу саноат корхоналари республика саноат маҳсулотининг деярли учдан бир қисмини ишлаб чиқаргани тўғрисида маълумотлар келтирилса, яна бошқаларида йирик саноат объекларининг сони 150 тадан зиёдлиги қайд этилган¹¹).

1941–1965 йиллар даврида Тошкентдаги ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа турдаги ташкилот, муассасаларнинг номлари ушбу даврда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (Қоғоз фабрикаси, Чарм маҳсулотларини қайта ишлаш заводи — завод Кожсырьёобработки, Парашют-десант мулки комбинати), фаолият йўналиши, корхона тури («Недра Средней Азии (Ўрта Осиё ер ости бойликлари) заводи», «Электрик» артели, «Водоканал» трести), корхона тартиб рақами ва фаолияти (2-сонли пойабзал фабрикаси, 633-а заводи), ҳудудий ёки бошқа турдаги тегишлилиги («Бўрижар ГЭС», Саноатқурилишматериаллари министрлигининг 1-сонли тажриба заводи), таниқли шахс исми (Горький номидаги тикув фабрикаси, Чкалов номидаги металл буюмлар заводи), тарихий воқеа («Коммунар» заводи) билан боғлиқ ҳолда аталган.

Уруш йилларида кечган оғир иқтисодий шароит шаҳар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган. Республикада етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисми фронт эҳтиёжлари учун жўнатилгани, уруш шароитида республикада савдо учун айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш камайгани ёки умуман тўхтаб қолгани сабабли, Тошкентда озиқ-овқат *савдоси* ва умумий овқатланиш муассасалари фаолияти сустлашган, шаҳарда олиб борилувчи савдо ва, айниқса, чакана савдо ҳажми камайган. Буни қуйидаги рақамларда ҳам кузатиш мумкин (1-жадвал)¹²:

¹⁰ Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-7 жамғармаси. 2-рўйхат. 142-йиғмажилд, 2-варақ.

¹¹ Ташкент / Соколов Ю. А., Зайко Г. И., Гуламов Г. ва б. Ташкент, 1957. 56-бет; Ташкент. Научные труды ТашГУ. Вып. 226. Ташкент, 1964. 95–96-бетлар.

¹² Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-7 жамғармаси, 2-рўйхат, 68-йиғмажилд, 11-варақ.

1-жадвал

№	Муассасалар тури	1941 йилда	1947 йилда
1.	Умумий овқатланиш тармоғи муассасалари сони	1939 та	565 та
2.	Чакана савдо тармоғига қарашли муассасалар сони	1898 та	2670 та
3.	Чакана савдо айланмаси	1234,4 млн. рубл	1081 млн. рубл
4.	Умумий овқатланиш муассасаларида пул айланиши	154,9 млн. рубл	151,1 млн. рубл
5.	Жами чакана товар айланиши	1387,3 млн. рубл	1232,3 млн. рубл

Мазкур даврда савдо ишлари назорати Савдо министрлиги тасарруфида бўлиб, барча савдо муассасалари унинг кўрсатмаларига амал қилган.

Ушбу савдо муассасалари тасарруфида уларга бўйсунувчи бир қанча объектлар, жумладан, дўкон, ошхона, кафе, ларёк, бозорчалар фаолият юритгани манбаларда қайд этилади.

1950 йилларда шаҳар ҳудудида янги районларнинг ташкил қилиниши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, шаҳар атрофи бўйлаб ўтган темир йўлнинг янги тармоқлари қурилиши, аҳолининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда савдо объектлари сони кўпайиб борган. Катта бозорлар сони 11 тага етган. Улар қуйидагича номланган: Молбозор, Октябрь бозори, Олой бозори, Московский бозори, Бешёғоч бозори, Госпитальный бозори, Паркент бозори, Фрунзенский бозори, Центральний (Марказий) бозори, Первомайский бозори, Киров бозори. Савдо муассасаларининг бошқа турлари ҳам кўпайган, хусусан, 1945 йилда шаҳарда фаолият юритувчи магазин ва расталар сони 421 та бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 962 тага етган, ларёк ва палаткалар сони 382 тадан 975 тага, кўчиб юрувчи савдо пунктлари сони 30 тадан 644 тага ошган. Магазинлар тармоғининг кенгайиши ушбу жадвал маълумотларида акс этган (2-жадвал)¹³:

¹³ Народное хозяйство города Ташкента. Статистический сборник. Ташкент: Госстатиздат, Узбекское отделение. 1961. 73-бет.

2-жадвал

Муассаса тури	1956 йил	1960 йил	1961 йил
Жами магазинлар, шу жумладан:	764	951	1048
Озиқ-овқат дўконлари	464	541	584
Улардан ихтисослаштирилганлари	119	143	171
Ноозиқ-овқат дўконлари	246	387	418
Улардан ихтисослаштирилганлари	157	234	257
Аралаш дўконлар	54	23	46

60-йиллар бошида фаолият юритган савдо муассасаларини 9 та турга ажратиш мумкин:

1) маълум турдаги озиқ-овқат сотиладиган махсус (126 та) ва аралаш турдаги магазинлар (375), жами — 501 та;

2) ноозиқ-овқат маҳсулотлари магазинлари 132 та;

3) ҳар турдаги маҳсулотлар сотувчи катта магазинлар — универмаглар 5 та;

4) воситачи дўконлар (олиб сотувчи) 8 та, комисион магазинлар 7 та, ўз-ўзига хизмат қилиш типидagi дўконлар 3 та, намуна бўйича ва товарларни кўргазма қилиб сотиш типидagi магазинлар 22 тани ташкил қилган бўлиб, жами ноозиқ-овқат дўконлар сони 467 та;

5) аралаш ҳисобланган магазинлар 79 та бўлган. Жами ушбу даврда 1047 та магазин фаолият юритгани архив манбаларида қайд этилади;

6) дўконлардан ташқари савдо палаткаларида ҳам турли маҳсулотлар сотилган бўлиб, уларнинг сони 1024 тага етган;

7) қурилиш материаллари ҳамда ёқилғи воситалари сотиладиган омборхона ва майдонлар 3 та бўлган;

8) шаҳар савдо муассасаларини товар билан таъминлаган муҳим савдо базаси 8 та;

9) катта савдо олиб бориладиган, аҳоли гавжум жойлар ҳисобланган бозорлар сони бу даврда 9 тага етган.

Манбаларга кўра, жами савдо муассасаларининг сони 2091 тани ташкил қилган¹⁴.

1950–60-йилларда фаолият юритган савдо объектларининг номлари эса, аксари ҳолларда, аввалги йиллардагига нисбатан мураккаб тузилишга эга бўлган. Ушбу ҳолат кенгайиб бораётган шаҳар ҳудуди-

¹⁴ Тошкент шаҳар давлат архиви. Ф-7 жамғармаси. 1-рўйхат. 191-йифмажилд, 15, 26-варақлар.

даги савдо муассасаларининг кўпайиши, уларнинг ихтисосларидаги фарқланишлар ҳамда сотиладиган маҳсулотлар тури хилма-хиллигининг ортиши билан бевосита боғлиқ бўлган. Савдо муассасалари билан боғлиқ топонимларда, асосан, объектнинг тартиб рақами, жойлашган райони, кўчаси, савдо муассасасида сотиладиган товарлар тури, объектнинг ихтисослашуви акс этган (Универмаг, Черданцев кўчасидаги 101-сонли нон маҳсулотлари дўкони, Октябрь бозоридаги 131-сонли нон маҳсулотлари дўкони, 1-сонли гастронам, 5-китоб дўкони, Ҳарбийлар дўкони, 23-сонли озиқ-овқат дўкони, 3-сонли галантерея дўкони, 18-сонли оптика магазини, Первомайский бозори).

Умуман олганда, II жаҳон уруши йиллари ва урушдан кейинги даврда Тошкент шаҳри ҳудуди тарихий топонимлари сони ортган ва бу ҳолат шаҳар ҳудудининг кенгайиши, аҳоли сонининг ўсиши ҳамда хўжалик тармоқларининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган. Шаҳардаги маъмурий бўлинмалар ва кўчалар, турли хўжалик иншоотларининг номлари, аксари ҳолларда совет, маъмурияти кўрсатмаларига биноан ҳукмрон мафкуравий қарашларга мос ҳолда шакллантирилган. Жой номлари шахс исмлари, давр мафкураси ва маданий-маънавий жиҳатлари, тарихий воқеалар, ҳудудий ва бошқа мансублик, хўжалик тури, корхона ихтисослиги, ишлаб чиқилган ва сотилган маҳсулот, тартиб рақами билан боғлиқ бўлган.

Х. БУРИЕВА

ОСОБЕННОСТИ ТОПОНИМИИ ТАШКЕНТА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ И В ПОСЛЕВОЕННЫЙ ПЕРИОД

Статья посвящена тематике историко-топонимического развития города Ташкента в советский период. Приведены сведения о количестве районов и улиц, объектов промышленности и торговли, находящихся на его территории в 1940–1960 гг. На основании смыслового анализа топонимов выполнена классификация их по топонимическим группам. Выявлены причины формирования различных топонимических групп в данный период.

Н. BURIYEVA

PECULIARITIES OF TOPONYMY OF TASHKENT DURING THE SECOND WORLD WAR AND POST-WAR PERIOD

This article is devoted to the topic of historical toponymy of Tashkent in the Soviet period. It provides with the information about the number of streets and districts, manufacturing and trade objects located in the territory of Tashkent in 1940–1960. As result of semantic analysis on toponymies, their classification was made by toponymic groups.

ТАРИХШУНОСЛИК

Т. НОРҚОБИЛОВ

СУРХОН ВОҲАСИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИНИ ДАВРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистонда деҳқончилик маданияти, илк шаҳарлар ҳамда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммосини янги талқин қилишда уларнинг хронологияси масалаларига аниқлик киришиш муҳим ўрин тутди. Ушбу масалаларни ўрганиш совет фанида XX асрнинг 2-ярмидан бошланди. Бу борада Ўзбекистон археологлари катта ишларни амалга ошириб, Ўрта Осиёда деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини аниқлашга киришдилар¹.

Дастлаб Ўрта Осиёда қадимги деҳқончилик маданияти ва унинг ривожланиш босқичлари Туркменистондаги археологик мажмуалар (Намозгоҳ IV, V, VI — бронза асри, Яз I, II, III — илк темир даври босқичлари) орқали ўрганилган².

Машҳур археолог В. М. Массон Намозгоҳ-депе манзилгоҳининг стратиграфияси асосида Намозгоҳ V нинг ёшини мил. ав. II мингйилликнинг биринчи ярми, Намозгоҳ VI қатламини эса мил. ав. II мингйилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмига оид деб кўрсатган³. Кейинроқ олим томонидан Намозгоҳ V босқичининг ёши мил. ав. 2000—1600 йиллар деб белгиланди⁴. Алтын-депеда олиб борилган кенг қамровли қозишмалар натижасида Намозгоҳ V нинг хронологиясини аниқлаш имконияти юзага келди. Унга кўра дастлаб Намозгоҳ V — мил. ав. 2100—1650 йиллар, яъни илк Намозгоҳ V — мил. ав. 2100—1850 йил-

¹ Аскарлов А. А. Сапалитепа. Ташкент: Фан, 1973. 172-бет.; Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент: Фан, 1977. 231-бет.; Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1993. 162-бет.; Аскарлов А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. Ташкент: Фан, 1979. 112-бет.

² Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. Л.: Наука. 1966. 151—178-бетлар; Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. М. 1959. № 73. 3—120-бетлар.

³ Массон В. М. Расписная керамика Южной Туркмении по раскопкам Б. А. Куфтина. Тр. ЮТАКЭ. Т. VII. Ашхабад, 1956. 326-бет.

⁴ Masson V. M., Sarlanidi V. I. Central Asia. Turkmenia before the Achaemenids London, 1972. B. 112.

лар, сўнгги Намозгоҳ V — мил. ав. 1850–1650 йиллар деб кўрсатилган бўлса⁵, кейинчалик бу хронологияга мил. ав. 2300–1850 йиллар деб аниқлик киритилди⁶.

В. М. Массон томонидан Яз археологик мажмуаси асосида Ўрта Осиёнинг сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг хронологик даври ишланган ва эталон ёдгорлик вазифасини бажарган. Унга кўра, Яз I даври — сўнгги бронза (мил. ав. 900–650 йиллар), Яз II (мил. ав. 650–450 йиллар) ва Яз III (мил. ав. 550–350 йиллар) босқичлари илк темир даври сифатида эътироф этилган⁷.

1968 йили Л. И. Альбаум томонидан Сурхондарё воҳасида мил. ав. II мингйилликка оид Сополлитепа⁸ ёдгорлигининг ўрганилиши бошланиши билан Ўзбекистонда деҳқончилик маданияти тарихига оид илмий қарашлар ва ёндашувлар тубдан ўзгарди.

Хусусан, А. А. Асқаров томонидан Сополли маданияти кулолчилик идишлари ўрганилганда, бошқа деҳқончилик марказлари бўлган Мурғоб воҳаси ёдгорликлари (Аучин-депе, Тоҳирбой 3), Жанубий Туркменистон тоғ олдиларидаги манзилгоҳлари (Алтын-депе, Намозгоҳ-депе, Улуг-депе ва бошқ.), Жанубий Афғонистон (Мундигак IV) дан топилган материаллар билан бир-бирига ўхшашлилиги аниқланган. Шундан сўнг Сополли маданияти сопол идишларидаги ўзига хослик Намозгоҳ маданияти сопол идишлари билан бир хил, деб хулоса чиқарилган⁹.

Алтын-депенинг Намозгоҳ V босқичига оид қатламларидан топилган бир қанча моддий ашёлар Сополли босқичи материаллари билан мос келса-да, худди шу вақтдаги Жарқўтондан топилган ашёлар Алтын-депеда учрамайди¹⁰.

Аучин-депе мажмуаси ҳам Сополли ва илк Намозгоҳ VI манзилгоҳлари билан тенг босқичли ёдгорлик сифатида мил. ав. 1700–1400 йиллар санаси билан белгиланган¹¹.

Сўнгги Жарқўтон материаллари Мўлали комплекси Мурғоб воҳасидаги Тоҳирбой 3, Жанубий Тожикистондаги Бешкент мадания-

⁵ Массон В. М. Раскопки на Алтын-депе. АО 1969 года. М., 1970. 418–419-бетлар.

⁶ Массон В. М. Алтын-депе. Л., 1981. 95-бет.

⁷ Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы... 39–48-бетлар.

⁸ Асқаров А. А. Поселение древних земледельцев на юге Узбекистана // ОНУ. Ташкент. 1971. № 8; Асқаров А. А. Сапаллитепа. Ташкент: Фан, 1973. 9-бет.

⁹ Асқаров А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент: Фан, 1977. 90-бет.

¹⁰ Асқаров А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы... 100-бет.

¹¹ Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы... 28-бет.

тининг илк Тулхар қабристон ва Вахш маданиятининг «Тигровая Балка» қабристон археологик мажмуалари ёдгорликлари материаллари билан солиштирилганда, уларнинг бир вақтда ривожланганлиги қайд қилинган. Бу ёдгорликларни Мўлали босқичи санаси, яъни мил. ав. 1350–1000 йиллар деб кўрсатилган¹².

Шундай қилиб А. А. Асқаров томонидан Сополли, Жарқўтон, Мўлали ёдгорликларининг ўрганилиши натижасида Жанубий Ўзбекистон бронза даври маданиятининг ривожланиши уч босқичга, яъни Сополли (мил. ав. 1700–1500 йиллар), Жарқўтон (мил. ав. 1500–1350 йиллар) ва мил. ав. 1350–1000 йилларни ўз ичига олган Мўлали босқичларига бўлинган¹³.

Жарқўтон босқичида қабристондан топилган археологик топилмалар таҳлили Сополлитепанинг юқори қатлами, Даштли 3, Мунди-гак IV, Аучин-депе, Хиссор III, Шох-тепа II ва Тюренг IIIс комплекслари билан бир вақтда ривожланганлигини кўрсатади. Радиокарбон* тадқиқотлар натижасида эса Жарқўтон манзилгоҳининг қуйи қатлами санаси мил. ав. 1650 йил эканлиги аниқланган. Шу асосда Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичининг хронологияси мил. ав. II минг йилликнинг учинчи чораги деб кўрсатилган¹⁴.

Кўзали босқичига келиб сопол идишларнинг шаклларида маълум ўзгаришларни кузатиш мумкин. Барча идишлар тез айланувчи кулолчилик чархида ясашиб, мустақкам қилиб пиширилган, нозик дид билан пропорционал шаклар бериш бошланган. Идишларнинг сирти ангоб* билан қопланган¹⁵.

Типологик солиштиришлар натижасида Кўзали босқичи Тоҳирбой 3 (Мурғоб воҳаси), илк Тулхар ва Тигровая балка (Жанубий Тожикистон) комплекслари билан синхрон тарзда ривожланганлигини кузатиш мумкин. Шу асосда унинг санаси мил. ав. II мингйилликнинг учинчи чораги охири — тўртинчи чораги бошлари деб белгиланган ва

¹² Асқаров А. А. Кўрсатилган асар. 105-бет.

¹³ Асқаров А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы... 90–105-бетлар.

* Радиокарбон — радиоуглерод усули, бу тирик организмлар қолдиқлари таркибида углероднинг (C-14) радиоактив изотопи миқдорини ўлчаш асосида унинг санасини аниқлаш.

¹⁴ Асқаров А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан. Ташкент: Фан, 1983. 39-бет.

* Ангоб — (франц. engobe) — керамика маҳсулотининг камчилигини яшириш ёки унга бирор-бир ранг бериш мақсадида ишлатиладиган оқ ёки рангли лой қоплами. Одатда, янги шакл берилган қуритилган ёки пиширилган керамика маҳсулотларини қайта пиширишдан олдин пуркаш ёки силлиқлаш усули билан ангоблаштирилади. Ангоб шаффоф сир, нақш ва ҳ.к.лар билан қопланиши мумкин.

¹⁵ Асқаров А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... 40-бет.

Сополли маданиятининг Кўзали босқичи хронологияси мил. ав. XIII — XII асрлар деб кўрсатилган¹⁶.

Мўлали босқичи Сополли маданиятининг сўнгги яқунловчи босқичи бўлиб, унинг санасини аниқлашда кулолчилик чархида ишланган сопол идишлар асосий бошланғич манба бўлиб хизмат қилган. Бундай турдаги сополлар Жанубий Тожикистон (Нурек, Тандирйўл, Заркамар қабристонлари)¹⁷ дан топилган сополлардан деярли фарқ қилмаган.

Мўлали босқичи сопол идишлари Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистондаги археологик ёдгорликлар сопол идишлари билан таққосланганда, хронологик жиҳатдан Бўстон 3, Мўлали, Нурек, Тандирйўл ва Заркамар қабристонлари билан замондош бўлиб, яъни мил. ав. XI—X асрлар деб қайд этилган¹⁸.

А. А. Асқаров ва Б. Н. Абдуллаевларнинг тадқиқотлари натижасида Сополли маданиятининг Мўлали даври — Кўзали (мил. ав. 1300—1200 йиллар) ва Мўлали (мил. ав. 1200—1000 йиллар) босқичларига бўлинган¹⁹.

А. С. Сагдуллаевнинг фикрига кўра, Сурхон воҳаси бронза асри маданиятини даврлаштиришда фақат Сополли ва Мўлали босқичларини археологик материаллар асосида бир-биридан аниқ ажратиш кўрсатиш мумкин, Сополли маданиятининг сўнгги босқичи эса мил. ав. 1300—1000 йилларга оиддир²⁰.

1969 йилдан бошлаб Шимолий Афғонистонда Даштли, Фарухобод, Давлатобод ва Нечкин каби бир қатор деҳқончилик воҳалари очилган бўлиб, бу ҳудудда 30 га яқин бронза асри ёдгорликлари аниқланган²¹. Хусусан, Даштли воҳасидаги археологик топилмалар Жанубий Бақтрия ёдгорликлари даврлаштирилиши учун асос бўлиб хизмат қилган ва улар мил. ав. II мингйилликка оиддир.

¹⁶ Асқаров А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... 42-бет.

¹⁷ Пьянкова А. Т. Могильник эпохи бронзы Тигровая Балка // СА. М. 1974. № 3. 542—543-бетлар; Литвинский Б. А., Антонова Е. В., Виноградова Н. М. Раскопки могильника Тандирйул // Археологические открытия 1975 г. М. 1976. 567—568-бетлар.

¹⁸ Асқаров А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... 44-бет.

¹⁹ Абдуллаев Б. Н. Новый памятник эпохи бронзы на юге Узбекистана // ИМКУ. Ташкент, 1977. Вып. 13. Ўша муаллиф. Классификация керамики раннего Джаркутана // ОНУ. Ташкент. 1978. № 4; Асқаров А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... 32—44-бет.

²⁰ Сагдуллаев А. С. К изучению поселения Муллали // Краеведение Сурхандарьи. Ташкент: Узбекистан, 1989. 14—15-бетлар.

²¹ Сарияниди В. И. Древние земледельцы Афганистана. М: Наука, 1977. 22—106-бетлар.

Сополли ва Жарқўтонда археологик қазилма ишларини олиб борган тадқиқотчи У. В. Раҳмонов XX асрнинг 80-йиллари охирида бу босқичларнинг сопол идишлари умумий археологик мажмуанинг илк ва сўнгги босқичига оид деган хулосага келган ва уларни қуйидагиларга ажратган:

1. Сополли босқичи — мил. ав. 1700—1500 йиллар ва Жарқўтон — мил. ав. 1500—1350 йиллар.

2. Кўзали босқичи — мил. ав. 1350—1200 йиллар.

3. Мўлали босқичи — мил. ав. 1200—1050 йиллар ва яна бир сўнгги босқич Бўстон — мил. ав. 1050—900 йилларга оид деб қайд этилган²².

Бу муаммони В. И. Ионесов умумлаштириб, Сополли маданиятининг босқичлари мил. ав. 1700—950 йиллар давомида ривожланганлигини таъкидлаб, унинг қуйидаги босқичларини ажратади:

1. Сополли босқичи — мил. ав. 1700—1650 йиллар.

2. Жарқўтон босқичи — мил. ав. 1650—1350 йиллар. Бу босқич икки даврга ажратилади: Жарқўтон I даври — мил. ав. 1650—1550 йиллар ва Жарқўтон II даври — мил. ав. 1550—1350 йиллар.

3. Кўзали босқичи — мил. ав. 1350—1200 йиллар.

4. Мўлали—Бўстон босқичи — мил. ав. 1200—950 йиллар. Бу босқич ҳам икки даврга ажратилади: Мўлали даври — мил. ав. 1200—1050 йиллар ва Бўстон даври — мил. ав. 1050—950 йиллар²³.

XX асрнинг охирларида Жарқўтон ёдгорлигининг учта: Жарқўтон, Кўзали ва Мўлали босқичлари археологик материаллари уларга мос равишда — синхрон ривожланган Жанубий Туркменистон, Афғонистон, Шимоли-шарқий Эрон, Покистон, Ҳиндистон ҳудудидаги ёдгорликлари материаллари билан таққосланиб, қуйидаги комплексларга бўлинди:

1. Жарқўтон I комплекси — мил. ав. II мингйилликнинг ўрталари ва учинчи чораги. Ўз навбатида, босқич 2 қисмга бўлинади: Жарқўтон Ia — мил. ав. XVI—XV асрлар, Жарқўтон Ib — мил. ав. XIV—XIII асрлар.

2. Жарқўтон II (Кўзали) комплекси — мил. ав. XIII—XII асрлар.

3. Жарқўтон III (Мўлали—Бўстон) комплекси — мил. ав. XII—X—IX асрлар²⁴.

²² Раҳмонов У. В. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана: Автореф. дисс... канд. истор. н. Самарканд: Институт археологии, 1987. 2—18-бетлар.

²³ Ионесов В. И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии: Автореф. дисс... канд. истор. наук. Самарканд: Институт археологии, 1990. 8—11-бетлар.

²⁴ Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1993. 84—92-бетлар.

Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасидаги археологик ёдгорликларни ўрганишга фарб олимларининг ҳам қизиқишлари ортди. Жумладан, Ф. Колл ва Ф. Хиберт Ўрта Осиё ёдгорликларидан олинган радиокарбон таҳлил натижаларини Қадимги Шарқ ёдгорликлари билан таққослаш асосида Сополли босқичини қадимийлаштиришни таклиф этдилар. Масалан, Ф. Колл Сополли босқичини мил. ав. 2190–1880 йилларгача, Ф. Хиберт эса мил. ав. 2277–1745 йилларгача қадимийлаштирдилар²⁵.

1994–2003 йиллар давомида Ш.Б. Шайдуллаев Ўзбекистон–Германия–Бақтрия экспедицияси билан биргаликда Жарқўтон ёдгорлигининг ёшини аниқлаш борасида 23 та радиокарбон таҳлилинини ўтказди. Жарқўтон даврига оид учта қурилиш даври қатламларидан олинган 15 та таҳлил мил. ав. 1950–1600 йилларни, Жарқўтоннинг 6-тепалигидан, Кўзали босқичига оид маданий қатламдан олинган учта таҳлил мил. ав. 1620 — 1510 йилларни кўрсатган²⁶.

Бундан ташқари, тадқиқотчи томонидан Жарқўтонда Мўлали ва Бўстон босқичлари ҳам бир қурилиш даври давомида фаолият этганлиги айтиб ўтилиб, мил. ав. 1300 йилгача давом этганлиги таъкидланган ва Сополли маданиятининг инқироз даврини ҳам шу давр билан белгилаш таклиф этилган²⁷.

Шунга кўра Ш. Б. Шайдуллаев томонидан Сополли маданияти хронологияси қуйидагича тасвирланган: Сополли босқичи — XXII аср ярми — XX асрлар, Жарқўтон босқичи — XIX–XVII асрлар, Кўзали босқичи — XVI аср, Мўлали босқичи — XV аср, Бўстон босқичи — XIV аср²⁸, яъни Сополли босқичининг санаси мил. ав. 2150–1900 йиллар ва сўнгги Бўстон босқичи эса мил. ав. 1400–1300 йиллар билан белгиланган.²⁹

Ўрта Осиё илк темир даври хронологиясини аниқлашда иккита йўналиш мавжуд бўлиб, бири унинг ёшини қадимийлаштириш, иккинчиси эса ёшартиришга қаратилган.

²⁵ Маълумотлар қуйидагидан олинди: Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида): Тар. фан. докт. дисс... автореф. Самарқанд: ЎзРФА Археология институти, 2009. 70-бет.

²⁶ Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида): Тар. фан. докт. дисс... автореф. Самарқанд: ЎзРФА Археология институти, 2009. 79-бет.

²⁷ Шайдуллаев Ш. Б. Кўрсатилган асар. 16-бет.

²⁸ Шайдуллаев Ш. Б. Кўрсатилган асар. 19-бет.

²⁹ Асқаров А. А., Шайдуллаев Ш. Б. Бақтриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари хронологияси // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. Тошкент, 2005. 36–47-бетлар.

Илк темир даври манзилгоҳларининг стратиграфиясини ўрганиш ва уларнинг амал қилган даврини аниқлаш нуқтаи назаридан Жанубий Ўзбекистондаги иккита ёдгорлик — Қизилтепа ва Кучуктепада қазилмалар олиб бориш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга эди.

Кучуктепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида А. А. Асқаров ва Л. И. Альбаум томонидан бешта қурилиш даври кузатишган³⁰.

Кучуктепа шкаласи: Кучук I — мил. ав. X—VIII асрнинг биринчи ярми; Кучук II — мил. ав. VIII асрнинг иккинчи ярми — VII аср; Кучук III — мил. ав. VII асрнинг охири — VI аср, Кучук IV — мил. ав. VI асрнинг охири — V аср³¹.

Қизилтепа шкаласи: Қизил I — мил. ав. 1000—700 йиллар; Қизил II — мил. ав. 700—550 йиллар; Қизил III — мил. ав. 550—400 йиллар³².

Археолог олим Г. А. Кошеленконинг фикрича, иккала шкала Яздепе стратиграфик далилларида узоклашади³³.

А. С. Сагдуллаев, А. А. Асқаров, Л. И. Альбаумлар ўз ўрнида Кучук I ва Қизил I манзилгоҳларини Яз I мажмуасига қиёслаш билан биргаликда камида юз йилга қадимийлаштирганлар. Г. А. Кошеленко эса уларни қиёслаш орқали Кучук I ва Қизил I аслида Яз I мажмуасининг сўнгги даврига мос келишини кўрсатади, деган хулосани чиқарган³⁴.

А. А. Асқаров, Л. И. Альбаумлар Кучуктепанинг қуйи қатлами сополлар комплекси кўриниши жиҳатдан Фарғона водийсининг Чуст маданияти, Жанубий Туркменистон тоғ олдидаги Анов IVA, Мурғоб воҳасидаги Яз I ва Шимолий Афғонистондаги Тиллатепадан топилган қўлда ишланган сополларга ўхшашлигини таъкидлайдилар ва уларнинг даврларини таққослайдилар³⁵.

Чуст маданияти ёдгорликлари очилганда дастлаб М. Э. Воронец унинг санасини мил. ав. III—II мингйиллик деб таъкидлаган³⁶. Кейин-

³⁰ Асқаров А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. Ташкент: Фан, 1979, 18—30-бетлар.

³¹ Асқаров А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа... 48—67-бетлар.

³² Сагдуллаев А. С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа: Автореф. дисс... канд. истор. наук. Л.: ЛОИА АН СССР, 1978. 12—13-бетлар.

³³ Кошеленко Г. А. Северная Бактрия // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М.: Наука, 1985. 187-бет.

³⁴ Кошеленко Г. А. Северная Бактрия... 187-бет.

³⁵ Асқаров А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа... 48—67-бетлар.

³⁶ Воронец М. Э. Археологические исследования Института истории и археологии и Музея истории Академии наук Уз ССР на территории Ферганы в 1950—1951 годах // Тр. Института ИА АН УЗССР. Вып. 2. Ташкент, 1954. 57-бет.

чалик Ю. А. Заднепровский Далварзинтепада олиб борган тадқиқотлари натижасида мил. ав. II—I мингйиллик деб кўрсатди³⁷. Шунга кўра, Чуст маданиятининг ёши мил. ав. XI—VII асрларга оиддир³⁸.

Яздепе маданияти В. М. Массон томонидан очилган бўлиб, уч босқичга бўлинади. Яз I даври — сўнгги бронза (мил. ав. 900—650 йиллар), Яз II (мил. ав. 650—450 йиллар) ва Яз III (мил. ав. 550—350 йиллар) босқичлари илк темир даврига оид³⁹.

Яна бир шу даврга оид ёдгорлик бу Шимолий Афғонистондаги Тиллатепа манзилгоҳи бўлиб, В. И. Сарияниди томонидан тадқиқотлар олиб борилган⁴⁰. Тадқиқотчи томонидан ёдгорлик учта хронологик даврга: Тиллатепа I (сўнгги бронза даври, мил. ав. 1300—1000 йиллар), Тиллатепа II (илк темир даври, мил. ав. 100—600 йиллар) ва Тиллатепа III (илк темир даври, мил. ав. 600—500 йиллар) га бўлинган⁴¹.

Ўз ўрнида А. А. Асқаров, Л. И. Альбаумлар В. И. Сариянидининг Тилла I босқичини сунъий равишда қадимийлаштирганлигини айтиб ўтиб, мажмуа Кучук I даври билан тенгдош эканлигини таъкидлайдилар⁴². Дарҳақиқат В. И. Сариянидининг кейинги тадқиқотлари натижасида Тилла I нинг ёши мил. ав. 1000—800 йиллар деб белгиланди⁴³.

А. С. Сагдуллаев ўз тадқиқотларида Ўрта Осиёнинг жануби ва Шимолий Афғонистондаги археологик ёдгорликларнинг хронологиясини таққослайди. Унга кўра Яз I — мил. ав. 900—650 йиллар, Тилла I — мил. ав. 1000—800 йиллар, Тилла II — мил. ав. 800—600 йиллар, Кучук I — мил. ав. 1000—750 йиллар, Кучук II — мил. ав. 750—600 йиллар, Қизил I — мил. ав. 1000—700 йиллар, Бандихон I — мил. ав. 1050—700 йиллар ва Ерқўрғон I мил. ав. 800—600 йиллар деб кўрсатилган⁴⁴.

Т. Ш. Ширинов ва Ш. Б. Шайдуллаевлар тадқиқотида Кучуктепа материаллари асосида илк темир асри археологик мажмуаларининг хронологияси ва даврлаштириш муаммолари қайта кўриб чиқилган⁴⁵.

³⁷ Заднепровский Ю. А. Дальверзинское селище // КСИИМК, М., 1957. № 69. 56-бет.

³⁸ Асқаров А.А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа... 54-бет.

³⁹ Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы... 39—48-бетлар.

⁴⁰ Сарияниди В. И. Раскопки Тиллятепа в Северном Афганистане. М.: Наука, 1972.

⁴¹ Сарияниди В. И. Раскопки Тиллятепа... 24-бет.

⁴² Асқаров А.А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа... 56-бет.

⁴³ Сарияниди В. И. Древние земледельцы Афганистана... 110-бет.

⁴⁴ Сагдуллаев А. С. Некоторые аспекты проблемы происхождения среднеазиатских комплексов типа Яз I // СА. М., 1989. № 2. 62-бет.

⁴⁵ Ширинов Т. Ш., Шайдуллаев Ш. Б. К вопросу о хронологической периодизации Кучуктепа // ИМКУ. Ташкент, 1988. Вып. 22. 13—26-бетлар.

Унга кўра сополларнинг таққосланиши ва статистик таҳлили натижасида Кучук I даври икки даврга бўлинган. Биринчи босқич хронологияси — мил. ав. X асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярми, иккинчи босқич эса — мил. ав. IX асрнинг иккинчи ярми, Кучук II даври — мил. ав. VIII—VII асрнинг биринчи ярми, Кучук III даври — мил. ав. VII асрнинг иккинчи ярми — VI асрнинг биринчи ярми, Кучук IV даври — мил. ав. VI асрнинг иккинчи ярми — V аср деб кўрсатилган⁴⁶.

Кейинги йилларда Ш. Б. Шайдуллаев томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Кучуктепа хронологиясига бир қатор аниқликлар киритилди. Жумладан «Северная Бактрия в эпоху раннего железного века» номли монографиясида тадқиқотчи амалга оширилган қазишмалар натижасида топилган материалларни солиштириб қуйидаги хронологик санани кўрсатган: Кучук IA — мил. ав. X асрнинг охири ва IX аср, Кучук IB — мил. ав. IX аср охири — VIII аср, Кучук II — мил. ав. VIII аср охири — VII аср, Кучук III — мил. ав. VII аср охири — VI аср, Кучук IV — мил. ав. VI аср охири — V аср ва илк антик даврга ўтиш вақти — мил. ав. IV аср⁴⁷.

Ш. Б. Шайдуллаев тадқиқотларини давом эттириб Шимолий Бактриянинг илк темир даври маданиятлари ва уларнинг хронологик босқичларини қуйидагича кўрсатади: Кучуктепа маданияти (Кучук I — XIII—XI асрлар), Қадимги Бактрия маданияти (Кучук II — X асрдан VIII асрнинг ярмигача, Кучук III — VIII аср ярмидан VI аср ярмигача, Кучук IV — VI асрнинг иккинчи ярми — V аср), Илк антик даврига ўтиш IV асрнинг биринчи ярми⁴⁸.

Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасида илк темир даврига оид Бандихон 2, Жондавлаттепа ва Шўртепа ёдгорликларидаги тадқиқотларда Жондавлаттепада Кучук III (Қизил III) даврига оид сопол мажмуалари топиб текширилган⁴⁹. Шўртепанинг ўрганилиши натижаси-

⁴⁶ Широнов Т. Ш., Шайдуллаев Ш. Б. К вопросу о хронологической периодизации... 13–26-бетлар.

⁴⁷ Шайдуллаев Ш. Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000. 98–107-бетлар.

⁴⁸ Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши... 16-бет.

⁴⁹ Пидаев Ш. Р., Шайдуллаев Ш. Б. Хуфф Д., Шахнер А. Жондавлаттепа — қадимги Бактрия — Кушонлар шаҳри // Города Средней Азии на Великом шелковом пути. Самарканд: Институт археологии Ан РУз, 1994. 41-бет; Абдуллаев К., Станчо. Археологические работы на Джандавляттепа 2004–2005 гг. // Археологические исследования в Узбекистане. 2004–2005 гг. Ташкент: Фан, 2006. 12–13-бетлар.

да, унинг ўрнида мил. ав. VI–IV асрларга оид, Амударёнинг кечувида жойлашган қалъанинг ўрни топиб текширилган⁵⁰.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бронза даврида Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида Қадимги Шарқ вилоятларида шаклланган ўтроқ деҳқончилик негизида илк шаҳар маданияти тараққий этган.

Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келишини даврлаштириш ва хронологияси тўғрисидаги илмий қарашлар эволюцияси йиллар давомида ривожланиб ўзгариб келди. Тадқиқотчилар томонидан радиокарбон текшириш усуллари асосида хронологик жиҳатдан даврлаштиришга аниқликлар киритиб борилган.

Янги даврлаштириш асосида Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданияти мил. ав. III минг йиллик охири — II мингйиллик бошларида пайдо бўлган деб айтиш мумкин. Бронза асри маданиятининг ривожланиш даврлари археологик топилмалар асосида бир-биридан аниқ ажратиб кўрсатиб берилган. Фикримизча, турли даврлар саналарини аниқлаш пайтида тадқиқотчилар томонидан бу даврларнинг нисбий хронологияси аниқланган, холос. Чунки Сополли — Даштли маданиятининг ривожланишида бир даврнинг тугаши ва янги босқичнинг мутлақ санасини аниқлаш мураккаб вазифадир.

Илк темир даври ёдгорликларининг даврлаштирилиши ва хронологияси масалаларида ҳам айрим саволлар ўз ечимини топмаган. Бронза асридан темир даврига ўтиш босқичи илк темир даврининг бошланғич саналари бўлиб, бу борада баҳсли муаммолар мавжуд.

Т. НОРКОБИЛОВ

ЭВОЛЮЦИЯ НАУЧНЫХ ВЗГЛЯДОВ НА ПЕРИОДИЗАЦИЮ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ

В статье автором проанализированы научные взгляды на периодизацию и хронологию возникновения земледельческой культуры в Южном Узбекистане.

В результате изучения археологических памятников Сапалли, Джаркутан, Кучуктепа и Кызылтепа исследователями А. Аскарковым, Б. Абдуллаевым, У. Рахмоновым, В. Ионесовым, Л. И. Альбаум, А. Сагдуллаевым, Ш. Шайдуллаевым и др. развитие культуры эпохи бронзы и раннего железа в Южном Узбекистане были разделены на несколько этапов.

⁵⁰ Ртвеладзе Э. В. Древнебактрийская крепость Шортепа на Оксе // Археологические исследования в Узбекистане. 2000 г. Самарканд: Институт археологии АН РУз, 2001. 124–129-бетлар.

Динамика периодизации и хронологии оседлой земледельческой культуры эпох бронзы и раннего железа Южного Узбекистана постоянно менялась в результате проведенных последовательных исследований в конце XX — начале XXI в.

T. NORKOBILOV

THE EVOLUTION OF SCHOLARLY APPROACHES TO THE PERIODIZATION OF FARMING CULTURE IN SURKHAN OASIS

In this article, the author analyzed the scholarly approaches to periodization and chronology of agricultural development in southern Uzbekistan. As result of the study of archaeological monuments of Sapalli, Djarkutan and Kiziltepa undertaken by A. Askarov, B. Abdullayev, U. Rahmonov, V. Ionenesov, L. Albaum, A. Sagdullaev, Sh. Shaydullaev and others, the development of the Bronze Age and Early Iron Age cultures in southern Uzbekistan have been divided into several stages.

Dynamics of periodization and chronology of settled farming culture of the Bronze Age and Early Iron Age of southern Uzbekistan constantly changed as a result of successive studies in the late 20th century and the beginning of the 21st century.

Н. АБДУЛЛАЖАНОВА

П.Г. БУЛГАКОВНИНГ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Буюк мутафаккир ва олим Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий меросининг ўрганилиши ўз тарихига эга бўлиб, тарих фанининг берунийшунослик йўналишига айланди. XX асрда мазкур соҳанинг ривожланиши аллома фаолиятига доир кўплаб адабиётларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Ушбу асрнинг 70-йилларини берунийшуносликнинг авж нуқтаси дейиш мумкин. Сабаби 1973 йилда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллик юбилеи ЮНЕСКО бошчилигида жаҳон миқёсида кенг нишонланган. Шу муносабат билан алломанинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш жараёни янада фаоллашди. Улар орасида атоқли шарқшунос олим П. Г. Булгаковнинг «Берунийнинг ҳаёти ва асарлари» («Жизнь и труды Беруни»¹) китоби алоҳида ўринга эга. Умумий ҳажми 428 бетдан иборат бўлган ушбу китобни

¹ Булгаков П. Г. Жизнь и труды Беруни. (Великому хорезмскому ученому в связи с тысячелетием со дня рождения. 4 сентября 973 — 4 сентября 1973). Ташкент: Фан, 1972. 428 бет.

берунийшунослик соҳасида эришилган ютуқларнинг чўққиси деб ҳисоблаш лозим. Китоб муаллифи ўзининг кўплаб тадқиқотларида² Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодининг у ёки бу жиҳатларини ёритган бўлиб, мазкур китоб ана шу илмий изланишларнинг натижаси ва умумлашмасидир.

«Берунийнинг ҳаёти ва асарлари» китоби 15 бўлимдан иборат бўлиб, дастлабки бўлим «Маданий юксалиш даври» деб номланади. Унда муаллиф Шарқ Ренессанси даврига тарихий нуқтаи назардан баҳо берган. П. Г. Булгаков учун мазкур даврдаги Ўрта Осиё маданияти Уйғониш даврининг ажралмас қисмидир. У ўз фикрини Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Форобий, Ибн Сино, Абул Вафо Бужжоний, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Маҳмуд Хўжандий, Абу Абдуллоҳ ал-

² Булгаков П. Г. Фахриев секстант в «Геодезии» Беруни // Общественные науки в Узбекистане. 1963. № 6. 50–55-бетлар. Ўша муаллиф. Глобус Беруни // Общественные науки в Узбекистане. 1965. № 1. 39–44-бетлар. Ўша муаллиф. К биографии Бируни. // Народы Азии и Африки. 1966. № 4. 195–200-бетлар. Ўша муаллиф. Беруни и его «Геодезия». / В кн.: Аль-Бируни Абу-Рейхан Мухаммед ибн Ахмед. Избранные произведения. Т. 3. Геодезия. Ташкент: издательство АН УзССР, 1966. 7–78-бетлар. Ўша муаллиф. Неизвестные страницы жизни Беруни / Юбилейная научная сессия АН Уз ССР, посвященная 50-летию советской власти. Тезисы докладов. Ташкент: Фан, 1968. 131–132-бетлар. Ўша муаллиф. Беруни и его место в истории науки Средней Азии. / В кн.: XXIV съезд КПСС и задачи развития общественных наук. Ташкент: Фан, 1972. 469–476-бетлар. Ўша муаллиф. Гуманитарное наследие Беруни / Беруни и гуманитарные науки. Сборник статей. Ташкент: Фан УзССР, 1972. 35–46-бетлар. Ўша муаллиф. «Геодезия» Беруни как историко-астрономический памятник / Историко-астрономические исследования. Выпуск XI. Москва, 1972. 181–190-бетлар. Ўша муаллиф. Ранний трактат Беруни о секстанте Фахри / Историко-астрономические исследования. Выпуск XI. Москва, 1972. 211–219-бетлар. Ўша муаллиф. Школа Улугбека и Беруни. / В кн.: Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент: Фан, 1972. 57–60-бетлар. Ўша муаллиф. Абу Райҳон Беруний. Ташкент, 1973. 52-бет. Ўша муаллиф. Естественно-научное наследие Беруни // Общественные науки в Узбекистане. 1973. № 7–8. 27–34-бетлар. Ўша муаллиф. Жизненный путь и труды Беруни / Вестник АН СССР. Москва, 1973. № 10. 111–120-бетлар. Ўша муаллиф. О двух фрагментах из «Канона Масуда» Беруни / Беруни. Сборник статей к 1000-летию со дня рождения. Ответственный редактор А. К. Арэндс. Ташкент: Фан, 1973. 60–72-бетлар. Ўша муаллиф. Абу Райхан Беруни: киносценарий. (П. Булгаков., Ш. Аббасов). Вступительная статья А. Липкова. Москва: Искусство, 1976. 119-бет. Ўша муаллиф. Значение сведений Беруни для изучения деятельности Ибн Сино // Общественные науки в Узбекистане. 1980. № 8–9. 72–77-бетлар. Ўша муаллиф. К истории среднеазиатской средневековой астрономии // Общественные науки в Узбекистане. 1980. № 10. 54–56-бетлар. Ўша муаллиф. Розенфельд Б. А. Предисловие. / В кн.: Аль-Бируни Абу-Рейхан Мухаммед ибн Ахмед. Избранные произведения. Т. 7. Математические и астрономические трактаты. Ташкент: Фан, 1987. 7–24-бетлар. Ўша муаллиф. Сведения Абу Райхана Беруни о Хорезме // Общественные науки в Узбекистане. 1992. № 11–12. 39–47-бетлар.

Хоразмий каби ушбу давр илм-фани намояндалари мисолида асослаб берган. Китобнинг қолган бўлимлари Абу Райҳон Берунийнинг болалик давридан бошлаб вафотига қадар бўлган даврининг тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган батафсил баёнига бағишланган.

«Берунийнинг ҳаёти ва асарлари» китобида алломанинг ҳаёт йўли алоҳида босқичларда кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида яратилган асарлар номи, улар мавзуининг қисқача таҳлили берилган, шоҳ асарлари учун эса алоҳида бўлимлар ажратилган: «Ўтмиш авлодларга ёдгорлик» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари ҳақида 95–119-бетлар), «Фан ҳомийсининг маслағи» («Геодезия» ҳақида 161–188-бетлар), «Indica» («Ҳиндистон» ҳақида 189–235-бетлар), «Буюк ишларнинг чўққиси» («Қонуни Масъудий» ҳақида 236–279-бетлар), «Қимматбаҳо тошлар ҳақидаги китобларнинг жавоҳири» («Минералогия» ҳақида 314–335-бетлар), «Сўнгги жасорат» («Сайдана» ҳақида 336–351-бетлар). Мазкур бўлимларда асарнинг мазмуни, асосий эришилган ютуқлари алоҳида мисоллар билан кўрсатилган. Масалан, «Геодезия» ҳақида фикр юритар экан, П. Г. Булгаков Берунийни Шарқ мусулмон астрономлари орасида турар жой манзилларининг географик узунлигини аниқлаш методини батафсил ишлаб чиққан ягона олим эканлигини қайд этган. Тадқиқотчи аллома асарларининг фан тарихидаги ўрнини аниқ мисоллар билан кўрсатиб бера олган. Жумладан, этнографияда қиёсий методдан фойдаланганлиги, Беруний фойдаланган манбаларнинг аслиги ва бошқа асарларда учрамадлиги, унинг биринчи ҳиндшунос эканлиги, биринчи бўлиб тригонометрик жадвалларнинг квадрат интерполяциясини ишлаб чиқиши кабилар келтирилган. Муаллиф ҳар бир бўлимда аллома ҳаётининг ҳар бир босқичини сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт билан ҳамоҳангликда баён қилади. Бу эса ўқувчиларга мантиқийлик ва тарихийлик тамойиллари доирасида фикрлаш имконини беради.

П. Г. Булгаков Берунийнинг ҳаёти ва ижодига доир манбаларни таснифлар экан, бу борада алломанинг асарлари биринчи ўринда туришини қайд этган (25-бет). Улар орасида Беруний томонидан 1036 йилда тузилган Абу Бакр ар-Розий (925 йилда вафот этган) асарларига библиографик кўрсаткич — фехрист³ алоҳида ўрин эгаллайди. Са-

³ Фехристнинг ўзбек тилидаги нашри ҳақида қаранг. Носиров А. Беруний асарларининг рўйхати (фехристи) / Беруний – ўрта асрнинг буюк олими. (Беруний вафотининг 900 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами.). Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1950. 144–155-бетлар.

баби ҳозирга қадар ягона қўлёзма шаклида етиб келган ва Лейден шаҳрида сақланувчи ушбу манбанинг сўнггида Берунийнинг ўз асарларига ўзи тузган библиографияси ўрин олган. Айнан шу қўлёзма туфайли алломанинг ҳаёт йўлини ўрганиш бошланган, дейиш мумкин. Чунки дунёда биринчи берунийшунос деб ҳисобланувчи Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ғазанфар ат-Табризий (1233–1293) мазкур қўлёзмани ўрганиб унга илова тарзда Берунийнинг 1036 йилдан кейин ёзилган асарлари рўйхатини ҳам қўшган. Шунингдек, ат-Табризий биринчи бўлиб Абу Райҳон Берунийнинг таваллуд топган ва вафот этган санасини аниқлаштирган тадқиқотчидир. П. Г. Булгаковнинг китобида бу ҳақда тўлиқ маълумот келтирилган бўлиб, муаллиф ҳам унинг хулосаларига қўшилган, яъни Абу Райҳон Беруний таваллуд топган сана — ҳижрий 362 йил 3-зулҳижжа (973 йил 4 сентябрь), вафот этган санаси эса — ҳижрий 440 йил 2-ражаб (1048 йил 12 декабрь).

«Берунийнинг ҳаёти ва асарлари» китобида кўриб чиқилган кейинги масала алломанинг ижтимоий келиб чиқишига оид фикрлар таҳлилидир. Бунда муаллиф XII аср тарихчиси ас-Самъоний ва XX асрнинг йирик тадқиқотчиси И. Ю. Крачковскийнинг маълумотларини таҳлил қилган. Унинг ёзишича, Берунийнинг ижтимоий келиб чиқишига доир ҳар иккала тадқиқотчининг мулоҳазаси ҳам тўлиқ асосга эга бўлмай, уларни фақат илмий фаразлар деб ҳисоблаш лозим (27-бет). П. Г. Булгаковнинг ўзи ҳам бу ҳақда аниқ фикр айтмаган, бунинг сабаби илмий асослар етарли эмаслигида деб ҳисоблайди. Шунинг учун китобда Берунийнинг ёшлик даврига оид бўлимда асосий эътибор у амалга оширган дастлабки мустақил илмий тадқиқотига қаратилган.

П. Г. Булгаков томонидан «Геодезия» асарининг тўлиқ арабча танқидий матни 1962 йилда Қоҳирада нашр этилгунга қадар берунийшуносликда Абу Райҳон Берунийнинг дастлабки олиб борган мустақил астрономик кузатишлари 21 ёшдан бошланган деган фикр ҳукм сурар эди. «Геодезия» асарининг матнини синчиклаб ўрганган П. Г. Булгаков асарда Берунийнинг автобиографик мазмундаги парчаларини таҳлил қилгач, унинг дастлабки астрономик кузатувлари 16 ёшдан ўтганда, аниқроғи, 990 йилда амалга оширилган, деган хулосага келган (28-бет). Шу тариқа Берунийнинг таржимаи ҳолидаги муҳим давр аниқлаштирилган.

П. Г. Булгаковнинг кейинги фикрлари Берунийнинг 995–1010 йиллар оралиғида кечган ҳаёт йўлини аниқлаштиришга оиддир. Бу

борада муаллиф ўша пайтга қадар мавжуд бўлган И. Ю. Крачковский, А. Ю. Якубовский, С. П. Толстов, А. М. Белиницкийларнинг қарашларига танқидий ёндашиб, якуний хулоса берган. Шу билан бирга, фикрлар хилма-хиллигининг сабаби аллома асарларининг таржималари билан боғлиқлигини мисоллар билан кўрсатиб берган. Масалан, китобда Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг форс тилидаги манба — «Номаи донишварон»дан олинган парчаларининг А. А. Семенов амалга оширган таржимаси билан араб тилидаги манбадан А. М. Салье амалга оширган рус тилидаги таржималарининг кичик бир қисми қиёсий таҳлил қилинган. Муаллифнинг хулосаларига кўра, А. М. Сальенинг таржимаси аниқ ва тўлиқ бўлиб, форс тилидаги манба асосида амалга оширилган таржиманинг ноаниқ қисмлари алломанинг таржимаи ҳолига доир янглиш фикрлар юзага келишига сабаб бўлган. Натижага кўра, 995 йилда Беруний сиёсий сабаблар туфайли Кот шаҳридан Райга, ундан сўнг Журжонга кетган (аввалги фикрларга кўра, Журжондан Райга кетган эди). П. Г. Булгаковнинг биз фикр юритаётган китобида бу ҳақда батафсил маълумотлар берилган.

Китобнинг тўртинчи бўлими аллома «ҳаётининг номаълум саҳифалари», яъни 995–998 йилларига бағишланган. П. Г. Булгаковнинг «Геодезия» асари устида олиб борган узоқ йиллик илмий изланишлари бу борада катта ёрдам берган. Тадқиқот натижаларига кўра, 995 йилдан бошланган Берунийнинг ўз ватанидан кетиши 1010 йилда эмас, 1004 йилнинг охирида ниҳоясига етган. Мазкур эмиграция даври ҳам муаллиф томонидан қуйидаги икки босқичга бўлинган: 1) 995–997 йиллар — Рай даври; 2) 998 йилнинг охири — 999 йилнинг бошларидан 1003 йилнинг охири — 1004 йилнинг бошларигача — Журжон даври. 997–998 йилларда эса Беруний Кот шаҳрида яшаган (59-бет). Айни шу йилларда у машҳур математик Абул Вафо Бузжоний ва яна бир қомусий олим Абу Али ибн Сино билан ёзишмалар олиб борган. Берунийнинг Журжондан Хоразмга қайтиши санаси хусусида ўша пайтга қадар тадқиқотчиларда турлича фикрлар мавжуд эди. П. Г. Булгаков бу борадаги Э. Захау, Р. Райт, Д. Буало, К. Брокельман, М. Краузе, С. П. Толстов, Б. А. Розенфельд каби олимларнинг хулосаларини тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб, «Қонуни Масъудий» асаридан олинган айрим парчаларини танқидий таҳлил қилиб ўзининг якуний хулосасини берган: Абу Райҳон Берунийнинг Журжондан Хоразмга, аниқроғи Урганч шаҳрига қайтиши 1003 йилнинг охири — 1004 йилнинг бошларида рўй берган.

Китобда алломанинг сиёсий фаолиятига доир маълумотлар ҳам манбаларга асосланган ҳолда берилган (122–126-бетлар). Шу билан бирга, унинг шахсий фазилатлари ҳам баён қилинган. П. Г. Булгаков Берунийнинг олим сифатидаги фаолиятини Абу Бакр ар-Розий шахси билан солиштириш асносида баҳолаган ва уларнинг умумий жиҳатларини қуйидагича таърифлаган: ҳар иккала аллома ҳам натурфалсафа тарафдори бўлганлар ва антик фалсафий меросни ривожлантирганлар, улар учун догматизм билан курашга йўналтирилган рационализм хос бўлган, эскиликка янгича қараш ҳар иккала олим фалсафий қарашларининг умумий томонидир. Розий ҳам, Беруний ҳам инсон тафаккури дунёнинг ривожланиш қонунларини тажриба орқали бишлишининг чексиз имкониятларига ишонганлар. Динга муносабат борасида ҳам уларнинг фикрлари умумий бўлган (285–288-бетлар). Шунингдек, китобда муаллиф Абу Райҳон Берунийнинг илмий услубини аниқ ва лўнда қилиб қуйидагича ифодалаган: «ўткир танқидчилик, анъаналарга амалий тажриба натижаларини қарама-қарши қўйиш, хулосаларни далиллаш, талабчанлик билан ўз-ўзини текшириб бориш, аниқ тажрибаларнинг натижаларини синтезлаш асосида умумий хулосалар ва қоидалар ишлаб чиқиш, фан масалаларини ҳал қилишда дин талабларидан мустақил бўлиш» (69-бет).

«Берунийнинг ҳаёти ва асарлари» китобида П. Г. Булгаков алломанинг фехристи ва унга қўшимчалардан келиб чиқиб у қолдирган илмий мерос ҳажми ўн минг қўлёзма варақдан иборат бўлиши мумкинлигини баён қилган. Агар ушбу ҳажмни замонавий нашрлар билан таққосласак, ҳар бири камида 35 босма табоқли 40 жилд китоб ҳосил бўлган бўлар эди (289-бет). Шундан сўнг П. Г. Булгаков 115 та асар номини ўз ичига олган фехристни биринчи марта таркибий жиҳатдан таҳлил қилган ва қуйидаги хулосага келган: асарларни мавзу жиҳатдан қуйидагича таснифлаш лозим:

1. Сферик астрономия ва зижларга оид асарлар 18 та.
2. Геодезия ва геодезик астрономияга оид асарлар 15 та.
3. Арифметикага оид асарлар 8 та.
4. Астрологик астрономияга оид асарлар 4 та.
5. Астролябия ва у билан ишлаш усуллари оид асарлар 5 та.
6. Вақтни аниқлаш масалалари оид асарлар 5 та.
7. Метеорит ва кометалар ҳақида асарлар 5 та.
8. Турли мавзуларга бағишланган асарлар 12 та.
9. Астрологияга оид асарлар 9 та.
10. Сатира ва афсоналар ҳақидаги асарлар 13 та.

11. Диний эътиқод билан боғлиқ асарлар 6 та.
12. Қоралама ҳолида қолиб кетган ва йўқолган асарлар 5 та.
13. Алоҳида қўшимчалар талаб қилинадиган ишлар 10 та.

Китобда ана шу таснифдан сўнг қизиқарли таҳлилга дуч келамиз. 1953 йилда хориж тадқиқотчиси Д. Буало фехрист, Ёкут Хамавий ва Ҳожи Халифа асарларидан фойдаланиб Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб асарлар рўйхатини тузиб чиққан эди. Мазкур рўйхатда аллома қаламига мансуб асарлар сони 180 та деб кўрсатилган. П. Г. Булгаков эса ўз китобида рўйхатни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиққан. Унинг фикрича, асарлар сони ошириб юборилган, сабаби Д. Буало асарлар рўйхатини тузганда, «Фехрист»да келтирилган айрим асарларни Берунийга тегишли эмас, балки унга атаб ёзилганлигини ҳисобга олмаган, шунингдек, баъзи асарларнинг манбаларда келтирилган турлича номларини алоҳида асарлар деб ҳисоблаган. П. Г. Булгаковнинг синчиклаб ўтказган таҳлили натижасига кўра, Беруний қаламига мансуб асарлар сони 146 та бўлиб, китоб сўнггида илова тарзда уларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган (420–424-бетлар)⁴.

«Берунийнинг ҳаёти ва асарлари» китобининг сўнгги бобида алломанинг ҳаёт йўлига умумий тавсиф берилган. Муаллиф баён қилинган барча маълумотлардан фойдаланиб уни қуйидаги босқичларга бўлган:

I босқич. 983–990 йиллар. Умумий таълим ва бошланғич махсус математик-астрономик билимлар олиш даври.

II босқич. 991–998 йиллар. Дастлабки мустақил илмий тадқиқотлар даври.

III босқич. 998 йиллар охири — 1004 йилнинг биринчи ярми. Журжон даври. Сермаҳсул илмий ишлар ва ижодий фаолият даври.

IV босқич. 1004–1017 йиллар. Урганч даври. Беруний илмий фаолиятини сиёсий ишлар билан бирга олиб борди.

V босқич. 1018–1029 йиллар. «Геодезия» — Фазна даври.

VI босқич. 1030–1037 йиллар. Саккиз йиллик кульминацион ижод даври.

VII босқич. 1038–1048 йиллар. Яқуний давр (352–355-бетлар).

⁴ Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар «Китоб нузҳат ан-нуфус ва-л-афкор фи хаввос ал-маволид ас-салоса-л-маботин ва-н-набот ва-л-аҳжор» («Уч гуруҳ табиий моддалар — маъданлар, ўсимликлар ва тошлар ҳақида дил ва фикрларга хурсандлик берувчи китоб») номли асар Беруний апокрифи эканлигини кўрсатди. Бу ҳақда қаранг. Каримов У.И., Каримова С.У. Беруний апокрифи // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996. № 4–5. 102–108-бетлар. Демак, асарлар сони 145 тани ташкил қилади.

Бунга қадар алломанинг умр йўли фақат умумий тарзда босқичларга бўлинган бўлиб, юқоридаги даврлаштириш П. Г. Булгаков томонидан илк маротаба амалга оширилган.

Шундан кейин китобда Берунийнинг фанлар ривожига қўшган ҳиссаси умумий тарзда кўриб чиқилган. Қайд этиш лозимки, П. Г. Булгаков алломанинг фалсафий қарашлари ва динга муносабатига баҳо берганда ўз даври талабларидан келиб чиқиб, объективликдан бир оз четга чиққан. Алломанинг фалсафий қарашларини материалистик нуқтаи назардан баҳолаган муаллиф Берунийни деист деб ҳисоблайди, унинг фикрларидан алломанинг илмий меросида материалистик қарашларни кучайтириб кўрсатишга интилишни кузатамиз. Динга муносабат борасида ҳам П. Г. Булгаков Беруний илмий меросини атеистик нуқтаи назардан баҳолаган, аммо, фикримизча, Берунийнинг диний бағрикенглиги ва дунёвий фанларга муносабатини ёддан чиқармаган ҳолда унинг мусулмон олим эканлигини эса сақлаш лозим.

Бўлимнинг сўнггида XIX аср охиридан 1973 йилга қадар бўлган даврда алломанинг ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи берилган. Китобни мутолаа қилиш асносида берунийшунослик билан шуғулланган хорижлик тадқиқотчилар, уларнинг ишлари билан танишиш имконига эга бўламиз, китоб библиографиясида уларнинг илмий тадқиқотлари учун алоҳида қисм ажратилган (404–410-бетлар).

Юқоридаги фикрларнинг барчаси китоб муаллифининг мукамал билим эгаси ва фидойи берунийшунос бўлганлигидан далолат беради. Китобда келтирилган фикрлар ва таҳлилларни берунийшунослик соҳасида ўша давргача амалга оширилган тадқиқотларнинг жамланмаси деб ҳисобласа бўлади. Фикримизча, уни ўзбек тилига таржима қилиш Абу Райҳон Беруний меросини ўрганишга янада яқинлашувга хизмат қилган бўларди. Китобнинг сўз бошисида таъкидланганидек, П. Г. Булгаковнинг китобни ёзишдан «асосий мақсади аллома Берунийнинг мумкин қадар тўлиқ қиёфасини ўқувчига равон тилда етказиш»⁵ бўлиб, у ўз мақсадига эришган, деб ҳисоблаш мумкин.

⁵ Булгаков П.Г. Жизнь и труды... 7-бет.

Н. АБДУЛЛАЖАНОВА

**ВКЛАД П. Г. БУЛГАКОВА В ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ**

В статье рассматривается общее содержание книги «Жизнь и труды Беруни» известного востоковеда П. Г. Булгакова. Эта книга является обобщающей литературой по изучению жизненного пути и научного наследия Абу Райхана Беруни. Автор статьи указывает роль П. Г. Булгакова в развитии беруниведения.

N. ABDULLAJANOVA

**THE CONTRIBUTION OF P. G. BULGAKOV TO STUDY OF LIFE
AND ACTIVITY OF ABU RAYKHAN BERUNI**

In article is considered general contents of book of P. G. Bulgakov «Life and works of Beruni». This book is a generalizing literature for studying of life and scientific heritage of Abu Raykhan Beruni. The author of article was marked role of P. G. Bulgakov for developing of «beruni-studying».

В. ХАН

**О ПРИНЦИПАХ КЛАССИФИКАЦИИ И СОСТОЯНИИ
ИСТОРИОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ
В КОРЕЕВЕДЧЕСКОЙ ДИАСПОРОЛОГИИ**

Историография как наука распадается на два вида знания, являющихся границами ее тематического поля. В первом виде она представлена как осмысление развития исторической науки (в виде внешнего объекта), или — изучения трудов, повествующих о тех или иных исторических событиях и процессах. В данном случае историография выступает как *история исторической науки*. Во втором виде историография рефлексивно обращена на саму себя, будучи уже не познанием внешних объектов, а самопознанием, когда предметом историографического анализа становится она сама — ее тематическое поле, язык, методы, уровни осмысления (описание, анализ) и эволюция. И здесь историография выходит на метатеоретический уровень, выступая как *историография историографии*¹. В настоящей статье мы будем использовать термин «историография» в этом, втором значении.

¹ Данное словосочетание используется в историографических исследованиях. При этом отмечается, что данное направление делает лишь первые шаги.

На метатеоретическом уровне, как и на первом уровне, одним из важнейших методологических вопросов историографии является проблема оснований, по которым ранжируются изучаемые исследования. В данной статье мы рассмотрим принципы классификации историографических трудов применительно к корееведческой диаспорологии (на материале литературы о корейцах Центральной Азии), а также состояние и эволюцию последней.

Принципы классификации

Классификацию имеющихся работ (статей, разделов диссертационных работ и монографий) по историографии корё сарам можно осуществить по различным основаниям: предметно-тематическому, территориально-региональному и хронологическому принципам.

Предметно-тематический принцип предполагает анализ историографических публикаций по определенным направлениям, таким как история, демография, брак, язык, обрядность, верования и т. д.

Классификация историографических публикаций о корейцах Центральной Азии по предметно-тематическому принципу в чистом виде не совсем оправдана. Дело в том, что большинство из них связано не столько с историографией определенных тем исследований, сколько с историографией изучения корё сарам *в целом*, даже если она имеет далекое отношение к непосредственной теме исследования. Есть некоторая «обойма» имен, которые все считают необходимым упомянуть, безотносительно к теме исследования. Это историк Ким Сын Хва, филолог О. Н. Ким, этнограф Р. Ш. Джарылгасинова, зарубежный ученый Ко Сонг Му и некоторые другие. Собственно же историографии изучаемого вопроса уделяется несколько строчек. Отчасти это связано с тем, что ряд тем по корееведческой тематике абсолютно не разработан или мало разработан, а отчасти с отсутствием скрупулезной проработки источников со стороны авторов. *Тематические* историографические наработки крайне редки. Кроме того, если брать предметно-тематический принцип в чистом виде, то снимается тема эволюционного рассмотрения историографии.

С точки зрения **регионально-территориального принципа** все историографические публикации можно разделить на те, что вышли в СССР, СНГ и зарубежных странах, и дать классификацию так, как это делается по отношению к литературе по корё сарам вообще — литература дореволюционная, советская/постсоветская и зарубежная².

² Ким Г. Н. Корё сарам: историография и библиография. Алматы, 2000. С. 11–46.

Экстраполируя данный принцип на историографическую литературу о центрально-азиатских корейцах, ее также можно разделить на советскую, постсоветскую и зарубежную, а затем в их рамках выделить региональные публикации.

В одном из интервью респондент старшего возраста (мужчина, 78 лет) при ответе на вопрос о том, хотел бы он сейчас приобрести традиционную корейскую одежду, ответил: «Нет, желания нет, потому что если я одену эту корейскую одежду и выйду туда (на улицу), на меня же как на ненормального будут смотреть»⁷. Эти мнения дополняют результаты ответов на вопрос о том, как часто опрашиваемые надевают национальную традиционную одежду. Мужчин, не надевающих традиционную одежду, оказалось на 20 % больше, чем

⁷ Материалы полевых исследований. Интервью. Мужчина, 78 лет. Поселок «Ахмад Яссави» Ташкентской области. 12.07.2009 г.

женщин (87,6 % против 67,9 %). Причем количество женщин, которые хотя бы редко, но надевают традиционную одежду, составляет 25,2 % от всех респондентов женского пола, в то время как среди мужчин доля таковых составила всего 8,1 %, что, вероятно, связано со следующими причинами.

Во-первых, в женщинах сильнее развито чувство эстетического восприятия одежды. Для них традиционная корейская одежда оценивается с точки зрения ее красоты и декоративного вида. Мужчины же более склонны к практической оценке вещей. Поэтому женщине легче надеть то, что, по ее мнению, сможет украсить ее внешность и привлечь к ней внимание.

Во-вторых, для мужчины социальный статус имеет гораздо большее значение. В этом контексте внешний вид для них является способом повышения социального статуса, важным фактором социальной адаптации, непременным условием успешного продвижения по карьерной лестнице. Естественно, что ношение экзотической одежды может негативно сказаться на социальном статусе мужчины.

В-третьих, мужчинам в одежде присущ больший консерватизм. Стоит сказать, что за последние сто лет мужской костюм по своей сути не сильно менялся, при том что женские платья довольно заметно меняли свои фасоны в соответствии с новыми веяниями моды. Таким образом, женская мода более пластична, мужчинам же, как правило, присуща строгость в одежде.

Одним из наиболее устойчивых элементов материальной культуры корейцев Узбекистана, который сохранил свое значительное присутствие в повседневной жизни, является корейская традиционная кухня. Как показывают результаты социологического исследования, абсолютное большинство респондентов предпочитают корейские блюда. На первое место их поставили 92 % респондентов. Что касается узбекских и русских блюд, то они находятся по предпочтению примерно на одном уровне. На первое место их поставили 12,8 % респондентов (узбекские блюда) и 14,4 % респондентов (русские блюда).

Интересно отметить, что среди всех возрастных групп одинаково высокий уровень предпочтения корейской пищи. Так, на первое место по предпочтению корейскую национальную кухню поставили 93,9 % респондентов в старшей возрастной группе, 91,3 % — в средней и 91,1 % — в младшей возрастной группе. Однако, что касается предпочтений, которым было отведено второе место в таблице ответов, здесь есть определенные различия по возрастным группам.

Узбекскую национальную кухню на второе место поставили 42,2 %, а русскую — 41,7 % респондентов в младшей возрастной группе, т. е. примерно одинаково. В средней возрастной группе на второй позиции по предпочтениям чуть большее количество респондентов (40,5 %) отметили узбекскую национальную кухню, а русские блюда на второе место поставили 36,4 % респондентов. В старшей же возрастной группе разница в предпочтениях между русской и узбекской кухней оказалась еще большей и составила почти 20 % (43,5 % респондентов на вторую позицию поставили узбекскую кухню и 21,1 % респондентов — русскую кухню).

Таким образом, мы наблюдаем определенную динамику изменения кулинарных предпочтений. Если старшее поколение в наибольшей степени предпочитает узбекские блюда русским, то для молодого поколения разница в предпочтениях между ними стала несущественной.

Респондент старшего возраста (мужчина, 78 лет) в интервью сказал: «Хотя я родился на Дальнем Востоке, потом с тридцать седьмого года здесь я рос, сюда шестилетним мальчиком приехал, здесь вырос среди казахов, узбеков, русских, ну, естественно, среди корейцев. Но родители наши привыкли питаться блюдами корейской кухни, ну, естественно и мы. Однако предпочтение зависит от того, в какой среде ты воспитывался и вырос. Но правда, если спросить у всех корейцев, то общее, подавляющее большинство, все равно предпочитает корейскую кухню, но есть корейцы, которые предпочитают хлеб, нежели корейскую кашу»⁸.

В доме у большинства респондентов корейские блюда готовятся всегда (61,2 %) или очень часто (27,8 %). Как показали интервью исследования, наиболее часто приготавливаемыми блюдами являются «куксу»⁹, «паби»¹⁰ и «сиряктямури»¹¹.

Кухня корейцев Узбекистана — это один из основных показателей трансформации их этнической культуры. При этом можно наблюдать не только трансформацию традиционных блюд, но и появ-

⁸ Материалы полевых исследований. Интервью. Мужчина, 78 лет. Поселок «Ахмад Ясави» Ташкентской области. 12.07.2009 г.

⁹ *Куксу* — корейское блюдо, которое состоит из тонких спагетти или тонкой и длинной лапши, яичного блинчика, куксичуми (овощные салаты), куксимури (бульон) и мяса (по желанию).

¹⁰ *Паби* — корейская каша из отварного риса.

¹¹ *Сиряктямури* — корейский суп с тыби (соевый сыр), сиряги (листья салата), мясом, луком, помидором, специями и тйя (соевый соус).

ление новых диаспорных элементов. Например, «*пигодя*»¹² и «*морковча*»¹³ являются изобретением корейцев СНГ.

В целом по сравнению с блюдами русской и узбекской национальной кухни корейские блюда занимают лидирующее место в предпочтениях корейцев Узбекистана. Но совпадают ли предпочтения с тем, что реально готовится в семьях корейцев Узбекистана? Ответы на вопрос «блюда какой национальной кухни обычно готовят в Вашей семье?» показали, что действительно корейские блюда являются не только наиболее предпочтительными, но и наиболее приготавливаемыми. 88,2 % респондентов поставили корейские блюда на первое место по частоте приготовления. Однако если по предпочтениям русские и узбекские блюда находятся у респондентов примерно на одном уровне, то готовятся русские блюда в семьях корейцев Узбекистана почти в два раза чаще узбекских блюд. На первое место по частоте приготовления русскую национальную кухню поставили 16,2% респондентов, а узбекскую — 7,4 % респондентов.

В интервью респондент старшей возрастной группы (женщина, 71 год) сказала: «Мы с мужем почти всё корейское кушаем. Всё вот это — *чимчи*¹⁴, *сиряктямури*, *наби* делаем ... Ну, лагман тоже иногда, когда гости придут, я делаю. Бешбармак мы делаем, любим тоже ... По праздникам у нас обязательно то пельмени, то, это, плов ... обязательно это делаем»¹⁵.

Как видно из интервью, в числе русских блюд наиболее часто приготавливаемыми были названы борщ, пельмени, среди узбекских — плов. Таким образом, не трудно догадаться, почему русские блюда готовятся чаще. Ведь такое блюдо, как борщ, имеет статус повседневной пищи, в то время как плов готовится обычно в праздничные дни.

В материальной культуре корейцев Узбекистана, равно как в их культуре в целом, соединились корейская традиционная, русская и узбекская этнические компоненты. Это наглядно показывают представленные результаты социологического опроса. Так, пищевой рацион корейцев Узбекистана носит смешанный характер, хотя корейские традиционные блюда здесь преобладают, что проявляется в том, что их готовят чаще других блюд.

¹² *Пигодя* — корейские пирожки из теста, заправленные мясом и капустой.

¹³ *Морковча* — салат из морковки, натертой соломкой на терке, приправленной чесноком, перцем, солью, растительным маслом.

¹⁴ *Чимчи* — квашеная капуста по-корейски.

¹⁵ Материалы полевых исследований. Интервью. Женщина, 71 год. Поселок «Ахмад Ясави» Ташкентской области. 05.07.2009 г.

Что касается традиционной корейской одежды, то она уже потеряла свое значение для корейцев Узбекистана. Некоторые из них используют традиционную одежду в ритуальных церемониях, на традиционных корейских праздниках и культурных мероприятиях. В большей мере это касается женщин. Мужчины же не любители носить традиционную корейскую одежду даже в праздничные дни, предпочитая обычный европейский костюм.

Традиционные предметы повседневного быта и сегодня сохраняют свои практические и символично-эстетические функции в семьях корейцев Узбекистана. Тесные контакты с Республикой Корея, посещения исторической родины обусловили нарастающую популярность корейских палочек среди представителей диаспоры. За годы советской власти они были изрядно подзабыты, особенно среди городских корейцев, однако вместе с популяризацией корейской культуры во всем мире происходит некое возвращение к традициям посредством таких важных деталей, как использование корейских традиционных палочек. Современная Корея предлагает их в широком ассортименте, сделанные из разных материалов и на любой вкус.

Вопрос об изменении материальной культуры корейцев Узбекистана требует своей дальнейшей проработки с расширением предметного поля изучаемого вопроса. Любое исследование данной проблематики может быть полезным, так как в этой сфере наблюдается острый дефицит научных работ, и открытие новых сторон традиционной жизни корейцев СНГ будет способствовать более углубленной проработке данного направления исследований.

M. TEN

ЎЗБЕКИСТОН КОРЕЙСЛАРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗГАРИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Мақолада социологик тадқиқотлар асосида Ўзбекистонда корейс миллатининг ҳаётида маданий ўзгаришлар таҳлил этилган. Муаллиф томонидан корейс диаспорасининг ҳаётида миллий таомлар, кийимларнинг ўрни ва роли ҳамда кундалик миллий эҳтиёжларнинг аҳамияти тадқиқ этилган.

M. TEN

THE PROBLEM OF TRANSFORMATION OF MATERIAL CULTURE OF KOREANS IN UZBEKISTAN

Based on the data of wide sociological research the change of material culture of Koreans in Uzbekistan is investigated. The author considers the place and role of national traditional food and clothes in the life of Korean Diaspora. In addition, the level of signification of national traditional casual objects is researched in the article.

ФИКР ҲАҚИДА ФИКР

Ўзбекистоннинг кўп мингйиллик тарихида алоҳида ўрин тутган воқеалар ва шахслар кенг жамоатчилик, адабиётчилар, тарихчилар, филологлар диққат-эътиборини тортиб, уни ўрганиш ва ёритишда турлича ёндашувлар, нуқтаи назарлар, мунозара ва мушоҳадалар мавжуд. XIX аср тарихида «Дукчи Эшон кўзғолони» номи билан аталган ҳаракат ва унинг йўлбошчиси Дукчи Эшон шахси ана шундай мавзулардан бири.

«Тафаккур» журналининг 2012 йил 4-сонида М. Тоировнинг «Дукчи Эшон ва Николай Иккинчи» номли мақоласи чоп этилди. Мазкур мақолада келтирилган муаллиф мушоҳадалари тарихчилар илмий жамоаси ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Тарихчи Б. Бобожонов ва филолог олим А. Эркиновлар журнал таҳририятига М. Тоиров мақоласи юзасидан билдирган фикрлари акс этган мақолаларини тақдим этдилар. Журнал таҳририяти «Фикр ҳақида фикр» рукнида бу муаллифларнинг мақолаларини журналхонларга ҳавола этмоқда.

Б. БАБАДЖАНОВ

ЯНА ДУКЧИ ЭШОН ҲАҚИДА

М. Тоиров мақоласи муносабати билан

Бир замонлар Рим тарихчиси Плиний: «Келажакни кўра билиш ўтмишни башорат қилишдан осонроқдир», деган эди. Кейинроқ машҳурликда ундан кам бўлмаган араб тарихчиси ал-Мовардий ҳеч нарса ўтмиш каби тез ўзгармаслигини таъкидлаган. Албатта, ҳар иккала олим тарихчи, сиёсатчи ва зиёлилар, боринги, барча инсонларнинг ўз ва бошқалар тарихига бўлган қарашлари турли даврларда ҳар хил бўлишини назарда тутишган. Дарҳақиқат, тарих мафқуранинг бир қисми ва фан сифатида муайян давр эҳтиёжларига жуда боғлиқ бўлиб, бу ҳол сиёсий ёки ижтимоий «буюртма»нинг ҳар хил шаклларида ифодаланиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам бизнинг тарихимиз ва жаҳон тарихи кўплаб муаррихлар томонидан қайта-қайта ёзилган ва эҳтимол, яна узоқ вақт мафқуравий эҳтиёжлар, сиёсий вазият ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда қайта-қайта ёзилар, қайта идрок ва талқин этилар. Ҳатто бир мамлакат ҳудудидаги замондошларнинг тарихий воқеаларга қарашлари турлича бўлиб, бу ҳол тарих ва машҳур шахс-

лар ҳақида фикр юритмоқчи бўлган шахсларнинг касбий тайёргарлик даражаси, «ижтимоий буюртма»нинг долзарблигини қандай тушуниши, қандай илмий усулларни қўллаши ва бошқа кўплаб нарсаларга боғлиқ бўлади.

Фикр ва ёндашувларнинг бундай хилма-хиллиги айтиб ўтилган ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқадиган табиий ҳол эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Биз «ҳақиқат баҳсларда туғилади» дея такрорлашни хуш кўрамиз. Аммо ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бўлса, ҳар ким унга ўзича мазмун ва ҳатто ҳис-туйғу берса, ечим қайда? Исломот тарихига оид асарлар (жумладан, Ўрта Осиёда ёзилганлари), шунингдек, муқаддас диний анъана (сийрат, мақомотлар)дан хабардор бўлган ҳар бир киши тарихий воқеаларни сохталаштиришлар, одатда, беозор қайта талқин қилишлар, кўпинча эса, афсонавийлаштириш ва муқаддаслаштириш кўринишини олишига бот-бот амин бўлади. Бу бизнинг кўплаб тарихий асарларимизнинг одатий ва абадий йўлдошидир. Бинобарин, ҳар бир тарихчи манбаларни, айниқса, тарихий ҳикоялар — оғзаки тарихлар, ривоятлар, диний қиссаларни «ўқиш»нинг **ишлаб чиқилган усул (метод)ларидан фойдаланиши шарт.**

Даврлар алмашуви, ўзгаришлар, ислохотлар даври тарих учун алоҳида **синовга** айланади. Ижод билан шуғулланувчи зиёлиларнинг кўпчилиги (биринчи навбатда, журналист ва адабиётчилар) ўтмишга мурожаат қиладилар, ҳатто уни нотўғри талқинлар, бурунги афсона ва маънавий зулмдан тозалаш вазифасини ўз зиммаларига оладилар. Кўпинча эса, ўтмиш муаллифлар учун ўз фикр ва ҳис-туйғуларини ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Гуманитар соҳадаги бири-бирига яқин фанлар ўртасидаги чегаралар йўқолиб бораётган бир даврда бу ҳам табиий ҳолдир.

Аммо шунини унутмаслик керакки, тарих ўз ҳолича, айниқса, **фан** ва **методология сифатида** бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Ундаги ёндашув ва усуллар ўзгармоқда, у янги назариялар билан бойимоқда ва ҳ.к. Афсуски, тарих ҳамда тарихий шахслар ҳақида мулоҳаза юритишга жазм этаётган публицистларнинг аксарияти бу усуллардан беҳабардир. Тарих улар учун жиддий тадқиқот объекти бўлмай, балки зоҳиран «олийжаноб мақсадлар»га қаратилган, шу боис ҳам истиора ва муболағалар билан адабий пардоз берилган, ўзларига «муваффақиятли» бўлиб туйилувчи қиёсларга тўла фикр-мулоҳазаларининг қурбонига айланмоқда. Шунинг учун ҳам бундай мақола ва очеркларда тарихий шахс ва сюжетлар ўрнига муаллифларнинг ўзлари қаҳрамонга айланиб қолмаяптимикин, деган таассуротдан қутулиш қийин. Улар

учун чуқур билим ёки илмий усуллар эмас, балки «қайноқ мавзу» муҳимроқ. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, «ёзувчи» ўз услубига зеб беришга қанча кўп уринса, у тарихий тадқиқотларнинг бирон замонавий усулини эгаллаш у ёқда турсин, предметни ҳатто юзаки билишдан шунчалар йироқ бўлади. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий айтганидек, «қаламнинг ўткирлиги ва сўзга чечанлик ҳаққоний ва чуқур илм ўрнини босолмайди». Публицистларнинг бундай ишлари тарихнинг ҳаваскорлик ёки публицистик талқини бўлишига қарамай, жамоатчилик фикрига катта таъсир кўрсатади. Бизнинг анъанамизда бадиий адабиёт ижтимоий жиҳатдан муҳим воқеаларни баҳолашда ҳамisha алоҳида ўрин тутган. Тарихий воқеалар ва шахсларни баҳолашнинг бундай бадиий шакллари кенг тарқалган ва китобхонлар ақлига, қалбига таъсир кўрсатган, улардаги пафос эса илмий мақолада тақдим этилган ақлий (рационал) таҳлилга кўра ишонарлироқ бўлиб келган.

Мансурхон Тоировнинг «Дукчи Эшон ва Николай Иккинчи» сарлавҳали мақоласи («Тафаккур», 2012, № 4. 66–71-бетлар) айнан шундай фикр-мулоҳазаларга тurtки беради. Муаллиф ушбу мақолада энг мураккаб ва чалкаш тарихлардан бири — «Дукчи Эшон» лақаби билан машҳур бўлган Муҳаммад Али (1852–1898) раҳнамолигидаги 1898 йил қўзғолонига мурожаат қилган. Совет даврида Дукчи Эшон образи илмий адабиётда ҳам ижобий (Д. Сайдаматов, Н. Шляпников, Ҳ. Содиков), ҳам салбий (Б. Фафуров, А. Ниёзов, Ҳ. Раззоқов¹) талқин этилган. Бу баҳслар ҳозиргача давом этмоқда: бу қўзғолон миллий-озодлик ҳаракатининг бир эпизоди эдими ёки мутаассиб шахсларнинг мавжуд муаммоларга реакцияси бўлганми? Ёки: Дукчи Эшонни аҳоли «авлиё» деб қабул қилганми? Унда нега Дукчи Эшонга замондош аксарият дин пешволари уни қаллоб деб эълон қилишган?

Тарихда «тақиқланган мавзулар» бўлмаслиги кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. М. Тоиров Дукчи Эшон мақомига ўз қарашини таклиф қилган экан, бунга ҳурмат билан қараш даркор. Аммо бу, унинг фикрига зид ўлароқ, ҳамма масаланинг якуний ечимини топишни уддалаганлигини англлатмайди. Шунинг учун ҳам биз муқобил қарашимизни тақдим этишга ўзимизни ҳақли деб биламиз, шу билан бирга, тарихни оддий ва осон фан деб ҳисоблаш нотўғрилигини исботлашга уриниб кўрамиз.

¹ Тўлиқ библиография қуйида келтирилади.

Хуллас, М. Тоиров контекстдан юлиб олинган бир-икки иқтибос келтирган (бошқа тадқиқотлардан олингани шундай кўриниб турибди!). Айни пайтда, М. Тоиров профессор Д.А. Алимованинг асосий ишини, афтидан, ўқимаган кўринади, акс ҳолда у олиманинг асарлари эски усулда ёзилган қабалидаги ҳақоратомуз шамани ўзига эп кўрмаган бўларди. Боз устига, М. Тоиров Дукчи Эшон шахси зикр этилган манбаларни диққат билан ўқиб чиқмаган. Аниқроғи, у манбалардан фақат Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи Эшон воқеаси» (илк бор 1927 йилда эълон қилинган) асаринигина тилга олади. Мутахассисларнинг аксарияти воқеалар баёнининг ишончилиги нуқтаи назаридан бу асарга шубҳа билан қарайди. Биринчидан, муаллиф ўзи таърифлаган воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган (у ҳали ёш бола эди). Иккинчидан, у ўз асарини оғзаки ҳикоялар асосида яратган, бу эса, манбашунослар айтганидек, асарнинг ғаразлилик даражасини оширади. Учинчидан, Фозилбек Дукчи Эшонни ижобий баҳолаш баробарида у ҳақда танқидий фикр ва ҳикоялар ҳам келтирган. Уларни ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди ахир. Бундан ташқари, муаллиф ўз асарини ёзган даврни ҳам ҳисобга олиш лозим. Большевиклар (асар айнан большевиклар буюртмаси билан ёзилган) маҳаллий аҳолига совет ҳокимияти даври «мустамлакачиликнинг давоми» эмаслигини намойиш қилишга интилар, шунинг учун ҳам «Оқ подшо»нинг мустамлакачилик сиёсатини танқид остига олувчи ҳар қандай ишни рағбатлантирардилар.

М. Тоиров мақоласига қайтайлик. У оддий публицистик усулда, такрор таъкидлаймиз, эълон қилинган илмий адабиёт ёки ёзма манбалардан деярли фойдаланилмаган ҳолда ёзилган. Муаллиф буларнинг ҳаммасидан йироқ, шунга қарамай, у тарих соҳасида ўзини ҳайрон қоларли даражада эркин тутуди, тарихий воқеалар, шахсларга нисбатан мутлақо ноўрин ўхшатишларга («Жанна д'Арк», Е. Пугачёв, С. Разиндан тортиб Николай II гача) қайта-қайта мурожаат қилади. Эҳтимол, бундай кутилмаган қиёслар бадиа (эссе)лар учун ўринлидир. Аммо муаллиф «тарихий адолат»ни тиклашга даъво қилаётганига нима дейсиз? Нега яна тарих ким учундир осон, оддий соҳа бўлиб туйилмоқда, ўз хоҳишича муомала қилса бўладиган предметга айланмоқда? Адабиётчиларнинг ҳеч бири олий математика ёки айтайлик, астрономия муаммолари ҳақида мулоҳаза юритмайди-ку! Худди шу сингари, математиклар ҳам бевосита ўз ишлари билан шугулланишлари керак. Ҳар икки ҳолда ҳам улар мураккаб фанлар бўлиб, «бегона соҳа»га дахл қилган одамнинг махсус тайёргарлиги йўқлиги жуда сезилиб

қолади. Аммо негадир тарих барчага жуда содда, ҳатто илм эмас, балки қандайдир ахлоқий меъёрлар (М. Тоиров ибораси билан айтганда, «ибратли ҳикоялар») баёнидангина иборат бўлиб туйилаверади. Тарихий воқеаларни талқин қилиш ёки машҳур шахслар ҳақида ёзишни ният қилган одамларни лоақал бирламчи манбаларни, илгариги ва ҳозирги тадқиқотчиларнинг (Мирзо Сомий, Тоиб, З. В. Тўғон, Ҳ. Коматцу, А. Эркинов, А. Моррисон, камина ва б.²) илмий асарларини ўқиб чиқишга даъват қилгинг келади.

Биз, Дукчи Эшон шахсияти ва кўзғолони эътиборга лойиқ эмас, деган фикрдан жуда йироқмиз. Гап тадқиқот усули ҳақида, ҳали-ҳануз етарлича ўрганилмаган тарихий воқеанинг адабий-бадиий талқини эмас, айнан тадқиқот устида бормоқда.

Энди аниқликка юз тутиб, муаллиф тилидан, унинг ўзига хос мантиқи, тушунча ва таклифлари нуқтаи назаридан гапиришга ҳаракат қиламиз. Гарчи тарих ҳақида бошқаларнинг тадқиқотлари (кўпроқ оммабоп характердаги) асосида фикр юритадиган, боз устига, улардан фақат ўз гоёси ва мифологик тафаккурига мос тушадиган иқтибосларнигина танлаб оладиган одам билан баҳслашиш жуда оғир бўлса ҳам.

М. Тоиров «ватанпарварлик» туйғуларини кўрсатишга астойдил интилиб, Дукчи Эшон ватанида унга ҳайкал ўрнатишни таклиф қилади

² Мирза ‘Абд ал-‘Азим Сами. Та’рих-и салатин-и Мангитийа. (Матн, нашр, сўз боши, таржима ва изоҳлар Л. М. Епифанованики.) Москва, 1962. (Матн-122 а, б; таржима 124–125); Мухаммад Йунус Хаджа Мухаммад Амин Хаджа (Таъиб). Тухфаи Таъиб. (Нашрга тайёрлаганлар ва сўз боши Б. Бобожонов, Ш. Воҳидов, Ҳ. Коматцу.) Ташкент-Токио, 2002; Hisao Komatsu. The Andijan uprising and Dukchi Ishan // *Toyshi Kenkyu*, 1986 Vol. 44. № 4. P. 1–31 (in Japan. Translated by author); *Ibidem*. The Andijan Uprising Reconsidered // S. Tsugitaka (Ed.). *Muslim Societies: Historical and Comparative Perspectives*. London, 2004. P. 29–61; *Idem*. *Dar al-Islam under Russian Rule* // U. Tomohiko (Ed.). *Empire, Islam and Politics in Central Eurasia*. Sapporo, 2007. P. 9–18; В. М. Бабаджанов. Дукио Орхун и Аустанд фон Анджуан 1898 // *Anke von Kegelgen, Mikhael Kemper, Dmitriy Ermakov* (Eds.). *Muslim Culture in Russia and Central Asia from 18th — to the early 20th Centuries*. Vol. 2 (Inter-Regional and Inter Ethnic Relations). Berlin, 1998. P. 167–191; Б. Бабаджанов. Андижанское восстание 1898 года: «дервишский газават» или антиколониальное выступление? // *O‘zbekiston tarixi*. 2001. № 2. 25–30-бетлар; Давами. № 4. 61–67-бетлар; Ўша муаллиф. Дукчи Ишан и Андижанское восстание 1898 года // *Подвижники ислама. Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе* (Сб. ст.) / Тузувчилар. С. Н. Абашин, В. О. Бобровников. Москва, 2003. 251–277-бетлар; Ўша муаллиф. Андижанское восстание 1898 года и «мусульманский вопрос» в Туркестане (взгляды «колонизаторов» и «колонизированных») // *Ab Imperio*. Казань, 2009. № 2. 155–200-бетлар (ушбу мақолада қолган библиографияни кўришингиз мумкин).

ва ҳ.к. Нима деймиз, ватанпарварлик таҳсинга лойиқ иш. Лекин кўпинча ҳайкаллар шахслар ва улар билан боғлиқ тарихий воқеаларни қуршаб олган асотирлар асосида бунёд этилади. Бироқ «ширин ва гўзал афсона» маккор бўлади ҳамда доимо фош этилиш чегарасида туради. Келинг, тарихдан сабоқ олайлик: қанчадан-қанча шундай ҳайкаллар уларни ўрнатган одамларнинг авлодлари томонидан ағдариб ташланган. Демак, меъёр туйғусини йўқотмайлик.

М. Тоиров ва унга ўхшаган қизиққонлар Дукчи Эшонга ҳайкал қўйдиришга эришдилар ҳам дейлик. Бунда ушбу танловни асослаш, бу «янги-эски қаҳрамонимиз» асли ким бўлгани, нималар ёзгани, орзу-мақсадлари қандай бўлганини тушунтириб беришга тўғри келмайдими? Булар ҳақида М. Тоиров нимани билади? Унинг ҳис-туйғуларига мос келадиган 2–3 та асотирдан бўлак ҳеч нарсани, шекилли. Шундай қилиб, Дукчи Эшонга ҳайкал ҳам қўйдик ва ўз қароримизни тушунтириб беришга киришдик ҳам дейлик (аслида бунинг аксини қилиш: олдин ўрганиш ва тушунтириш, ана ундан кейин ҳайкал қўйиш, дарслик ёзиш яхшироқ). Ҳар қандай ҳолда ҳам қатор фактларга жўяли изоҳ беришимизга тўғри келади:

1. Нимага Дукчи Эшоннинг кўплаб машҳур замондошлари, шу жумладан, таниқли жадидлар, ўша даврнинг тараққийпарвар шоирлари (Муқимий, Завқий, Умидий-Ҳавоий, Фурқат, Рожий Марғиновий, Султон Аҳмад, Сидқий Хондайлиқий, Ҳожи Собирий) уни «фитначи», «саводсиз» дея, қаҳрамон сифатида тан олишдан бош тортганлар? Бу фикрга ўз даврининг машҳур уламолари (Нодим Намангоний, Мавлавий Йўлдош ва бошқалар) ҳам қўшилганлар. Мазкур кишиларнинг Дукчи Эшонни танқид қилиб ёзган шеърларидан иборат бутун бир туркум А. Эркинов томонидан нашр этилган. Ҳар ҳолда, Дукчи Эшонни ўртак бўларли қаҳрамон (бизнинг замонавий тушунчамизда ва унинг образини ўзимизча талқин этган ҳолда!) сифатида кўрсатар эканмиз, мустақиллик учун курашчилар деб тан олинган мазкур тараққийпарварларга бўлган муносабатимизни **ўзгартиришимизга** тўғри келади чамаси. Ахир, улар Дукчи Эшонга ғайирлик ёки ҳасад орқасида уни қоралашга тушиб кетганлар, деб бўлмайди. Башарти, кимдир ўтмишдаги обрўли кишиларнинг баҳоларини «юмшатиш», бу машҳур кишиларнинг Дукчи Эшонга қарши позициясини тушунтириб беришга киришмоқчи бўлса, бундай муаллиф тарихий асарларимизда бусиз ҳам асосий ўринни эгаллай бошлаган асотирлардан яна янгиларини яратишга мажбур бўлади. Тўғри, А. Эгамназаров вазиятдан чиқиб кетишнинг осон йўлини топиб, мазкур уламолар,

шоирлар ва мутафаккирларни «сотқинлар» деб қўя қолди³. Ҳолбуки, А. Эркинов манзара анча мураккаб эканлигини кўрсатиб берди⁴.

2. Машҳур тарихчиларимизнинг Дукчи Эшон қўзғолонига бўлган салбий муносабатларини ҳам тушунтириб беришимизга тўғри келади. Булар Мирзо Сомий, Тоиб, Ибрат ва бошқа кўплаб таниқли кишилардир. Уларни ҳеч ким мустамлакачиларга нисбатан хайрихоҳликда гумон қила олмайди. Улар ҳам мустақиллик бой берилганидан қаттиқ афсусланишган, мустақилликни орзу қилишган, бироқ Дукчи Эшонни саводсиз муридларини уммат зиёлилари томонидан маъқулланмаган, тайёргарликсиз қўзғолонга олиб чиққан қаллоб сифатида баҳолашган.

3. Янги асотирлар яратмасдан, Дукчи Эшоннинг ўзи мустақилликни қандай тушунганини, нега ислом халифалигини орзу қилганини ҳам тушунтириб бериш лозим бўлади. Нега у ўз издошларини «бутун мусулмонларнинг халифаси» деб тан олган Султон Абдулҳамид II нинг⁵ фармони билан иш тутаётганига ҳамда гўё ундан ғазовотнинг яшил байроғи ва ғозийнинг узугини олганига ишонтириш учун астойдил ҳаракат қилган? Узук ва байроқ Дукчи Эшоннинг ўзига тегишли қалбаки нарсалар бўлиб чиқди. Бироқ бу сохталаштириш у ўзини «мусулмонлар Халифасининг халифаси» мақомида кўрганидан яққол дарак беради. Умуман, Дукчи Эшон сохталаштиришга уста бўлган. Ўз «каромати» ҳақидаги миш-мишларни кучайтириш мақсадида у гўё оловсиз қайнатадиган қозонлар ўрнатади, аслида бу қозонлар содда кузатувчининг кўзи тушмайдиган яширин олов билан қизитилар эди. У хонақоҳдаги муридларига турли «исмлар» ўйлаб топарди («Кўй», «Эчки» ва ҳ.к.). Улар назр-ниёз, садақа тарзида кўй ёки эчки келтирган бирон гўл одамни унинг ҳузурига бошлаб келардилар. Дукчи Эшон тегишли «исм»га эга бўлган муридани кўргач, шу заҳоти навбатдаги мухлиси нимани тухфа қилиб келтирганини «топар» ва бу билан уни ғоят ҳайратга соларди. Бундай мухлислар ўша заҳоти Дукчи Эшон «каромати»нинг кўнгилли тарғиботчиларига айланардилар.

4. Дарвоқе, Дукчи Эшоннинг тасаввуф силсиласида «халифа» сифатидаги мақомига тўхталсак. Нега тасаввуфдан яхши хабардор бўлган замондошлари уни «халифа» (халфа) сифатида тан олишдан бош тор-

³ Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. Тошкент, 1994. 124-бет.

⁴ Erkinov's A. The Andijan Uprising of 1998 and its Leader Dukchi-Ishan Described by Contemporary Poets / TIAS Central Eurasian Research Series. Tokyo: University of Tokyo. 2009. № 3. P. 2-7.

⁵ Бу ҳақда юқорида келтирилган: Дукчи Ишан и Андижанское восстание 1898 года. 258-263-бетлар.

тишган? Нимага унинг асарида тасаввуфга доир бирон-бир оригинал фикрни учратмаймиз? Ниҳоят, нега устози Собир халифанинг фарзандлари уни марҳум оталарининг шогирди деб аталишга нолойиқ бир қаллоб деб аташган? Улар Дукчи Эшонни оталаридан мустақил «халифа» бўлишга ҳуқуқ берувчи, тасаввуф раҳнамоларининг асосий ҳужжати бўлмиш «ижозат» олмаганликда айблашган.

5. Энг асосийси, Дукчи Эшон мафкурасини қандайдир йўл билан тиклашимизга тўғри келади. Бунинг учун эса унга нисбат берилувчи «Ибрат ул-Ғофилин» асарини қайтадан ўқиб чиқиш керак. Ҳа, бу жуда ўзига хос, лекин тасаввуф шеърляти ёки бошқа тасаввуфий асарлардаги мумтоз меъёрлардан йироқ асар. Уни фақат шартли равишдагина тасаввуфий асар деб аташ мумкин, зеро у «наът» (Пайғамбар алқови) анъанасини такрорлайди ва баъзан сўфийларнинг дуолари бўлмиш «Аврод»дан парчаларни ўз ичига олади. Бу асарни мутахассислар тасаввуф шеърлятига муваффақиятсиз тақлид, нооригинал бўлган ва содда усулда ёзилган асар сифатида баҳолайдилар. Биз асло бу асарнинг тарихий ва адабий манба сифатидаги аҳамиятини камситмоқчи эмасмиз. У «халқона речитатив» соддалаштирилган шаклининг нодир намунаси сифатида жуда қизиқарлидир.

Келинг, унинг мазмунига диққат қилиб кўрайлик. Бунинг учун бизга нафақат тарих бўйича тайёргарлик, балки исломшунослик ва тасаввуф бўйича ҳам билимлар керак бўлади. Мана шундай яхлит таҳлил Дукчи Эшоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги тасаввурлари жуда ўзига хос бўлиб, улар тўлалигича **теократик давлат идеаллари** билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Албатта, бу уни айблаш учун ҳеч қандай асос бўла олмайди. У — ўз замонасининг фарзанди. М. Тоиров сўзлари билан айтганда, ўз ўтмишимиздан уялмаслигимиз керак. У қандай бўлса, шундай. Лекин афсонавийлаштирилган қахрамонлар қидириб топиб, уларга ҳақиқатдан йироқ сифат ва тасаввурларни нисбат бериб, тарихни янги асотирлар орқали ўзгартириш ҳам ярамайди.

Гап Дукчи Эшон диндор бўлгани учун унинг хотирасини тиклашмаслик устида бораётгани йўқ, асло (бу М. Тоировнинг таънаси бўлиб, у кутилмаганда Дукчи Эшоннинг диндорлигини Нажмиддин Кубро ва Мартин Лютернинг диндорлиги билан қиёслайди: тамомила ноўрин қиёслар!). Гап шундаки, Дукчи Эшон навбатдаги рамзга айланттириллар экан, унинг **тасаввурлари** ва **мафкураси** ҳақида гапиришга тўғри келади. Аммо бу масала ҳаққоний ва холис тадқиқ этилса, М. Тоировнинг ўхшатишлари нафақат ноўрин, ҳатто беўхшов ҳазилдек туйилади. Албатта, агар яна янги афсоналар яратилмаса.

Дарвоқе, афсоналар ҳақида. Бизгача яна бир қизиқ асар — «Маноқиб-и Дукчи Эшон» (номи шартли) ҳам етиб келган⁶. Унда номаълум муаллиф ўз муршидининг тарихини афсоналар билан бўйшага ҳаракат қилган. Ушбу асарда Дукчи Эшоннинг ҳаёти ва фаолияти жанр талабларига мос равишда ўзига хос ярим фантастик шаклда тасвирланган.

Мазкур манбалар мустамлака маъмуриятининг рус тилидаги архив материалларидан фарқли ўлароқ, жуда қизиқ тафсилотларни, бошқача айтганда, воқеалар ҳамда Дукчи Эшоннинг таржимаи ҳолига бошқача («маҳаллий») қарашни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам Дукчи Эшоннинг ушбу аноним маноқиб-и ўз пайтида тадқиқотчиларнинг эътиборини тортган эди. Бу манбалар охиригача тадқиқ этилмаган бўлса-да, улар бизга олдиндан ҳалокатга маҳкум кўзғолонга жалб этилган оддий одамларнинг психологиясига холисона назар солишга имкон берувчи ва жамоанинг аксар қисми шошма-шошарликка қарши бўлганини кўрсатувчи оригинал маълумотларни беради.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, бундай манбаларни тегишли методология ва илмий тажрибага эга бўлмай туриб ўқиш номаъқул ва ҳатто маълум даражада хавfli ишдир. Шуни назарда тутиш лозимки, мустақиллик давридаги маънавий уйғониш маҳаллий тадқиқотчиларнинг аксарият қисми (асосан, адабиётчилар ва қисман шарқшунослар)га ҳам таъсир кўрсатиб, ўтмишдаги атеистик сиёсатга нисбатан жуда ўзига хос реакция уйғотди. Диний, биринчи навбатда, тасаввуфий адабиётни «янгича» (кўпинча, *биринчи марта*) ўқиш исломшунослик анъаналари деярли бўлмаган ва янги тадқиқот усуллари билан беҳабарлик кенг тарқалган бир шароитда ўз моҳиятига кўра тарихимизнинг кўп жиҳатларини анъанавий, моҳиятан *агиографик* идрок этишни келтириб чиқарди. Тарихнинг илгари атеистик танқид предмети бўлган ва диний адабиётда баён этилган саҳифалари бирданга «унутилган ҳақиқат» сифатида қабул этила бошлади, аммо бу меросни танқидий руҳда ва тарихий динамикада, тарихий ва исломшунослик тадқиқот анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тўла ўрганиш амалга оширилмади. Умуман олганда, бунга ҳам совет даврининг оқибатлари сифатида қараш мумкин, чунки ўша даврда диннинг ўзи билан бир қаторда, диншунослик тадқиқотларига қарши ҳам курашилган ва тадқиқотлар амалда жўн (жанговар) атеизмга айлантирилган. Буларнинг барчаси шунга олиб келдики, ватанимиздаги тасав-

⁶ Манакиб-и Дукчи Ишан. Аноним жития Дукчи Ишана — предводителя Андижанского восстания 1898 года / Кириш, нашр ва таржима Б. Бобожоновники. /Ташкент—Берн—Алматы, 2004.

вуф соҳасига доир тадқиқотлар *агиографик анъаналарнинг ўзига хос давомига айланди* ҳамда тасаввуф шайхларининг «улуғ ишлари», «мўъжизалари», таржимаи ҳолларига оид маълумотларни қайта ҳикоя қилишдангина иборат бўлиб қолди.

Бундай нашрларнинг муаллифлари, кўпинча, «ўтмишда бузиб кўрсатилган жонажон тарихни объектив ва холис тадқиқ этиш» зарурлигига ишора қиладилар ёхуд мамлакатимиз раҳбариятининг ўтмиш маънавиятининг намуналарини қайта тиклаш ҳақидаги даъватларига мурожаат этадилар. Аммо бундай риторик ёндашувлар тадқиқотларнинг сифатини оширишга *кўмаклашмайди*, балки муаллифларнинг уқувсизлиги ва заиф эрудициясини беркитишга хизмат қилиб, муаммони четлаб ўтишга олиб келади. Ишларнинг ночорлигини хаспўшлаш учун уларнинг «халқ учун» мўлжалланганини рўкач қилиш, фикримизча, янада асоссиздир. Бироқ бунга қўл урган одамлар, одатда, тарихий тадқиқотлар методларини билмайдилар, тегишли профессионал тайёргарликка ҳам эга эмаслар.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон раҳбариятининг тарихимизни объектив ва холисона ўрганиш, унутилган номларни қайтариш борасидаги даъватлари ўзимиз *ўтмишга қайтишимиз*, аждоқларимизнинг барча ғояларини (биз уларга қанчалар ҳурмат билан муносабатда бўлмайлик) тегишли таҳлилларсиз бугунги ҳаётимизга кўчиришимиз кераклигини *англашмайди*. Гап фақат биз учун бугунги кунда фойдали бўлган ва келажакда ҳам ўзгаришсиз қоладиган маънавий мерос ҳақида бормоқда. Бизда эса кўпинча аксинча бўлиб чиқмоқда: унутилган шахсларни тарихимизга қайтариш истагида уни тақлидга муносиб «замонамиз қаҳрамони»га айлантиришга шошилмоқдамиз.

Мустақиллик йилларида, айниқса, чекка шаҳарларда пайдо бўлган тасаввуфга оид кўплаб нашрларни ўқиганда ҳам шундай таассурот пайдо бўлади. Гап полиграфия, муқоваларнинг сифатсизлиги ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида эмас. Такрор таъкидлайман, гап мазкур ишлар аксариятининг мазмуни устида. Биз уларда нимани кўрамиз? Ахир, улар *кирилл ёзувига ўгирилган ўрта асрлар агиографиясининг ўзгинаси-ку!* Бу муаллифларнинг кўпчилиги ўзларига савол бериб кўрдилармикан: бундай китобчани қўлига олган китобхон ундан нимани ўрганади? Электроника, нана-технологиялар, космик парвозлар ва глобаллашув асида у қандай *менталитетга* эга бўлади? Биз янги авлодни ушбу глобаллашувнинг бир чеккасида қолиб кетадиган ўрта асрлар қолиплари асосида тарбиялашдек хатарли ишга қўл урмаймизми?

Одатда, бундай мисолларда ал-Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғонийларнинг таржимаи ҳолига мурожаат қилиб, уларнинг диндорлиги табиий фанлар соҳасида улуғ кашфиётлар қилишига халақит бермаганлигига ишора қилишади. Дарҳақиқат шундай. Лекин уларни мисол қилиб келтирадиган кишилар, одатда, уларнинг мафкураси мусулмон рационализми (ақлийлик ғоялари) билан боғлиқлигини четлаб ўтишади, кўпинча эса буни билишмайди. Тадқиқотчилар уларнинг даврини схоластика эмас, балки рационализм асосий ўрин эгаллаган «классик ислом даври» деб аташлари тасодифий эмас. У даврларда табиий фанлар ҳамда фалсафа ундан анча кейинги даврлардаги уламолар айтгандек, «бефойда» ва ҳатто «зарарли» деб ҳисобланмаган. Тарихий тақдир шундай бўлиб чиқдики, вақт ўтиши билан рационализм ўрнини схоластика, майда-чуйда ақидалар, асотирлар эгаллади. Ҳатто тасаввуф мафкура сифатида жиддий ўзгаришга учраб, таназзулга учради ва илк суфизмнинг ҳақир кўринишига айланиб қолди.

Дукчи Эшон ҳам ана шундай ҳақир тасаввуфнинг бир вакили эди. Ўтмишдаги рационализмда мустақиллик учун курашнинг энг самарали воситаси ҳамда турғунлик ва иқтисодий қолоқликни енгиб ўтишнинг ягона воситасини кўрган жадидлар уни замонавий ҳаётга қайтариш йўлида жонбозлик кўрсатдилар. Фикримча, Ўзбекистон Президентининг «Маърифий ислом» ҳақидаги ташаббуси диндорлар онгида айни шу рационал, идрок этилган ва оқилона ибтидонни қайта тиклаш муаммосини жуда аниқ акс эттиради.

Биз ўтмишни танлай олмаймиз-ку, у қандай бўлса, шундай, деган эътирозлар яна туғилиши мумкин. Ҳа, шундай. Бироқ айнан шу ҳолат, биринчи навбатда, уни батафсил ва холисона **ўрганиш, тўғри тушуниш ва баҳолаш**, шундан кейингина тарғиб қилиш масъулиятини юклайди. Айнан шу боис ҳам **келажакка ишонч билан қадам ташлаш асносида ўтмишга** (бунинг барча оқибатлари билан бирга) **тушиб қолмаслигимиз** учун ўз касбий маҳоратимизни, илмий ишларимизнинг таҳлилий даражасини оширишимиз ҳар қачонгидан кўра долзарброқ бўлиб турибди.

Б. БАБАДЖАНОВ

СНОВА О ДУКЧИ ИШАНЕ.

По поводу статьи М. Тоирова

В статье приведены рассуждения известного отечественного востоковеда Б. Бабаджанова, высказанные в порядке научной полемики с содержанием статьи М. Тоирова, опубликованной ранее в журнале «Tafakkur» [М. Тоиров. Дукчи

Эшон ва Николай Иккинчи //Тaufаккур. 2012. № 4. С. 66–71], в частности, об оценке личности Дукчи Ишана и его роли в Андижанском восстании 1898 г. Основываясь на обширном фактологическом материале, в том числе сочинении самого Дукчи Ишана, Б. Бабajanов аргументирует научную несостоятельность любых попыток необъективной оценки его роли в указанных событиях.

B. BABAJANOV

REVISITING DUKCHI ISHAN'S PERSONALITY.

Regarding the article by M. Toirov

The article presents the conclusions of a well-known scholar B. Babajanov in the manner of scientific discussion with the content of M. Toirov's article previously published in the journal «Tafakkur» [M. Toirov. Dukchi Ishan va Nikolay Ikkinchi // Taffakur, 2012 № 4. P. 66–71], in particular with regard to assessment of Dukchi Ishan and his role in the notorious events of 1898 in Andijan. Based upon significant factual material, including the personal accounts of Dukchi Ishan, B. Babajanov discusses the groundlessness of any attempts of nonadequate assessment of Dukchi Ishan's personality and his role in the events of 1898 in Andijan.

A. ЭРКИНОВ

ИЛМИЙ ҲАҚИҚАТ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Дукчи Эшон ғоят ўзига хос ва эътиборга молик, айти вақтда, мураккаб бир шахсдир. У Чор Россияси мустамлакачилигига қарши деб баҳоланаётган кўзғолонга халқ уни шу кўзғолон раҳбари сифатида кўришни истагани учун раҳнамолик қилди. Аммо бундай йўл билан катта натижага эришиб бўлмаслигини, мустамлакачиларнинг катта ҳарбий кучига алоҳида тайёргарликсиз, бирданига қарши чиқиш кутилган натижага олиб келмаслигини балки сезгандир ҳам. Лекин унинг атрофидаги адолатсизликдан эзилган халқ одиллик истаганида ва бу йўлдаги кўзғолонида Дукчи Эшонни ўз йўлбошчиси сифатида кўришни хоҳлаганида, у халқ раъйига қарши бора олмасди. Халқ орасида унинг обрўси баланд эди. У ўз жонини шу йўлда қурбон қилди. Унинг замондошлари — тарихчилар, шоирлар, умуман олганда, зиёлилар Дукчи Эшон фаолияти ва унинг бошчилигидаги кўзғолонга муносабат билдирганлар. Ўз вақтида мен Дукчи Эшон кўзғолонига унинг замондошлари томонидан берилган баҳоларни ўша давр шоирлари шеърлари воситасида ўрганиб, кичик китобча ҳолида чоп эттирган эдим (A. S. Erkinov. The Andijan Uprising of 1898 and its leader Dukchi-ishan described by contemporary Poets. TIAS Central Eurasian Research Series №.3. Tokyo. 2009. 118 p.).

Дукчи Эшон раҳнамолигида амалга оширилган қўзғолондан кейин ўзбек адабиётида Дукчи Эшон фаолияти ва қўзғолон ҳажвига бағишланган шеърый цикл вужудга келган. У 1898–1919 йиллар давомида ўзбек тилида ёзилган 1500 мисрадан ортиқроқ ҳажмни ташкил этувчи йигирмата шеърни ўз ичига олади. Китобимда ана шу шеърлар матни келтирилган, улар мазмуни ва муаллифлари ҳақида гапирилган ҳамда шеърлар таҳлил этилган. Айни шеърларни Муқимий (1850–1903), Завқий (1853–1921), Нодим Намангоний (1844–1910), Рожий Марғилоний (1834–1918), Умидий-Ҳавоий (1835–1906), Тошхўжа Асирий (1864–1916), Мавлавий Йўлдош (1861–1922), Сидқий Хондайлиқий (1884–1934), Хожи Собирий, Султон Аҳмад ва Муҳиб каби шоирлар яратганлар. Улар шеърларидаги асосий танқид — Дукчи Эшон етакчилик қилган қўзғолон оқибатида кўплаб одамларнинг нобуд бўлганлиги. Лекин ҳозиргача замонавий алифболарда бу шеърларнинг учдан бир қисмигина нашр қилинганлиги сабабли уларнинг барчасидан китобхонлар яхши хабардор эмаслигини ҳам шу ўринда таъкидлаш керак бўлади. Баъзи шеърлардан намуналар келтирамыз.

Нодим Намангоний Дукчи Эшонга бағишлаб бешта шеър битган. Улардан бири рус тилида нашр этилган Чор Россиясининг Туркистондаги расмий нашри — «Туркестанские ведомости» газетасида (1898 йил, 45-сон) русчага таржима қилиб чиқарилган. Лекин биз унинг бошқа, нашр қилинмаган ва қўлёзма китобда келтирилган шеърдан мисол келтирамыз:

*Йикчи Эшони нодон, Дажжולי мулки Турон,
Оламға солди тўфон, бу дoston эмасму?
Они касофатидин, ул фитна офатидин,
Кўп эл асиру зору бехонумон эмасму?
Мингтефа горат ўлди, кўпни уйи бузулди,
Ўрни мужжукка бўлди, зулми аён эмасму?*

Шоир Умидий-Ҳавоий эса шундай ёзади:

*Қанча одам хонавайрон бўлдилар маҳбус бўлиб,
Молу мулки кетти, бўлди ҳам хижил, ҳайрон эшон.
Подшомиз ҳазрати Фарғонаға қилса ғазаб,
Кўп ёмон аҳволимиз бўлғай шикаст, вайрон, эшон.*

Муҳиб:

*Беғуноҳлар гуноҳкор ўлди,
Шоҳимиз хижлатида зор ўлди.*

Муҳибнинг бошқа шеърдан:

*Ул эшон шумлуғи бу Андижон аҳлин хижил айлаб,
Ажойиб шармисор этти ҳама қозийу дамлони.*

Мисоллардан кўриниб турганидек, шоирлар кўзғолон оқибатида халқ жабр кўрганлигидан ташвишланиб, Дукчи Эшонни танқид қилганлар.

Машҳур ўзбек маърифатпарвари Сидқий Хондайлиқий 1919 йили динни ўз манфаатига ишлатган эшонлар тўғрисидаги «Иктисоб» аса-рида Дукчи Эшон ҳақида ҳам ёзган. Уни кўшинсиз, тўпсиз Русия аскарларига қарши боришга даъво қилгани ва бунинг натижасида халқ жабр қилгани учун танқид қилган. Дукчи Эшон танқид қилинган шеърларнинг аксарияти кўзғолондан кейин ёзилган. Лекин Сидқий орадан анча вақт ўтиб бу мавзуга мурожаат қилган. Унинг шеърига ҳам, мазкур мавзуда шеър ёзган бошқа шоирлар каби, кўзғолон оқибатидаги халқнинг жабрланишидан куйиниш хос.

Фозилбек Отабек ўғли «Дукчи Эшон воқеаси» китобида кўзғолондан кейин мустамлакачилар томонидан шоирларга Дукчи Эшон қилган ёмонлиги ҳақида шеър ёзиб, уларни газетага юборсин, деган кўрсатма берилган дейди. Лекин мазкур кўрсатманинг асл матни учрамади. Ҳозирча эса бизга ўша давр газеталарида нашр этилган икки-та шеър маълум: Нодим Намангонийнинг битта шеъри «Туркистон вилоятининг газети»да (1898 йил, 45-сон) ва айни шеърнинг русчага таржимаси «Туркестанские ведомости»да (1898 йил, 89-сон) ҳамда Султон Аҳмад шеъри «Туркистон вилоятининг газети»да (1911 йил, 82-сон) нашр этилган.

Ҳозиргача бизга маълум бўлган йигирмата шеърдан фақат икки-тасининггина газетада эълон этилиши таажжубланарли ҳол. Бундан ташқари улардан бири кўзғолондан анча кейин — 1911 йилда нашр қилинапти. Агар мустамлакачилар кўзғолонни танқид қилиб шеър ёзиб, уни газетага жўнатиш ҳақида кўрсатма берган бўлсалар, нега кўзғолондан кейин ёзилган бошқа шеърларни матбуотда эълон қилмадилар (?). 1883–1917 йиллар орасида (яъни кўзғолон бўлган даврда ҳам) «Туркистон вилоятининг газети»га Н. Остроумов (1846–1930) муҳаррирлик қилган. Унинг архивида Муҳиб ва бошқа бир номаълум муаллиф томонидан ёзилган, жами тўртта шеър мавжуд. Агар кўрсатма бор бўлса нега бу шеърларгина эмас, бошқа шеърлар ҳам айни газетада нашр этилмай, қўлёзма китобларда келтирилган матнидаги ҳолича қолиб кетди (?). Бу саволларга жавоб топиш анча мураккаб.

Дукчи Эшон фаолияти ва у бошчилик қилган кўзғолон оқибатида халқ кўрган жабрлардан норози бўлиб шеър ёзган шоирларни мустамлакачилар билан ҳамкорликда айблаш билан масалани ҳал этиш осон иш эмас. Масалан, Нодим Намангоний ва Султон Аҳмад эшонлар уруғидан чиққанлар. Рожий Марғилоний қирқ йил Марғилон қозиси бўлиб ишлаган, Мавлавий Йўлдош Қўқоннинг диний авторитетларидан ҳисобланган. Шоирларни мустамлакачилар билан ҳамкорликда айблашимизга асосимиз бўлмагани ҳолда, айниқса, мазкур шоир шахсларнинг мустамлакачилар кўрсатмасига биноан Дукчи Эшонни танқид қилиб шеър битишлари анча баҳсли.

Мен оддий инсон сифатида Дукчи Эшонни ҳам, унинг бошчилигидаги ҳаракатни ҳам ҳурмат қилишим мумкин. Лекин менинг инсон сифатидаги ҳиссиётларим, илмий холислик, тарихий мавжуд фактлар олдида ҳиссиётлигича қолиб кетаверди. Сабаби, илмий ҳақиқат ҳамма нарсадан устун туради ва уни давр сиёсатига мослаб тақдим этган совет фани даври ортда қолди. Энди ҳамма нарсага холис баҳо берадиган давр келди.

А. ЭРКИНОВ

НАУЧНАЯ ОБЪЕКТИВНОСТЬ ПРЕВЫШЕ ВСЕГО

В статье осуществлен анализ отдельных примеров национального литературного творчества конца XIX — начала XX века, в которых представлена оценка личности Дукчи Ишана и, в частности, его роль в Андижанском восстании 1898 года. Привлекая труды таких авторов, как Н. Намангани, Мукими, Р. Маргиланий и др., А. Эркинов убедительно демонстрирует, что мотивы и поступки Дукчи Ишана в период Андижанского восстания находили резко негативную оценку со стороны его современников, видных представителей литературного творчества Центральной Азии указанного периода.

А. ERKINOV

SCHOLARLY OBJECTIVITY IS ABOVE ALL

The article presents the analysis of literary works of the late 19th and the early 20th centuries pertaining to the assessment of Dukchi Ishan's personality and, particularly, his role in Andijan uprising in 1898. Based on the works of such writers as N. Namangani, Muqimi, A. Margilani and etc., the author persuades that the motives and actions of Dukchi Ishan during Andijan uprising were assessed negatively by his contemporaries, prominent Central Asian representatives of literary work.

*ИЛМИЙ ҲАЁТ***АКАДЕМИК ЯҲЁ ФУЛОМОВ НОМИДАГИ
«ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ»
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ 2012 ЙИЛДА
БЎЛИБ ЎТГАН ЙИФИЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Бугунги кунда мамлакатимизда фан ва таълим интеграцияси юқори даражага кўтарилмоқда. Таълим тизимидаги илмий педагог кадрларни Ўзбекистон тарих фанида қўлга киритилаётган энг сўнги ютуқлар билан таништиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 315-сонли Қарорига биноан ташкил этилган ва мунтазам фаолият юритаётган академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» илмий семинарининг аҳамияти беқиёс. 2012 йилда семинар ўзининг иккита йиғилишини ўтказди. Унинг 65-йиғилиши ЎЗР ФА Тарих институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент Давлат Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда 2012 йилнинг 18 май куни «Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг Шарқ цивилизациясида тугган ўрни: тарих ва ҳозирги замон» мавзусида бўлиб ўтди. Анжуманда нафақат Ўзбекистон, шу билан бирга, жаҳон тарих фанида ҳам эътибор қозонган йирик тарихчи олимларнинг маърузалари тингланди. Жумладан, ўз маърузаларида т.ф.д., академик Э. В. Ртвеладзе «Марказий Осиё ва Шарқ халқлари ўртасидаги тарихий алоқалар: шаклланиш ва тараққиёт босқичлари»ни таҳлил қилган бўлса, т.ф.д., профессор Р. Сулаймонов «Марказий Осиё ва Шарқ: культурогенез масалалари»га алоҳида тўхталди. Т.ф.д., профессор М. Исҳоқов томонидан «Ўзбек давлатчилиги ва унинг Шарқ цивилизациясида тугган ўрни» ҳақида, т.ф.д. А. Ходжаев «Хитой манбаларида Марказий Осиёнинг тарихий-маданий ўлкалари ҳақидаги маълумотлар» билан илмий жамоатчиликни таништирди. Т.ф.н., доцент А. Х. Худайбердиевнинг «Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ давлатлари билан узаро муносабатлари» номли маърузаси тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мустақиллик гуфайли Ўзбекистон тарих фанида муҳим ўзгаришлар содир бўлди ва бу жараёнларнинг барчаси тўғридан-тўғри тарих фанида акс этди. Ўтган йиллар давомида тарих фанида манбаларни янгидан мушоҳада қилиш, аввал илмий муомала доирасига тортилмаган архив ҳужжатлари ва бошқа материалларни ўрганиш асосида мустақиллик, совет тарихи ҳақида янгича концептуал тасаввурлар шакл-

ланди. Мустақиллик даври тарихини мукамал яратиш масалалари бугунги тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Айнан шу масалалар таҳлилига бағишланган илмий семинарнинг навбатдаги 66-йиғилиши 2012 йил 13 декабрь куни Самарқанд шаҳрида ЎЗР ФА Тарих институти, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Самарқанд вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича методик маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихи: фан, таълим ва кадрлар тайёрлаш муаммолари» мавзусида бўлиб ўтди. Хусусан, т.ф.д., профессор Д. Х. Зияеванинг «Мустамлака даври тарихини ўрганишнинг концептуал асослари», т.ф.н., доцент Н. Мустафаеванинг «Совет даври тарихини ўрганиш методологияси ва ёндашувлар», т.ф.н. Д. Кенжаевнинг «Мустамлака ва совет даври тарихини ўқитиш масалалари методологияси» номли маърузаларида мустақиллик йилларида мустамлака ва совет даври тарихининг ўрганилиш ҳолати, муаммолар, ечилиши лозим бўлган вазифалари кўрсатиб берилди. Т.ф.н. А. Сабиров томонидан тақдим этилган «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи: илмий изланишлар ва таълим тизими» маърузасида бугунги кун мамлакатимиз тарихини қандай ўрганиш зарурлиги масалалари таҳлил қилинди. Т.ф.н., доцент Д. Ражабова «Таълим тизимида тарихчи кадрларни тайёрлаш масалалари»га бағишланган чиқишида тарих фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш ва янги услубларни жорий қилиш йўлларини тақдим этди.

Академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» илмий семинарининг 2012 йилдаги йиғилишларида, доимий анъанага кўра, Ўзбекистон тарих фанида кечаётган жараёнлар ҳақида кенг маълумотлар берилди ва соҳа етакчи олимлари, Республика Олий таълим муассасалари ҳамда халқ таълими тизимидаги мактаблар, коллеж ва лицейларда фаолият олиб бораётган мутахассис ўқитувчилар, шунингдек, талабалар иштирок этдилар. Тингловчилар томонидан кўплаб берилган саволлар, билдирилган мулоҳазалар семинар мавзуларининг нақадар долзарб эканлигини яна бир карра исботлайди.

*Тарих фанлари номзоди
Н. Мустафаева*

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- С. Азизов** ЎзР ФА Шарқшунослик институти тадқиқотчиси
- С. Давлатова** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т. ф. н.
- Д. Алимова** ЎзР ФА Тарих институти грант раҳбари, т. ф. д., профессор
- Н. Мустафаева** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т. ф. н., доцент
- Х. Бўриева** Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, «Ўзбекистон тарихи ва ДЖҚНА» кафедраси доценти, т. ф. н.
- Т. Норқобилов** Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ бош мутахассиси
- Н. Абдуллажанова** ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- В. Хан** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, фал. ф. н.
- Р. Саттаров** ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- М. Тен** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
- Б. Бобожонов** ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.
- А. Эркинов** Тошкент Давлат Шарқшунослик институти «Классик филология» кафедраси доценти, фил. ф. д.

Журнал муқовасида: Будда ёки Бодхисаттвнинг бош қисми. Фаёзтепадаги будда ибодатхонаси. I–II асрлар.

На обложке журнала: голова Будды, или Бодхисаттвы. Буддийский монастырь. Фаёз-тепе. I–II вв.

Узо

Индекс 1027

22932

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2013. № 1